821
М-90

Ҳамрохон
МУСУЛМОНОВА



# АРБАҒИШНИНГ ЛОЛАЛАРИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач ____________

Ҳамрохон Мусулмонова

# АРБАҒИШНИНГ ЛОЛАЛАРИ

*Ҳикоялар*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент–2011

УДК 821-512-133-3
84(5Ў)6
М 90

Мусулмонова, Ҳамрохон.
Арбағишнинг лолалари: ҳикоялар / Ҳ.Мусулмонова. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 104 б.

Қўлингиздаги ушбу тўпламдан вақтли матбуотдаги чиқишлари билан Сизга аллақачон таниш бўлган Ҳамрохон Мусулмонованинг ҳикоялари ўрин олди. Адибанинг ҳаётга ўзига хос қарашлари, муносабатлари мавжудлигига мутолаа жараёнида гувоҳ бўласиз.

ББК 84 (5Ў)6

© Ҳамрохон Мусулмонова,
Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2011 йил.

ISBN 978-9943-03-379-5

## АЁЛЛИК ПЕШОНАСИ

Аёллик ҳаммадан бурун психикада акс этади. Аёллар психикасида ва дунёга ўзгача муносабат мавжуд ва бу уларнинг бутун хатти-ҳаракатларида, энг майда нарсалардан тортиб энг юксак олиймақом нарсаларда тинимсиз зуҳурланади. Момо Ҳовво илонга алданиб қолгандан бери одамзод алданади. Алданиш эса аёлдан бошланади. Алданишлар бўлмаганда, аёлни алдаш ва демак хўрлашлар бўлмаганда одамзод мангу [illegible] ерда яшарди. Мангу идеал қонунлар ҳаётда ҳеч тўхтамай ишларди. Одамзод азалдан аёлга зийнат деб қаради. Азал ҳакимларнинг фикрича одамни тўрт нарса бахтли ва баркамол қилади: ҳикмат, шижоат, иффат ва адолат. Шу тўрт нарсани ўзида мужассамлаштирган инсон ҳеч қачон ҳеч қандай шароитда бахтсиз бўлмайди. Бу тўрт нарса ҳар жиҳатдан аёлларга ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидан жамланадиган аёлликка ҳам тўла дахлдордир. Тўрт нарсанинг марказида иффат турибди. Тўрт нарса бир-бирига иффат билан туташади, ҳаётда тобланади, мустаҳкамланади. Аёллик деганда шу тўрт нарсанинг ҳаётнинг барча ҳолларида юзага чиқишини назарда тутайлик. Шунда аёллик зийнат деган сўзнинг мазмун-моҳияти очилади.

Ёш адиба ва журналист Ҳамрохон Мусулмонованинг ҳикояларида аёл психикасининг товланишлари ва аёлликнинг ранг-баранг қирралари ўз аксини топади. Унинг ҳикоялари ўтган асрда ўтган Ойдин Собирова, Саида Зуннунованинг илк ҳикояларининг услуб, хат ва ёндашувларига кўра эслатади. Ёш адиба аёлларга шафқат ва меҳрибонлик, умидворлик ва сабр-бардошликнинг жамиласи деб қарайди. Барча аёл адибалар, шоиралар, журналистлар, санъаткорларда, уларнинг ижодларида соф аёлликнинг хусусиятлари баралла акс этади. Ҳамрохон бундан мустасно эмас.

У наср сўзини, ҳикояларини худди кашта ва гулдўзилар тиккандай тикади. Ҳикояларида қўллайдиган ва тасвирнинг мағзини ҳосил қилувчи тафсилотлар, ҳаёт воқеаликнинг деталлари ҳам баайни қийиқ, ранг-баранг дўппи, сўзана, палаклардаги рамз тимсол характерига эга орнаментал деталларга ўхшаб кетади. Ушбу ҳунар санъатининг ранго-ранг деталларидан қай бир тарздаги орнаменталлик ҳосил бўлади. Бундай безакдорлик Шарқу Ғарбда баб-баробар «аёллар прозаси» ва аксар ҳолларда «аёллар шеърияти»га тааллуқли, бундан ҳатто Анна Ахматова ҳамда Вирджиния Вулф ҳам ҳар қанча авангард йўналишда ёзмасинлар, қочиб қутулолмаганлар. Тасвир, «хат» бунда аёл қалби, аёл ҳиссиётлари ва аёллик табиати билан чамбарчас боғлиқ. Бадиий «хат» эса қалбдан,

ҳиссиётлар табиати ва жамулжамидан туғилади, шаклланади, аёллик форма яратувчи ҳодисага айланади. Қалбни ўзгартириб бўлмагандай «хат»ни ҳам асло ўзгартириб бўлмайди.

Олтинчи асрнинг ўрталарида яшаган, исломни илк қабул қилган аёллардан бири кўкси чок шоира Тумадир бинт Амр ал-Ханса жангларда ҳалок бўлган оға-иниларига элегия-марсиялари билан машҳур бўлган. У бир ғазалида «қисмат ҳар дам устимизга қўшин тортиб келадир», деб нола қилади. Қисмат қачон аёлнинг тепасига қўшин тортиб келишдан чарчаган? Аёллар қисмат исканжасида ўзларини қандай тутадилар, қандай чора-тадбирлар кўрадилар? Ҳамрохоннинг аёллари шу азал саволларга жавоб топишга уринадилар. Ҳамрохоннинг шаклланаётган, ҳали тугалланиб охирига етмаган услуб — «хат»ида гулдўзлик белгиларини кузатиш мумкин. Куртак, томир, илдиз, ғунча, очилган гул, япроқ, қисмат, ой, қуёш, ер, осмон, юлдузлар, сув, ҳаво, йўл, макон, севги, ҳомила, фарзанд, висол, жудоликлар, охир ва ибтидо, зоҳир ва ботин ва яна бошқа кўп ҳодисалар каштачилик, ипакдўзликда қандай рамзий ишораларни англатса, Ҳамрохоннинг ҳикояларида ҳам булар шу маъносида акс этиб боради.

Аммо ҳаёт, борлиқ кашта эмас, кашта рамзлар, аммо ҳаёт, борлиқ бу рамзлардан чексиз мураккаб ва мушкулроқдир. Ҳаёт тасвирида кашта усуллари, тимсолларидан фойдаланиш мумкин. Аммо фақат шунинг ўзигина прозада тўлақонли кучли бадиий услуб яратишга ожизлик қилса ажабмас.

Ҳамрохоннинг ҳикояларидаги аёллар қизларига бир умр бисот йиғадилар, фарзандларининг ҳаёти кам-кўстсиз бўлишини хоҳлайдилар, бунинг учун меҳнат-машаққатдан қочмай, ҳар қандай оғирчилик бўлса бардош берадилар. Болалар фақат компьютерлару қўл телефонларининг соҳибаси бўлиб қолишларини истамай, уларга кашта тикиш, қуроқ ясашга ўхшаш қадим қўл ҳунарларини ҳам ўргатадилар, болалари табиатга, табиат тақозоси билан вужудга келган санъатларга яқин бўлишлари, булардан асло узилиб кетмасликларини истайдилар. Аёлликнинг бир белгиси анъаналарни сақлаш ва уларга изчил риоя этиб боришликни таъминлашда ҳам ёрқин кўзга ташланади. Бу ҳикояларда биз гоҳ тўкис, камчиликсиз турмуш ичида яшаб ҳам ёлғизликдан ўртанаётган, ўзини боши берк кўчага кириб қолгандай ҳис қилаётган, ўз шароитини ўзгартиришга ожизлик қилаётган, аламини кўзёшларидан олиб, дунёни ташлаб кетиш истагига берилаётган аёлларнинг қисматларига дуч келамиз. Уларнинг айримлари узоқ сафарларга кетиб оилани унутаётган эрларининг қолдириб кетган тўнларини қучоқлаб, бағирларига босиб ҳеч кимга билдирмай нола-фарёд қиладилар, кутиш аёл пешонасига ёзилган деб, сўнгсиз ҳаёт йўлларида кутадилар, кутадилар, заррача умид қолмаганда ҳам, хонатлас ваъда қилган зот ҳализамон келиб қолар деб йўлларга умидвор кўз тутадилар.

Ҳамрохон аёл дунёси, қалби бениҳоя нозик, нафис қурилганлигини унда чилтору чилчўпу чилҳадисларнинг сири муҳрланиб қўйилганлигини юракдан сезиб-туйиб ёзади. Аёлга атрофдагиларнинг тушунишлари, мадаллари, маҳрамликлари, меҳр-оқибат, қадр-қимматни доим сақлаш, доимий ҳаракатдаги кучга айлантириш зарурлигини англайди. «Унутилган атиргул» ҳикоясида ёши ўттизларга бориб қолган оқила бир қизни «қариқиз» деб ўкситишади. Қизнинг ёруғ дунёси зимистонга айланади. У ўзини йўқотиб қўяди. Бир оғиз ширин сўз — ўз ўрнида айтилган сўз эса уни ҳаётга қайтаради, кўксига шамчироқ ёқади. Аёлни англамаслик, унга паст назар билан қараш, қадр-қимматини жойига қўймаслик, гўзал хилқатни асраб-авайламаслик бу ҳикояларда турли фожиаларни келтириб чиқаради. *Аёл меҳр-оқибат билан тирик.* У шунчаки бир севги (у нима ўзи?) билан эмас, айни *меҳрга йўғрилган севги* билан гуллаб-яшнайди. Табиат зиммасига ортган вазифа-юмушларни фидокорлик билан адо этишга қодир бўлади. Ҳамрохон ҳикояларида аёлликнинг шундай асос томонларига эътибор қаратади ва *тарбияловчи тарбияланган бўлиши керак*, акс ҳолда барча ишларнинг ҳоли вой деган ғояни илгари суради.

Албатта, бу ҳикояларда ҳали ҳаётий ва адабий-бадиий тажрибаларнинг етишмаслиги, ҳадеганда китобийлик, чиройли китобийлик, газетачилик клише ҳамда штамплари, йилтироқлик, парокандалик, характерлар тасвирларини охирга еткизмаслик, кечинмаларни тўқиб чиқариш, сунъий ечимлар кўзга ташланиб туради. Эри билан умр бўйи ҳеч қандай севги-муҳаббатсиз кун кечирган, бола-чақа орттирган ва шу кўйида ҳаёти поёнига етган аёл ўлими олдидан туққан қизига хат қолдиради. Унда қизлигидан буён бошқа бир одамни севиб, унга интилиб, хаёли билан яшаганлигини билдиради. («Иқрор» ҳикояси.) Мана шу муаммо. Аммо, келинг, бир ўйлайлик. Эҳтимол, шундай бўлиши мумкиндир. Лекин аёл киши ҳеч қачон шундай нарсага журъат қилолади-ми? Қайси орият, номус бунга йўл беради? Энди бошқа жуда нозик нарса: унинг қизи бундан қандай хулоса чиқариши керак? У ўзини таҳқирланган, мунофиқлик орқасида дунёга келган деб ҳисобламайдими? Фарзандларни аросатда қолдириш ўзини оқлайдими?

Ҳамрохон адиба, таҳлилчи сифатида бу саволлардан қочмаслиги, уларни ўзи ва қаҳрамонлари олдига қўйишдан чўчимаслиги зарурат эди. Бошқа қатор ҳикояларида баён этилган ситуациялар ҳам шунга ўхшаш саволларни юзага чиқаради. Ҳаётни теран билиш, талантни тарбиялаш бундай саволларни қўйиш ва уларни ечишга ҳам йўл топади.

***Иброҳим Ғафуров,***
*15 ноябрь 2010 йил*





## КЕЛИН

Бугун эрталабдан келиннинг чиройи очилмаяпти. Салима кампир Шоҳиданинг юзига бир-икки назар солди-ю, аммо юрак етиб, нима гаплигини сўрай олмади. Нима деб ҳам сўрарди? Мана, икки йилдирки, Самандардан дарак йўқ. Шоҳида бир ўзи рўзғорнинг уддасидан чиқиб ўтирибди. Невараларининг иккаласи ҳам мактабга боради. Ҳали унисига, ҳали бунисига нималар олиб бериш керак. Шоҳида боғчадаги ишидан ортиб, эрта баҳордан томорқани чопиб, экин-тикинларни тинчитади. «Аёл бошим билан қай бирини эплайман», деб ўтирмайди. Рўзғорда етишмовчилик бўлиб қолса ҳам бировнинг кўзига мўлтирамайди, сабр қилади. Баъзи келинларга ўхшаб, урфга чиққан латта-путтани устига илишга ишқибозмас. Ҳамма кийимини авайлаб, ораста қилиб кияди.

Аммо баъзида маъюс тортиб қолади. Икки-уч кун чиройи очилмайди. Унинг хафалиги сабабини билиб олгунча, Салима кампирнинг юраги зардобга тўлади.

Кампир кенг енгларини шимариб, оғилхона тарафга юраркан, ошхонада куймаланаётган келинига дераза оша яна бир назар ташлади. Шоҳиданинг бу сафарги маъюслиги бир ҳафтага чўзилди. Юриш-туриши ҳам бежо. Ҳар куни ишга отланаётиб, кўзгу олдида ярим соат пайпасланадиган бўлиб қолган. Кейин чиройли кийиниб, солланиб йўлга тушади. «Ишқилиб биров билан дон олишиб юрмаганмикан?..» Кампир шундай ўйлади-ю, тиззаларигача титраб кетди.

— Буви, бугун мантига ҳаракат қиляпман, майлими? — деди келин деразадан мўралаб.

— Майли, болам, майли, кўнглинг нимани тусаса, шуни қилавер. Ҳозир сигирларга хашак бериб келай, қийма тайёрлашга қарашиб юбораман.

— Қийма тайёр, хамирни ёйяпман, — деди Шоҳида.

Оғилхонадан ошхона тарафга юраётганда кампирнинг тиззасида оғриқ бошланди. У тиззаларини уқалаб-уқалаб ошхонага кириб, келинининг ёнига чўнқайди.

— Кел, жуда бўлмаса, тугишиб тураман.

Шоҳиданинг салгина чиройи очилганини кўрган кампирнинг кўнгли ёришди. «Келиннинг қовоқ-тумшуғи осилганидан ёмони йўқ, юзига тикилавериб, ичинг тўкилади. Яйраб-яшнаб турса экан, кези келганда, аччиқ-чучук гапини ҳам кўтарасан», деб ўйлади кампир. Қайнона-келин бир зумда мантини қозонга босиб қўйишди. Шу пайт Элмурод монтёр кириб келди.

Уни кўриши билан Шоҳиданинг юзида табассум ўйнади:

— Ассалому алайкум Элмурод ака. Келинг, хуш келибсиз...

— Ток ҳисоблагичларни текшириб юргандим.

Келин пешонасига тушган сочини шоша-пиша рўмоли орасига оларкан, монтёрни очиқ чеҳра билан ичкарига бошлади:

— Мана, айвонда турибди, ўзингиз кўра қолинг, бувим электр пулини тўлаб қўйганлар, қарзимиз йўқ.

Салима кампирнинг назарида, улар бир-бири билан сирли кўз уриштиргандек туюлди.

— Ростдан ҳам қарзингиз йўқ экан, — деб дафтарига бир нималарни ёзиб олди Элмурод.

Шоҳида уни кузатгач, қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб ошхонага кирди, чой дамлаб, дастурхон ёзди. Зимдан уни кузатиб ўтирган Салима кампирнинг дами ичига тушди: «Элмуродни кўриши билан чиройи очилиб кетди-я, наҳотки, келиним... Вой, шарманда, энди нима қиламан?..»

Кечки овқат маҳали кампир Шоҳиданинг юзига разм солди. Келин қошларини ингичка қилиб тердирибди. Кўзига сурма тортган. Ҳа, у анча ўзгарган. Авваллари бунақамасди. Салима кампирнинг эндигина ёришаётган кўнгли яна тундлашди. «Самандар ҳам қайта қолмади. Қариган чоғимда болаларнинг ҳузурини кўриб ўтиришнинг ўрнига ўғлимнинг хотинига қоровуллик қиладиган бўлдим», деб ўйлади алам билан. Келини олдига келтириб қўйган чойдан бир ҳўплаб, яна ўйга толди: «Шоҳида шунча вақтдан буён «чакки қадам экан», деган чангини чиқармади. Бундан бу ёғига ҳам худо инсоф бериб турса, юзимизни ерга қаратмас...»

Шу хаёл кампирнинг юрагига умид солди. Бир чеккада турган урчуғини қўлига олиб, айлантира бошлади. «Яхшиям, дугонамнинг шу қизини келин қилган эканман, бошқа биров бўлганда, Самандарнинг қайтмаётганига чидамай, аллақачон кўч-кўронини йиғиштириб, отасиникига жўнаворган бўларди. Эҳтимол, бошқа эрга ҳам тегиб кетармиди?.. Бу бўлса, эрининг йўқлигини билдирмай, уйим-жойим, деб ўтирибди-ку», деган ўй ўтди кампирнинг кўнглидан.

Самандар сафарга отланганда, Салима хола шу кунларни олдиндан билгандек ўғлининг йўлини тўсганди:



— Жон болам, ўша томонларга бормасанг ҳам кунинг қуриб қолмас. Гулдай хотинингни, кўзмунчоқдек болаларингни ташлаб кетасанми?

— Сиз хавотирланманг, келинингизга жин тегармиди? Сабр қилиб турса, бир-икки йил ишлаб келганимдан кейин ҳаммаси изига тушиб кетади.

Она бошқа эътироз билдира олмади. Самандар жўнаб кетди.

— Бу ёшлар нега бунақа, а? — дейишади тўй-маъракада йиғилган кексалар. — Эр-хотин олти ойлаб бир-бировини кўрмаса, шунақам ҳаёт бўладими? Умрни ортга қайтариб бўлса экан, аввал пул йиғиб олиб, кейин ўйнаб-кулишга улгураман, деб юрса... Ахир ўзининг ҳам, хотинининг ҳам ёшлиги увол эмасми?!

— Ҳозиргилар уволни билармиди, — дейди бирови қўл силтаб.

Бундай пайтларда Салима кампир гапга аралашмайди, мусофирчиликда юрган Самандарига инсоф тилайди. Уни тезроқ бағрига қайтишини худодан сўрайди.

Мана икки йилдирки, Самандар қишлоққа қайтмаяпти. Гоҳгоҳида қўнғироқ қилиб туришини айтмаса, қорасини ҳам кўрсатмайди.

Шу сабабдан ҳам келиннинг олдида Салима кампирнинг тили қисиқ. Шоҳида уни ташлаб кетишидан қўрқади. Қизлари ўзларидан ортмайди. Катта ўғли келиннинг чизган чизиғида юрадиганлардан. Ёлғиз овунчоғи мана шу Самандарининг қоракўзлари — икки невараси. Шуларнинг ўйнаб-кулиши, ҳазил-ҳузуллари-ю, уриш-жанжаллари билан уй файзли кўринади. Агар келин икки боласини етаклаб жўнаворса, бу ҳовли ўлгур кампирнинг бир ўзини ютиб юборади-ку...

Ичкаридан чиқиб келган Шоҳида қайнонасининг хаёлларини тўзғитиб юборди.

— Болалар ухлаб қолишди. Сизгаям жой солиб қўйдим. Кириб дамингизни оласизми?

— Сериал кўрсаммикан, девдим, — деди кампир хиралашган кўзларини пирпиратиб.

— Мен ҳам давоми нима бўларкин, деб қизиқиб кетяпман. Юринг, бўлмасам, биргалашиб телевизор кўрамиз, — Шоҳида сўрининг бир четида турган нимчани олиб, қайнонасининг елкасига ташлади.

— Барака топ, болам, тупроқ тутсанг, олтин бўлсин. Яхшиям пешонамга сендек келин насиб этган экан, бўлмаса, бу ҳовлида бир ўзим сўппайиб ўтирармидим, — деб дуога қўл очди.

Самандар кетгандан бери Шоҳида икки боласини олиб, Салима кампирнинг хонасига кўчиб ўтган. Бир-бирларига далда

бўлиб ётишади. Телевизорга тикилиб ўтирган Шоҳиданинг кўзи илина бошлади. Унга қараб кампирнинг ичи ачиди. Ўзиям роса чарчаган кўринади. Эрталабдан кечгача тиним билмайди. Тонг саҳарда туриб, сигир соғади, сутини сутга, қаймоғини қаймоққа ажратади. Кейин сутни сотиб, ишга отланади. Ишидан эртароқ қайтса, даладан этак-этак ўт ташиб келиб, қуритиб, хашак қилади. Куни билан бирпас тинч ўтирмайди. Ҳовлидаги уч-тўрт туп олма-ўрикнинг мевасини ҳам пулга айлантиради. Икки боласини гулдек кийинтириб, бировдан кам қилмай олиб ўтирибди.

«Бечора келиним, бошида эри бўлса-ю, бевадек яшаса», кампирнинг юраги увишди. Ясама тишларини олиб, пиёлага солиб қўйди-да, ёстиққа омонатгина ёнбошлаб, кўзи илинган Шоҳиданинг устига чойшаб ташлади. «Биров билан кўнгилхушлик қилиб кетадиган аёлмас бу. Иродаси бақувват, ўз қадрини, ориятини яхши билади, барака топгур», деган ўйда жойига ўтиб ёнбошлади. Анча вақтгача уйқуси келмай, пичирлаб дуо ўқиб ётди.

Эрталаб намозга турганида, Шоҳида супур-сидирни тугатиб, оғилхонада сигирларга ем-хашак бераётган экан. Кампир ювиниб-тараниб, намоз ўқишга тутинди. Келин дастурхон ёзиб, нонушта тайёрлади. Болаларни уйғотиб, мактабга жўнатди. «Худога шукур, бугун чиройи очиқ», дея кўнглидан ўтказди кампир.

— Гапга борасизми? — деди келин ишга кетаётиб.

— Ҳа, Анзиратникида ўтирамиз.

— Яхши бориб келинг.

Келиннинг замонавий бичимда, гавдасига ёпиштириб кўйлак кийиб олганини кўрган Салима кампир бир нима дейишга оғиз жуфтлади-ю: «Энди замонасига қараб кийинади-да, ҳамма нарсасига аралашаверсам, ёмон кўриб ўлмасин», деган андишада тилини тийди.

Шоҳида олиб берган кўйлагини кийиб, йўлга отланди.

Гап — ўз оти билан гап. Йиғилган аёлларнинг ҳар бири биттадан янгилик топиб келганда ҳам етти маҳалланинг қўйди-чиқдиси, юрди-кетдисидан хабардор бўлиш мумкин.

Ҳар сафар дугоналари билан гаплашиб, ғийбатлашиб, яйраб келадиган Салима кампирнинг кўнглига бу гал ғашлик оралади. Уйига хаёли паришон бўлиб қайтди. Элмурод монтёр айвондаги эскирган розеткаларни янгилаётган экан. Унинг ўз уйида иш қилаётгандек бемалол юришини кўрган кампир бир сесканиб тушди.

— Ассалому алайкум, Салима хола, боғчада Шоҳидани кўргандим, шуларни янгилаб беринг, деб илтимос қилди, — бир оз ўнғайсизланиб тушунтирди Элмурод.

Салима кампир ичидан зил кетса ҳам, сиртига чиқармай, жавоб қайтарди.



— Яхши қилибсан болам, ўртоғингдан дарак йўқ. Келин бу ишларни эплолмайди.

Шу асно: «Келиним билан қачон шунчалик яқин бўлиб олди экан», деб ўйларкан, яна тиззаларида титроқ турди.

Элмурод ишларини тугатиб, жўнаб кетгандан кейин ҳам сира ўзига кела олмади. Негадир ичида титроқ туриб, кўзига ёш қуйилиб келаверди. Боласини соғиниб, юраги шилиниб турган бир пайтда келини ҳам гуноҳга қўл урса, она шўрлик қандай кун кўради? «Самандар ҳам Элмуродга ўхшаб, қишлоқдан ризқини териб юрса бўлмасмиди?.. Элмурод ҳамманинг корига яраяпти», деб ўйлаган кампир бўйнини елкалари орасига олиб, мунғайганча картошка-пиёз арта бошлаган бир пайтда келини дарвозадан кириб келди.

— Яхши ўтирибсизларми? Овқатга ҳозир ўзим уринаман, сиз овора бўлманг, буви, — деб хонасига кириб кетди.

Келиннинг очилиб-сочилиб юрганини кўрган кампир яна ичидан зил кетди. «Элмурод билан бир нимани келишиб олган бўлса-я».

Салима кампир бу сафар ортиқ тоқат қилолмади. Шоҳида ошхонага ўтиб, қозонни қиздиришга қўйганда, ортидан кириб:

— Ҳали Элмурод келган экан, — деб гап бошлади журъатсизгина.

— Вой, яхши бўлибди. Ҳар сафар Элмурод акани кўрганимда розеткаларни янгилаб беринг, дейман, сира вақти бўлмасди. Анчадан бери шу ток ўлгурдан ўт чиқиб кетмасмикан, деб, қўрққанимдан жоним ҳалак бўлиб юрувдим. Энди болалар ўзлари ҳам бемалол чой қўйиб ичишади. — Келин гапира туриб қайнонасига маслаҳатомуз кўз ташлади. — Шу, қўл ҳақига неча пул берсак экан-а?

— Элмурод Самандарнинг дўсти, биз берадиган пулга қараб қолмагандир, — энсасини қотирди кампир.

— Ҳақини тўламасак бўлмас, унинг ҳам рўзғори, бола-чақаси бор. Бизникида иш қилганини эшитса, тағин хотинининг ичи кирланиб юрмасин, дейман-да.

Кампирга Шоҳиданинг андишаси маъқул тушди.

— Тўғри айтасан, Зафаржонни чақир, уч-тўрт сўм берворамиз.

Бувисидан пулни олиб, кўчага чопиб кетган Зафар тезда изига қайтди.

— Монтёр амаки кўча бошида турган экан, пулни берсам олмади, дадам келганда ҳисоб-китоб қиларкан, — деб бувисига пулни узатди у.

Кампирнинг ичидан қиринди ўтди: «Нега олмайди? Шоҳида билан чиндан ҳам бир балоси бормикан?»

Келин югуриб-елиб ишларини тинчитиб, дастурхон ёзди. Кечки овқатга ўтиришди. Энди Салима кампир тумтайиб олганди. Унинг назарида, Шоҳиданинг маъсума чеҳраси ортидан маккорлик мўралаб тургандек, жувон ниманидир сир тутаётгандек эди.

Кампир ўтирган жойида кўзи илиниб, бир-икки мункиб олди. Келинига қаради, ухлаш нияти йўқ, телевизорга тикилиб ўтирибди.

— Сиз дамингизни олаверинг, бугун ўзимнинг хонамга чиқиб ётмоқчиман, — деди келин.

Кампир эътироз билдирмади. Аммо юрагининг бир четини кир қилиб турган шубҳа бутун вужудини эгаллади: «Ҳали мени ухлатиб қўйиб, Элмурод билан дон олишмоқчими, деяман. Йўқ, бунга йўл қўймайман. Сен ухламагунча мен ҳам мижжа қоқмайман!» деб қасдланди у. Лекин чарчоқ кучлилик қилди. Ярим соатча кўзини йириб-йиртиб очиб ўтирди-ю, кейин пишиллаб ухлаб қолди.

Бир пайт чўчиб уйғониб, келинининг жойига қараб, кампирнинг жони ҳалқумига келди. Шоҳида йўқ эди. Шубҳалари рост чиққандек, оёқ-қўли титради: «Хонасига чиқиб кетибдида, бу ерда бир гап бор». У инқиллаб ўрнидан турди. Меҳробда, сандиқнинг ёнида чоли раҳматлидан қолган бир таёқ бўларди. Бир вақтлар қишлоққа бебош, безорилар оралабди, деган гап тарқалганда, чоли Насриддин бригадир кечалари ухлай олмайдиган бўлиб қолганди. Ўшанда беҳинининг йўғон, бақувват шохини кесиб, тўқмоқ ясаган ва уни ҳар доим ёстиғи ёнига қўйиб ётарди. Ташқарида тиқ этган товуш эшитилса, мана шу таёқни қўлига олиб, ҳовлини айланиб келарди.

— Қуролингиз ҳам бор бўлсин, отаси, шу таёқ билан бировни уриб, енгаман, деб ўйлайсизми? — куларди Салима.

— Қишлоққа бегона кирганини кўрсам, қўни-қўшнини ёрдамга чақиргунча ўша бебошларнинг бошига бир-икки туширсам ҳам ҳарна-да, — дерди Насриддин ишонч билан.

Худога шукрки, юрт тинч бўлди. Бегона кимсалар қишлоққа оралашга журъат этмади. Чоли тушмагур эса ҳаётининг сўнгги кунигача шу таёғидан айрилмади.

Насриддин бригадир оламдан ўтгач, Салима кампир таёқни табаррук билиб, меҳробга, келинчаклигидаги сандиғи ёнига қўйди. Ҳар сафар унга қараганда чолини кўргандай бўлади. Гоҳида таёқни қўлига олиб, силаб-сийпалайди. Хотиралари уйғонади.

Кампир қийшайиб кетган дуррасини бошига маҳкамлаб боғлади. Елкасига нимчасини ташлаб, меҳробга яқинлашди. Қўлини чўзиб, таёқни олди. Калишини оёғига илиб, ташқарига чиқди. Секин бориб, келиннинг хонасига қулоқ тутди. «Овоз эшитилмаяпти, бундан чиқди, Элмурод ҳали келмаган», деб ўйлади у.



Келиннинг хонасида орқадан очиладиган дераза бор. Салима хола шуни эслади-ю, яна тиззаси титраб кетди. Самандарга неча марта тайинлаган бўлса ҳам, шу деразаларга панжара тутиб бермаганди. «Агар келинимнинг қўйнига биров кирмоқчи бўлса, деразадан ошиб ўтади», кампир шундай ўйлар билан дарвозага қараб юрди. Кўчага чиқди. Ҳеч ким йўқ. Атроф сув қуйгандек жимжит. «Кутаман, келса, шармандасини чиқариб ҳайдайман. Ўғлим сафарда юрган бўлсаям, келиним посбонсиз қолмаган. Ҳали мен тирикман! Бу хонадонни ҳеч ким оёқ ости қилолмайди!» Кампир дарвоза ёнига омонатгина қурилган курсига ўтирди. Таёққа бошини қўйиб, суяниб олди. Чоли ёдига тушди. «Отаси, агар тирик бўлганингизда мен шу аҳволга тушармидим? Бир сиёсат қилсангиз, икки ўғлингиз икки ёнингизда исмирна турарди. Келинларингиз на сизнинг, на менинг юзимга тик қаролмасди. Мана энди қариган чоғимда келиннинг юзига термилиб кун кўряпман. Самандарингиз бебош чиқди. Мениям ўзингиз билан олиб кетсангиз бўлмасмиди? Қаранг, куним қоровулликка қолган». Салима кампир рўмолининг бир учини кўзларига босди.

Шу пайт орқа тарафдан шитирлаган овоз эшитилгандек бўлди. Дарҳол ўгирилиб қаради. Бир шарпа яқинлашиб келарди. Кампир ўзини дарвоза панасига олиб, ҳужумга шайланди.

— Мм-е-н-ни к-ки-м-м деб ўйлашди б-бу-лл-ар, — дея ғудранди келаётган одам.

Кампир қулоқларини динг қилиб унинг овозидан таниб олишга уринди. Маҳалланинг бу бошида яшайдиган Мирюнус пиёниста экан. У ўзича бир нималарни минғирлаб, чайқала-чайқала ўтиб кетди.

— Ҳе, келишмай ўл, ўтакамни ёрай деди-я, яна ичиб олибди. Ҳалемай неваралик бўладиган одамнинг шундай юриши яхшими энди? — деб ўзича гапиринди кампир.

Атрофни синчиклаб кузатиб, қўлидаги таёқни силаб қўяркан, кўзи ёшга тўлди. Кечки салқин этини жунжиктирди. Қўлоёғи мадорсизланди.

Ичкарига кириб, ҳовли ўртасидаги сўрига омонатгина ўтирди. Ҳолдан тойган, тиззалари титраб, бармоқлари қалтирай бошлаганди: «Наҳотки, келиним хонумонимни куйдириб кетса? Ортиқ чидолмайман, нима бўлса бўлсин, келиннинг уйига бостириб кираман. Эҳтимол, Элмурод ўлгур эртароқ келиб, каравот тагига яшириниб олгандир...»

Кампирнинг юрагида ғайришуурий шаҳд, журъат уйғонди. Шипиллаб келиннинг хонасига яқинлашиб, ичкарига қулоқ тутди. Жимжит. Эшикни итариб кўрганди, ичидан қулфланмаган экан,

салгина очилди. Унинг зардаси қайнади: «Эшикниям бекитмабди-я, демак, уни кутиб ётган экан-да!»

У минг андиша, алам билан ичкарига мўралади. Қоронғида кўзи ҳеч нимани илғамади. Бироз тикилиб тургач, хонадаги бир уюм кўрпа-тўшакни кўрди. Ўғли ва келинининг жойи бўш. «Шоҳида бу ердаям йўқ-ку!!! Қаерга гумдон бўлдийкан?» Кампирнинг юраги симиллаб кетди. Келинини айб иш устида қўлга туширгандек, оёқ-қўли бўшашиб, аъзойи баданида қалт-қалт титроқ турди. Шу алпозда тек турганча нафасини ростлаб олгач, остона ҳатлаб, ичкарига кирди-да, чироқни ёқди.

Келиннинг уйи ағдар-тўнтар бўлиб ётарди. Иккала сандиқ устидаги ҳамма кўрпа-тўшаклар ерга олиб ташланган. Дабдурустдан қараган одам бу уйга ўғри тушганми, деб ўйлаши аниқ. «Вой ўлсин, Элмурод билан қочиб кетган бўлса-я». Кампир ҳолсизланиб чолидан қолган таёққа суянди. Нурсиз кўзларидан дувиллаб ёш оқди. Оёқ-қўлидаги титроқ кучайди. Шу маҳал уйнинг бурчагида ётган Шоҳидага кўзи тушиб, бошини сарак-сарак қилди. Келин Самандарнинг кўйлакларини бағрига босиб, эрининг куёвлигида кийган чопонига ўраниб олганча ғужанак бўлиб ётарди. Салима кампир унга яқинроқ борди: келиннинг қовоқлари йиғидан қизариб керкиб кетган, юзидаги ёш томчилари ҳали қуриб улгурмаганди. Самандарнинг сурати Шоҳиданинг қўлидан учиб тушган шекилли, шундоққина ерда онасига қараб жилмайиб турарди.

Кампирнинг бўғзига тош тиқилгандек, нафас олиши қийинлашиб, келинининг ёнига ҳорғин чўккалади. Шоҳиданинг офтобда корайган юзи ажиб жозиба касб этганди. Кампир унга меҳр билан қараб тураркан, кўз ёшларини тиёлмасди. Додлаб йиғлаб юбормаслик учун секин сирғалиб ташқарига чиқди. Ич-ичидан келаётган хўрсиниқ бўғзини куйдириб ўтди. Ҳовли ўртасидаги сўрига бориб ўтирди.

Уйқуси қочди. Алламаҳалгача мижжа қоқмади.

* * *

Салима кампир невараларининг шовқинидан уйғонганида, кун ёйилиб бўлганди. Шоҳида одатдагидек рўзғор юмушлари билан банд. Болалар бувисининг ёстиғи ёнида турган таёқни талашаётганди.

Ҳовлига чиқиб юз-қўлини юваётганда айвон ёнидаги гилосга ҳакка қўниб, сайрай бошлади. Кампирнинг кўнглига: «Ажабмас бугун-эрта Самандарим қайтиб келса», деган ўй умид солди.



## АРБАҒИШНИНГ ЛОЛАЛАРИ

Қишлоқ ғира-шира қоронғуликка бурканган паллада, дарвозамиз тақиллаб, от етаклаган киши ҳовлимизга кириб келди.

Унга кўзим тушди-ю, суюнганимдан:

— Ие, Юсуфали отам келяптилар-ку, — деб меҳмонга пешвоз юрдим.

Оқ яктаги устидан астарсиз енгил чопон кийиб юрадиган, офтобда қорайган, мош-гуруч соқолли юзидан ним табассум аримайдиган Юсуфали ота бизнинг қишлоғимизда - Арбағишда туғилиб ўсган, кейинчалик Учқўрғон томонларга кўчиб кетган қариндошимиз. У ҳар сафар шунча узоқ йўлдан қора ёлли саман отида келади. Отам билан гурунглашиб бизникида бир кеча ётиб, эртасига бошқа ҳамқишлоқларни йўқлаб кетади.

Ҳар сафар келганида у битта гапни такрорлайди:

— Арбағишни бирам соғиндимки, оҳ-ҳей, бу ернинг ҳавосиям бошқача-да!

Унинг ташрифи уйимизга ўзгача файз олиб киради. Унча-мунчага сир бой бермай, доим жиддий юрадиган камгап отамнинг ҳам юзига табассум югуради. Аям елиб-югуриб жой тайёрлайди. Кунми, тунми демай ўчоққа ўт ёқиб, қозон осади.

Бу сафар Юсуфали ота ёлғиз эмас, мен тенги бир болани ҳам отига мингаштириб олганди.

Ичкарига кириб ўтирганимиздан кейин, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёладан чой ичгач, Юсуфали ота лўла болишни қўлтиғига қистириб ёнбошлади.

— Қарибман, — деди ҳорғин қиёфада. — Йўл чарчатди.

— Машинада келсангиз бўлмайдими? Нимага отда юрасиз? — деди етти ёшли Низомиддин кўзларини пирпиратиб.

Отам унга «беодоблик қилма», дегандек хўмрайиб қаради. Юсуфали ота эса жилмайиб, уни ёнига имлаб чақирди.

— Худди отангдек зийраккина бола бўлибсан, ўғлим, — деди пешонасидан ўпиб. — Отда юришнинг гашти бўлакча-да, атрофни томошалаб, одамлар билан салом-алик қилиб, гурунглашиб келаман. Йўл-йўлакай дўст-биродарларни кўраман. Ҳозир айниқса, далалар жуда чиройли, йўлда лолалар, қир чечаклари очилиб ётибди. Қараб тўймайсан, киши. Баҳри дилинг очилади.

— Бизнинг қирда бойчечаклар тугаяпти, — деди Низомиддин.

— Шунақами?

Юсуфали ота укамга алланечук ўйчанлик билан термилиб қолди.

— Бир пайтлар мен ҳам сенга ўхшаб, қирдан қирга, тошдан тошга сакраб чарчамасдим. Роса лола терардик.

Низомиддиннинг мунчоқдек кўзларида ҳайрат зуҳурланди.

— Лола дейсизми? Бизнинг қирларда лола ўсмайди-ку.

— Ўсарди, болам, — деди Юсуфали ота. — Ўсарди. Арбагишнинг лолалари жуда бўлакча бўларди. Сен ҳам эслайсанми, Низомиддин, — деб отамга юзланди у.

Отамнинг кўзларида биз шу пайтгача кўрмаганимиз ёлқинли чўғ пайдо бўлди.

— Ҳа, эсимда. Бизнинг лолалар бошқача бўларди.

— Ҳозир сира қолмаганми?

— Билмадим, анчадан бери адирга чиқмадим. Эҳтимол қолмагандир.

— Болалигимизда қирларни лолалар кўрпадек қоплаб оларди. Қараган одамнинг кўзи қамашарди, — деди Юсуфали ота кўзлари ёлқинланиб. — Рангини айт, рангини, қизил ҳам, сариқ ҳам эмас, олovранг эди. Кейин ғурурланиб қўшиб қўйди: — Шафақ рангида. Япроқлари тўқ яшил, четлари атайлаб безалгандек гажак-гажак бўларди. Эҳ-ҳ, бу адирлар нақд жаннатга ўхшарди. Какликларни айтмайсанми. Қишда шундоқ адирга чиқсанг, чўчиб, калласини қорга тиқиб ўзларича яширинган бўларди. Устига қопми-қанорми ташлаб тутиб олаверардинг. Оёғинг тагидан тулкилар ўйноқлаб чиқиб қоларди. — Юсуфали ота кўзларини юмиб, ажиб бир завқ билан соқолини тутамлади. Бироз шундай ўтиргач кўзлари маъюслашди: — Энди бу қирларнинг файзи аввалгидекмас.

— Шўролар даврида кончилар (қазилма бойликларни қидирувчилар демоқчи) келиб, гумбур-гумбур қилиб адиримизни портлатиб, портлатиб, ҳамма ёқни оёқ ости қилиб кетишди, — деди отам ўйчанлик билан.

Юсуфали отанинг юзидаги ажинлари қуюқлашиб, манглайи тиришди.

— Хўп оёқ ости қилишди, — деди хўрсиниб. — Тулкиларни отиб, терисини шилиб олишарди. «Ҳей Худонинг бандаси, буларга тегма», дейдиган мард бўлмади. Андиша қилдик. Меҳмон, дедик. Каттакон, дедик...

Орага бирмунча вақт жимлик чўкди.

— Яхшиям, каптарлар билан қирғийларни ҳалиям учратса бўлади, — деди отам.

* * *

Юсуфали ота билан келган меҳмон бола — Наимжонни айлантириб, қирларни кўрсатиш менинг зиммамга тушди.

— Зиркбулоққа боринглар, — деди Юсуфали ота. — Болалигим ўтган жойларни неварам ҳам бир кўриб қўйсин, деб олиб келганман уни.



Адирга чиқдик. Тепамизда қирғийлар сассиз учади. Наимжон тик қояларга ҳайратланиб қаради.

— Қаранг, худди саккизоёққа ўхшаркан, — деди сариқ тупроқли тепаликларга туташган тик қояни кўрсатиб. — Тепасига чиқса бўладими?

— Ҳа, бу тарафдан, қияликдан чиқамиз.

Оёғимиз ости худди атайлаб тўкилгандек ғуж-ғуж тошлоқ. Тошлар орасидан ҳар хил гиёҳлар мўралаб турарди. Мен ҳар куни икки маҳал қўй боққани қирга чиқаман. Тошлоқ ва шағалли тепаликларда юришга ўрганиб кетганман. Наимжон юришга қийналади. Ердан кўз узмайди. Ҳар бир тошга, гиёҳларга ҳайратланиб қарайди. Узоқ-узоқларга кўз ташлаб, завқи келиб, «Эҳ-ҳе-ҳей», деб бақириб ҳам қўяди. Қоялар акс-садо беради: «Эҳ-ҳе-ҳе-е-й, э-й-й, э-й-й».

Тепага кўтарилганимиз сари, қишлоғимиз яққол кўрина бошлади. Баланд тепаликнинг белига етганимизда ўтириб дам олдик. Наимжонга қишлоғимизни таништирдим.

— Ҳув анави бизнинг мактаб, унинг пастроғида дўхтирхона-миз бор. Олмазорларнинг ёнида тепа маҳалла, бу ёғи паст маҳалла. Анави тепаликнинг оти Миргалай. Унинг ёнида карнайчилар маҳалласи бор. Сойни кесиб ўтган кўприкнинг пастини Чинобнинг ерларигача Қизилариқ деб атаймиз.

— Кўчаларингизнинг оти ғалати экан, — деди Наимжон кулимсираб.

— Аслида ҳамма кўчаларнинг ўзига яраша номи бор. Аммо бизга маҳаллаларни шундай аташ қулайроқ.

Атроф сўлим. Қирнинг чўққисига чиқдик. Бу ёғи текислик. Юриш ҳам қийин эмас. Оёғимиз остида оқ, сариқ, ним пушти қир чечаклари очилиб ётибди. Атрофни шувоқ иси тутган. Ҳамма ёқ ям-яшил. Баҳор тароватi бу ерда янада кўркамроқ кўринади. Онда-сонда бойчечаклар учрайди. Ёввойи наъматаклар, ковраклар барра барг чиқарган.

Икки соатлар чамаси айланиб юрдик. Баланд қир ёнида кўз очган Зиркбулоққа бордик. Садақайрағочлар соясида дам олдик. Пастдан гангир-гунгур овозлар эшитилади. Бу ерга ҳар йили баҳорда зиёратчилар ёпирилиб келади. Зиркбулоқни кексалар Шаҳид пирим мозори деб аташади. Айтишларича, бу ерда кўнгилга тугилган ниятлар ижобат бўларкан.

— Қирғийлар негадир безовта, афтидан ҳув анави ерда уяси борга ўхшайди, — деди Наимжон шимол тарафдаги тик қояни кўрсатиб. — Бориб кўрамизми.

— Ўкка чиқиб бўлмайди, — дея бош чайқадим.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
FILIALI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Адирдаги қоялар тоғ қояларига ўхшамайди. Кўпроқ тик жарликни эслатади. Майда тошли тупроғи юмшоқ. Оёқ қўйсангиз ўпирилиб кетади. Бу қояларга чиқишга ҳали ҳеч ким уриниб кўрмаган. У ерда қирғийлар, ёввойи каптарлар яшайди.

— Қаранг, кимдир қояга тирмашиб чиқяпти, — деди Наимжон қизиқиш билан ўша тарафга тикиларкан.

Чиндан ҳам сариқ тупроқли баланд тепаликларга туташ тик қоя остида беш-олтита одам ўралашётганди. Шувоқларни ушлаб тепаликдан туша бошладик. Чунки у ерга бориш учун аввал пастга тушиб, кейин яна юқорига чиқиш керак. Ўртадаги тик жарликдан сакраб ўтишнинг иложи йўқ.

Иккита қирғий «қий-қийлаб» гоҳ пастга, гоҳ тепага учади.

Терлаб-пишиб етиб борганимизда беш-олтида нотаниш йигитлар қояга тирмашиб чиқишга уринаётганди. Улар орасида тепа маҳаллалик Музаффар акани кўриб билдимки, бу йигитлар унинг курсдошлари.

— Нима қиляпсизлар? — дедим уларга яқинлашиб.

— Қара, бу ерда лола бор экан. Адир лоласи, — деди Музаффар ака завқланиб. — Ўртоқларим уни қизларга олиб беришмоқчи.

Беихтиёр Юсуфали ота билан отамнинг кечқурунги гапларини эсладим.

— Лола?!

— Ҳа, — дўстларидан кўз узмай бош ирғади Музаффар ака.

— Қани?

— Ҳув анави оралиқда, яхшилаб қарагин, кўрасан.

Шоша-пиша тепага интилдим. Қояга суяниб, юқорига қарадим. Икки одам бўйи баландликда беш-олтита лола енгил шабадада тебраниб турарди. Худди Юсуфали ота таърифлагандек, шафақранг лолалар. Негадир вужудимни ғалати ҳиссиёт чулғаб олди. Ноёб мўъжизага дуч келгандек ич-ичимдан бир завқ отилиб чиқди. Наимжонга ғурурланиб қарадим.

— Қара, отам айтган лолалар, — деб мақтандим унга.

— Ҳа, ростдан ҳам бошқача экан, — деди Наимжон ҳайрат билан.

Лолалардан айрилиб қолаётгандек шоша-пиша йигитларга юзландим:

— Тегманглар унга. Тегманглар!

Улар менга «Эси жойидами бунинг», дегандек қараб қўйишди.

— Муҳриддин, меҳмонларга шунақа муомала қиласанми? — деди Музаффар ака таънали оҳангда. — Аслида бойчечак терамиз, деб уларни бу ёққа олиб келувдим. Лолани учратганимиз зўр иш бўлди. Бор-йўғи тўрт-бештагина экан. Қўявер, олаверишсин.



Шу маҳал пастдан уч-тўртта қизлар чувиллашиб, тепага тирмашиб чиқиб келишди.

Уларни кўргач, йигитлар шаҳд билан қояга тирмашишди. Энди уларни қайтариб бўлмасди. Иккита йигит ён тарафдаги қияликдан қоянинг тепасига ўрмалаб чиқишди.

— Бу ёқдан тушиб бўлмайди, тикка жарлик экан, — деди улардан бири ҳафсаласи пир бўлиб.

Лолалар қоя ўртасида, сел ва жаладан ҳосил бўлган шағалли супачада, шувоқлар ва ёввойи наъматаклар орасида силкиниб турарди.

— Вой, чиройли экан, бунақа лолани сира кўрмаганман, илтимо-о-с, олиб бера қолинглар, — деди қизлардан бири ялинчоқ овозда. — Уни гербарий қилиб, асраб қўярдим. Эсдалик бўларди.

— Оберамиз, Ширин, ҳозир оберамиз, озгина сабр қилиб тургин, — деди йигитларнинг абжирроғи. — Керак бўлса илдизи билан суғуриб оламиз.

Мен нима қиларимни билмай, Музаффар акага жавдираб қарайман. Эҳтимол унинг гапи тўғридир. Бу йигитларнинг меҳмонлик иззати бор. «Ҳамқишлоқларинг тўрттагина лоласини қизғанишди-я», деб Музаффар акага таъна қилишлари мумкин. Аммо лолаларни юлиб олгач, бир соат эрмак қилиб, кейин дуч келган жойга улоқтириб кетишади-ку. Агар буларни юлиб кетишса, лолалар арбағишликлар учун эртакка айланмайдими? Иккилана-иккилана Музаффар аканинг ёнига бордим:

— Ошналарингизга айтинг, лолага тегишмасин.

— Эсинг жойидами, ука, улар меҳмон бўлса, бу гапни қандай айтаман? Намунча менинг ошналаримга ёпишиб олдинг? — деди у энсасини қотириб. — Бор, ўзингни меҳмонингга қарасанг-чи.

Бу пайтда ҳалиги абжир йигит қояга тирмашиб чиқаётганди. Қирғийлар «қий-қий»лаб безовта уча бошлашди. Энди улар тўртта эди. Бири пастга шўнғиди ва кутилмаганда йигитнинг боши устида пайдо бўлди. Йигит қирғийни ҳайдайман, деб бир қўлини кўтарганди, мувозанатни йўқотиб, пастга қулади. Агар эпчиллик қилиб уни ушлаб қолмаганимизда, ҳу-у-ув пастга, тошлоққа тушар, соғ жойи қолмасди.

— Пастдан чиқиб бўлмас экан, тепадан тушамиз, — деди у қайсарлик билан. — Арқон керак.

Йигитлардан бири сумкасидан арқон чиқарди.

— Беш-олтитанг тепадан арқонни маҳкам ушлаб турсанг, мен осилиб тушиб, оралиқдаги супага етаман-да, лолаларнинг ҳаммасини узиб, қизларга ташлайман. Кейин мени яна тепага тортиб оласанлар, — деб кўрсатма берди у.

— Шошманг, — дея унинг йўлини тўсдим, — илтимос, лолаларни узманг. Адир лолалари ҳозир жуда кам. Илтимос, тегманглар.

— Тем более, — деди йигит ошналарига олифталик билан қараб қўяркан, — камёб лолани қўлга киритарканмиз.

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Қанақа одамсиз ўзи?! — деб бақириб юбордим. — Гапимга тушунмаяпсизми?

— Эй, ука, биз шу-у-унча узоқ йўлдан келганмиз. Битта лолага тенг кўрмаяпсизми? Жуда дунёнинг молини сўрамаяпмиз-ку.

— Уларни узмайсиз? — дедим қайсарлигим тутиб, — барибир узолмайсиз. Бунга йўл қўймайман!

Музаффар ака менга юзланди:

— Вой-бўй, Муҳриддин, намунча шу гапга ёпишиб олдинг, ука. Қўй энди, сал феълингни кенгроқ қилгин. Меҳмонларнинг шаштини қайтарма.

У шундай дея, қайсарлик билан енг шимариб, қияликдан юқорига ўрлаётган йигитга эргашди. Уларга гапимни ўтказолмаганим, кучим етмаслиги ёмон алам қилди.

Меҳмон йигит унча-мунча нарсадан қўрқмас экан. Ўртоқлари қир тепасида арқонни маҳкам ушлаб туришди. У арқонни белига боғлаб, аста-секин, пастга туша бошлади. Ҳаммамиз нафасимизни ичимизга ютиб унга тикилиб қолдик. Қирғийлар эса гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб учишда давом этишарди.

— Ҳозир етаман, — деди абжир йигит, — маҳкам ушланглар. Озгина қолди.

Шу маҳал қирғийлар янада шиддат билан уча бошлашди. Абжир йигит енгил нафас олиб, қоя орасидаги супага қадам қўйди. Шу маҳал оёғи остидаги шағаллар кўчиб, тепадаги йигитларнинг қўлидан арқон чиқиб кетди. Абжир йигит:

— А-а-а-а, — деб бақирганча пастга қулади.

Ҳаммамиз карахт бўлиб қолдик. Чунки бундай баландликдан йиқилган одамнинг соғ қолмаслиги аниқ эди.

«Ишқилиб ўлиб қолмасин, — деган ўй ўтди хаёлимдан, — ишқилиб ўлмасин. Меҳмон-а».

Ҳартугул йигит ҳу-у-ув пастга қулаб кетмади. Қояга туташган сариқ тупроқли тепаликнинг ёнбошига тушди ва икки-уч юмалаб, қалин шувоқларга илиниб қолди. Нафасимизни ичимизга ютиб, ундан кўз узмай турардик. Қирнинг тепасидаги йигитлар ҳам анграйиб қолишганди. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Йигит салгина қимирлади. Шундан кейингина ҳовлиқиб унинг ёнига тушиб бордик.

Қизлар чувиллашиб уни ўраб олишди.

— Им-мм, оёғим ёмон оғрияпти, — деб инграниди у.



— Қимирламай ёт, мен биров-яримни чақириб келаман, — деб Музаффар ака пастга югуриб кетди.

Кўп ўтмай, Қизилариқ ерларидаги экинларга сув қўйиб юрган Давлат амакини бошлаб чиқди.

— Яхшиям худо асрабди. Юмшоқ тупроққа тушибсиз. Шунча баландлан йиқилиб омон қолганингизнинг ўзи мўъжиза, — деди у йигитга юзланиб.

— Оёғим ёмон оғрияпти. Қўлим ҳам.

Йигитнинг қўли тирсагидан, оёғи тўпиғидан чиққан экан. Йигитлар уни пастгача кўтариб тушиб, ариқ бўйига ётқизишди. Давлат амаки силаб-сийпаб туриб битта тортганди, йигит оғриқнинг зўридан ўкириб юборди.

— Менимча, бўлди, аммо барибир рентген қилдириб кўринглар, синган бўлиши ҳам мумкин, — деди Давлат амаки. — Ўзи ўша қоянинг атрофида ўралашиб юрганингизни кўриб кўнглим ғаш бўлувди-я. Қирғий уясига одам боласини яқинлаштирмайди. Энди эҳтиёт бўлинглар.

Музаффар аканинг оғайнилари «вой-вой»лаётган абжир йигитни кўтариб қишлоққа қайтишди. Улардан бири, қоя тарафга қараб қўяркан, афсус билан бош чайқади:

— Эссизгина, лолаларни ололмадик-да.

Наимжон иккаламиз тағин юқорига тирмашдик.

Қирғийлар энди хотиржам учишар, қоя мағрур кўкрак кериб турарди. Унинг тагигача тирмашиб чиқиб, ёлғизоёқ сўқмоққа ўрнашиб олгач, тепага тикилдим. Лолалар, шафақранг лолалар шабадада енгил силкиниб турар, улардан сира кўз узолмасдим.

Энди уларни ҳеч ким ололмайди, лолаларни ҳимоялаб турадиган мағрур қоямиз бор, деган ишонч кўнглимга таскин берар, бу ҳақда Юсуфали отамга айтсам, унинг қанчалик қувонишини тасаввур этиб, ўзимча илжайиб турардим.

## ОҚҚАШҚА

**Б**у атрофда унинг олдига тушадиган тулпор йўқ эди. Уни етаклаб, кўчадан савлат тўкиб бораётган Бахтиёр чавандозга ҳамманинг ҳаваси келарди. Чунки Оққашқа улоқ-кўпкариларга тулпорларнинг олди бўлиб кирарди. Қоп-қора ёлларини ҳилпиратиб, майдонга чопиб кирганда ҳар қандай зўр чавандознинг ҳам юраги алғов-далғов бўлмай қолмасди. Бахтиёрни Оққашқанинг чавондози дейишарди.

Бахтиёр эса тулпорини «дўстим, қадрдоним», деб сийларди. Унинг икки дўсти бор — бири Оққашқа, яна бири Эшпўлат. Шуларнинг борлиги учун кўнгли тўқ, бағри бут эди.

* * *

Саҳарда отхонага кирган Бахтиёр бир зум серрайиб туриб қолди. Анграйиб, Оққашқанинг қозиғи ёнига борди. «Бўшроқ боғлаган бўлсам, ечилиб кетганмикан?» деган ўйда тулпорнинг арқонини қидирди. Қозиқда арқон кўринмасди.

Оғилхонадан шошиб чиқиб, ҳовлини айланди, кўчага югурди. Ғира-ширада кўчанинг икки юзида қилт этмай турган теракларлан бошқа нарса кўзга ташланмади. Юраги бўм-бўш бўлиб қайтиб кириб, яна тулпорнинг қозиғи ёнига борди. Ерга тикилиб, ўзича бирор аломат, нишон излади. Ерда тулпорнинг туёқ излари кўринмасди. Шундагина ич-ичидан тошиб келаётган ғалаён тилига кўчди:

— Аҳ-ҳ, ярамаслар! Ўғирлашибди, Оққашқани олиб кетишибди!

Ичкаридан хотини, ўғли ва қизи югуриб чиқди:

— Нима гап, отаси?

— Оққашқа йўқ, Ҳанифа.

— Бўшалиб кетган бўлса, кўча-пўчага чиққандир.

— Йўқ!!! — деди Бахтиёр Ҳанифанинг гапини бўлиб. — Уни ўғирлашган!

Бахтиёр бошини чангаллаб, Оққашқанинг охури ёнига ўтириб қолди. Ҳанифа ўн тўрт ёшли ўғли Шаҳобиддинга юзланиб:

— Бор, болам, Эшпўлат амакингни чақириб кел. Дадамнинг мазаси йўқ экан, деб айт унга, — деди.

Эшпўлат амакисини чақириб келса, Оққашқа топиладигандек, Шаҳобиддин ҳовлиқиб югуриб кетди.

* * *

— Нима гап? Тинчликми, келин? — дея эшикдан ҳаллослаб кириб келди Эшпўлат.

Ҳанифа салом беришни ҳам унутиб, отхона тарафга ишора қилди:

— Оққашқа йўқ.

— Ваҳима қилмасаларинг-чи, арқони ечилган бўлса, дала-палага йўрғалаб кетгандир. Ҳозир биргалашиб қидирамиз, — деб Эшпўлат Бахтиёрнинг ёнига бориб, елкасига қўлини қўйди. — Оғайни, бу нима ўтириш? Қараш керак, эҳтимол, бедапояга кетгандир.

— Кўнглим сезиб турибди. Уни ўғирлашган, — деди Бахтиёр тишларини ғижирлатиб.

Эшпўлат куюнчаклик билан ошнасининг кўзларига тикилди:

— Аввал мундоқ дала-палани айланиб кўрайлик-чи, топилмаса, кейин ваҳима қиласан. Тур энди. Тулпоринг йўқолмайди. Топамиз. Сенинг уйингга ҳадди сиғиб, биров ўғриликка киролармиди? Тур, ошна!



Бахтиёрнинг кўзида алланечук умид учқунлади.

— Шу пайттача сира бундай бўлмаган, бегонани яқинига йўлатмасди. Жуда бўлмаса, кишнаб, ишора берарди, — деди ўғлига жавдираб қараб.

— Кўрдингми, унга биров даф қилганда, Оққашқанг ҳаммани оёққа турғазган бўларди. Вақтни ўтказмай, қидириш керак, — Эшпўлат ғайратли қиёфада Шаҳобиддинга юзланди: — Шаҳоб, бор, Ойбек акангни чақир. «Дадангиз айтяпти, иккаламиз бедапояни кўриб келарканмиз», деб айт унга. Келин, сизлар уйдан чиқмай ўтиринглар, нима хабар бўлса, шу ерга келамиз.

— Яхшиям сен бор экансан, оғайни, бўлмаса, шу пайт нима қилардим? — деди Бахтиёр унинг елкасига қўл ташлаб.

Эшпўлат ошнасига қараб кулимсиради:

— Бунақа ўтирма, топамиз тулпорингни.

* * *

Ҳанифа сўрида бошини эгиб ўтирган Бахтиёрнинг ёнига келиб, қўлидаги чойнак-пиёлани эрининг ёнига қўйди.

— Отаси, топилар ўша жонивор. Одамлар ўтиб кетяпти бу дунёдан, у-ку бир от экан.

— Гап отнинг йўқолганидамас, онаси, — деди Бахтиёр бир нуқтадан кўз узмай. — Оққашқани ўғирлаган нокас уйимни оёқости қилди. Энди эл-юрт олдида нима деган одам бўламан? Бахтиёрнинг уйига ит ҳам, бит ҳам бемалол кириб, истаган нарсасини олиб кетаверади, деб одамлар устимдан кулмайдими, ахир?!

— Қўйсангиз-чи, «Бир отнинг йўқолгани Бахтиёр чавандозни синдирибди, қаддини букибди», деган таъна ёмон, отаси. Бошингизни кўтаринг. Одамлар қайғунгизни сезмасин.

Хотинининг гаплари Бахтиёрга маъқул кўринди.

— Сенга гап бўлса, бас, жуда чечансан, — деди оғир хўрсиниб. — Лекин гапингда жон бор. Мен Бахтиёр чавандозман. Элнинг ичида юрган одамман. Бошимни эгмаслигим керак.

Чавандоз хотини узатган чойни иссиқ-иссиқ ҳўплади.

— Ана, Эшпўлат ошнангиз, сизни деб куйиб-пишиб юрибди. Шу от ўлгурни қидиртириб ўғли Ойбекниям тиндирмаяпти. Дўст дегани синовда билинади, деган гап рост экан, отаси.

* * *

Оққашқанинг димоғига зах ҳиди урилди. Кўнгли алланечук нохушликни сезиб, безовта депсинди. Бошини илкис силтаб, туёқларига солинган занжир-кишандан озод бўлишга уринди. Қаерда турганини англамоқчи бўлиб, бошини сарак-сарак қилди.

Аммо ҳеч нарсани илғамади. Бироздан кейин димоғига қуриган беданинг иси урилиб, кўнгли хотиржам тортди. Чунки бу ис унга қадрдон отхонасини эслатганди.

— Энди шу ерда яшайсан, тулпорларнинг сардори, — деган овоз қулоғига кирди.

Овоз ҳам, унинг атрофида ўралашаётган одамнинг иси ҳам унга жуда таниш эди.

Кўзини тўсиб турган нарсани олиб ташлашди. Туйнукдан хира нур ёғилар, ғира-ширада Эшпўлат тиржайиб турарди. Уни кўриб, тулпор бошини силкиб қўйди. Ахир бу Бахтиёрнинг дўсти-ку. Демак, Оққашқанинг ҳам дўсти. Дўстнинг дўстидан ёмонлик келмайди.

— Ғиринг деб, овозингни чиқара кўрма, — деди Эшпўлат, унга ғалати ўшшайиб. — Бахтиёр ўпкасини босиб олгунча шу ерда яшайсан, кейин... — Эшпўлатнинг юзига заҳарханда кулги ёйилди. — Қази-пазига ярарсан.

Эшпўлат ёғоч эшикни ғичирлатиб очиб, ташқарига чиқиб кетди.

Унинг гапини англамаган Оққашқа қуриган бедани кумир-кумир қилиб, эринибгина кавшай бошлади.

У ички ботиний сезги билан тонг отганини пайқади. Туйнукдан тушаётган ёруғлик тиниқлашди. Оққашқанинг оғзи қуруқшади, сув ичгиси келди. Ҳар куни бу маҳалда Бахтиёр ундан икки марта хабар оларди. Ғира-шира тонг отаётган паллада олдига бир боғ қуриган беда ташлар, сўнг ёлини силаб:

— Яхшимисан, ошна, омонмисан? Иккимизни соғ-саломат кўриштирган Оллоҳга шукрлар бўлсин, — деб у билан сўрашарди.

Офтоб оламни ёритган пайтда бўйнига арпа солинган халтани илиб қўярди-да, дағаллашган кенг кафтлари билан баданини ишқалаб, силаб-сийпалаб эркаларди. «Иккимиз дўст бўлиш учун яралганмиз: сен ва мен, икки дўст», — дерди Бахтиёр унинг катта-катта кўзларига термилиб. Бу гапдан яйраб кетган Оққашқа думини у ёқ-бу ёққа ташлаб, ер депсиниб, бошини сарак-сарак қилиб, дўстига муҳаббатини изҳор этарди.

— Ҳамма гапимга тушунасан-а, жонивор? — дея унинг юзига шапатилаб урарди Бахтиёр. — Одамлар бир-бирини тушунмайдиган замонда сенинг ақлингга беш кетаман. Зуккосан, дўстим.

Оққашқа Бахтиёрни одамларнинг энг кўрками, энг саховатлиси ва энг яхшиси деб билади. Уни кўриши билан беихтиёр куйлагиси келади, туёқлари билан ер депсиниб, думини кериб, ўйинга туша бошлайди. Бахтиёр эса кўзлари қувончдан порлаб: «Ҳа, жонивор-а, менинг тулпорим. Гижинглаб туришингга борман-да»,



деб унинг бўйнидан қучоқлайди. Оққашқа яйраб кетади. Шу асно Бахтиёрнинг ҳам юраги муҳаббатга лиммо-лим эканини ҳис қилади.

Лекин нимага бугун у келмаяпти? Оққашқа туёқлари билан ер депсиниб, бошини силкиди. Тунги воқеалар элас-элас эсига тушди: Эшпўлат уни бу ёққа бошлаб келаётганда, қулоғига: «Тинчлан, дўстимнинг дўсти, сени Бахтиёр чақиряпти, дўстинг сени кутяпти», деганди. Ҳа, аниқ шундай деган эди.

Оққашқа туйнукдан тушаётган нурга термилди. Чанқоғи кучайди, қорни очди. Ер депсиниб, безовталаниб, уч-тўрт марта кишнади. Бахтиёрни чақирди.

* * *

Бир ҳафта, ўн кун ўтса ҳам, Оққашқа топилмагач, Бахтиёр кўча-кўйга ҳам чиқмай қўйди. Унга алам қилаётгани ҳамма унга ачиниб қараётгандек, «Бунинг ҳовлиси бир марта оёқ ости бўлди», деб калака қилаётгандек туюларди. Оққашқани ўғирлаган кимса чавандознинг ори, ғурурини ҳам топтаб кетганди. Кимсан — Бахтиёр чавандоз, Бахтиёр фермер бўлса, унча-мунча одам ҳадди сиғиб, юзига гапиролмасди. Қўлида ишлаётган йигитларнинг оғзидан ўт чақнайди. Лекин Оққашқасиз обрўси кемтик.

* * *

Тулпор ер депсиниб толиқди. Очлик, чанқоқ азоб бера бошлади. Охурга тумшуғини тиқиб, кеча солинган беда қолдиқларини қидирди. Охурнинг бир бурчагида тўрт-бешта япроқ қолган экан, шуни топиб кавшанди.

Туйнукдан тушаётган нур хиралашган паллада эшик ғичирлаб очилиб, Эшпўлат кириб келди ва отнинг олдига бир боғлам қуриган беда ташлади. Тулпор шоша-пиша ейишга тушди.

— Ҳа, ётибсанми? — деди Эшпўлат.

Тулпор унинг товушида заррача меҳрни ҳис этмади. Бирдан кавшанишдан тўхтаб, Эшпўлатга тикилди: «Мени нега бу ерга олиб келдинг?»

— Нимага ўшшаясан? — деб унинг яғринига шапалоқлади Эшпўлат. — Ҳе, эгангга ўхшамай ўл!

«У сенинг дўстинг эмасмиди?!»

— Икковинг ёмон жонимга тегдиларинг! Ана, томошасини кўряпман, чавандозинг ётибди сулайиб. Энди нима қилсам экан? — Эшпўлат ўйчан нигоҳ билан Оққашқага тикилди. — Бозорга олиб сотиб бўлмаса. Сени ҳамма танийди. Сўйиб, қази-қарта қилай десам, уйимда от йўқлигини одамлар яхши билади. Дарров мендан шубҳаланишади. Шу ерда ёта тур-чи, бир гап бўлар.

«Сен Бахтиёрга дўст эмасмисан?!»

— Намунча ҳамма гапни уққандай тикиласан менга? Ҳе... — Эшпўлат оғзини қийшайтириб кулди. — Ўзим ҳам ғалатиман, сен бор-йўғи бир от бўлсанг. Гапга тушунармидинг? Эгангни муштдайлигидан биламан. Тепишиб катта бўлганмиз. Болалигимиздан бери менга саховатпешалик қилади. Шу қилиғи юрагимга наштардек ботишини билмайди, дейсанми? Билади! Билиб туриб, атайлаб шундай қилади. Омад доим уники бўлди. Дўстингман, дейди-ю, менга паст назар билан қарайди. Ҳаммасига чидадим. Аммо охирги иши жонимни ҳиқилдоғимга келтирди. Бир парча ер олиб фермерликни бошлагандим-а. Бор-йўғи бир парча ер. Шуниям ўзиникига қўшиб олди-я, ярамас. Тағин кўзини лўқ қилиб, «Айб мендамас, қоидаси шунақа бўп қолди, еримда ишлаб, деҳқончилик қилсанг, косанг оқарармиди», деб ўтирибди. Вой, ерлик бойвачча бўлган-эй. Ўзича сенга бино қўярди. Мана, иккалангни айирдим. Қани бир-бирингга ёрдам бериб кўр-чи. Чақир Бахтиёрни, чавандозингни чақир!

Эшпўлат кўзлари чақчайиб, тулпорни ура кетди. Ҳансираб қолгунча аямай савалади. Сўнг ҳиринглаб кулди. Ўзича ғудраниб-ғудраниб, ёғоч эшикни ғижирлатиб чиқиб кетди.

Қамчи зарбидан Оққашқанинг бағрига ўт тушгандек бўлди. У нафрат, ҳасад деган тушунчанинг нималигини билмасди. Оғриқдан ўзини қаерга қўйишни билмай, туёқлари билан ерни тепиб-тепкилаб, ўртаниб-ўртаниб кишнади. Эшик ортидан ҳиринглаган кулги эшитилди.

Тулпор ярим тунгача бошини силкиб, думини гажак қилиб, ер депсинди. Ўзича: «Дўстим, дўстингдан эҳтиёт бўл. Уни ўзингга яқинлаштирма», деб Бахтиёрни огоҳлантирмоқчи бўлди. Уни Эшпўлатдан ҳимоя қилишни истади. Бошини эгиб, кўзини юмди. Сўнг тик туриб мулгий бошлади.

* * *

Эшпўлат ярим тунда отнинг кишнашидан чўчиб уйғонди. Кўзини очиши билан ширингина ухлаётган Зубайдани кўриб: «Хайрият, тушим экан», деган ўйда тўшаги ёнидаги чойнакка қўл чўзди-ю, бақадек қотиб қолди: унинг тепасида катта, жуда катта бир от кўзларидан ўт чақнаб турарди. От туёқларини кўтарди ва бутун савлати билан ўзини Эшпўлатнинг устига ташлади.

— А-а-а-а!!! — дея бақириб юборди у.

— Ҳай-ҳай, тинчликми? Нима бўлди? Ҳай, дейман... — Зубайда ўрнидан туриб, эрининг елкасига туртди. — Ёмон туш кўрдингизми?

— От, аллақандай от, — талмовсираб жавоб қайтарди Эшпўлат.



— Ўлсин, шу ошнангизнинг оти йўқолди-ю, сизнинг уйқунгиз ҳаром бўлди. Икковингиз от дардига мубтало бўлгансизлар. Кўзингизга отнинг девлари кўриниши етмай турувди энди, — деб Зубайда пиёлага совуқ чой қуйиб, Эшпўлатга тутқазди.

Сўнг оғир уф тортиб, тескари ўгирилиб ётди.

Эшпўлат эрталаб уйғонганда лабининг атрофига учуқ тошиб кетганди. Унинг аҳволини кўрган Зубайда Сарви кинначиникига отланди.

— Қаерга кетяпсан? — деди Эшпўлат хотинининг муддаосини англаб.

— Сизни ўқитиб, кинна солдириб ташлаш керак.

— Ирим-сиримларингни энангга қиласан, ўтир уйда! — дея жеркиб берди у хотинини.

Орадан икки кун ўтиб, Бахтиёрникига бориб, уйига кеч қайтаётган Эшпўлат тутқаторлар орасидан ўтаётганда отнинг кишнашини эшитиб, тахтадек қотиб қолди. Унинг рўпарасида бир эмас, бир қанча отлар тизилиб туришар, ҳаммаси баравар кишнаётганди. Эшпўлатнинг оёғидан мадори кетиб, беихтиёр чўкка тушди. Шу пайт рўпарасидаги йўлдан унга қараб бир от шитоб билан чопиб кела бошлади ва шундоққина тепасига келганда туёқларини кўтариб, кишнаб юборди. Эшпўлат қўлларини бошига пана қилиб, мук тушиб ётиб олди.

Қанча ётганини билмайди, бир пайт кимдир елкасига қўлини қўйди. Дир-дир титраб ўгирилди. Ўғли Ойбек экан.

— Кечаси саёқ юрма, деб уришасиз, ота. Мана, тунда юришнинг ҳам фойдаси бор эканми? — деди у тиржайиб.

Сўнг отасининг қўлтиғидан олиб, уйига етаклади.

Эшпўлат эрталаб турганида, боши лўқиллаб оғрир, аъзойи бадани калтаклангандек зирқирарди.

— Йўқ, бугун мени йўлимдан қайтарманг, сизни ўқитвориш керак, отнинг жинлари ёмон бўлади, — деди Зубайда енг шимариб.

Эшпўлат хотинининг орқасидан ҳайҳайлаб қолаверди.

— Эрингизга отларнинг девлари дориган. Қон чиқариш керак, — деди Сарви кинначи.

Зубайда шу куниёқ Бахтиёрникига қараб йўрғалади.

— Сизнинг отингиз йўқолганини эшитгандан бери ғалати бўп қолган. Кечаси ўзиям ухламайди, менгаям уйқу бермайди, — деди у йиғламсираб.

Бахтиёр шаҳардан дўхтир чақиртирди.

— Чинакам дўстингиз бор экан, — деди Эшпўлатни текширган дўхтир. — Қайғунгизни юрагига яқин олибди. Асаблари анча толиққан. Мен дори-дармон ёзиб бераман.

Бахтиёр Эшпўлатга меҳр билан термилиб қолди.

* * *

Оққашқанинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмай қўйди. Ташналикдан тулпорнинг тили танглайига ёпишди. Очликка чидолмай, депсина-депсина чарчади. У Бахтиёрни жуда соғинди. Туйнукдан тушаётган нурга термиларкан, «Дўстим, дўстингдан ҳушёр бўл», дерди у ички овоз билан.

Ёғоч эшик ғижирлаб очилганда, нохуш бир сезгидан тулпорнинг юраги увишди. Кўзлари чақчайган Эшпўлат кириб келди. Унинг бир қўлида челакда сув, бир қўлида бир боғлам беда бор эди.

— Мени қўрқитаман деб ўйладингми? Сен мени қўрқитмоқчи бўлдингми?! — дея Эшпўлат тулпорни қамчилай бошлади.

Оққашқа ҳолдан тойди. Эшпўлат қўлидагиларни эшик олдида қолдириб, ташқарига чиқиб кетди ва шу бўйи қайтиб кирмади.

Тулпорнинг димоғига сув ва беда ҳиди урилар, очликдан ичаклари ағдарилиб кетгудек бўлар, аммо егуликка етолмасди. Бошини солинтириб турган Оққашқанинг кўз олдига Бахтиёр келди: «Қани, тулпорим, кел ўзимга», дерди у жилмайиб. Оққашқа егулик томонга интилди. Бахтиёр: «Қани, қани, яна озгина», деб унга далда бераётгандек бўларди. Тулпорнинг юрагига қувват кириб, егулик сари интилаверди. Темир қозиққа ишқаланиб, нозиклашиб бораётган арқон узилиб, тулпор егуликка етди. Қониб сув ичди. Кумир-кумир қилиб беда кавшади. Сўнг бошини солинтириб, эшикка кўз тикиб туриб қолди. Туйнукдан тушаётган нур ёришди, хира тортди. Тулпорнинг тағин қорни очқади.

Бир маҳал эшик ғичирлаб очилди ва Эшпўлатнинг тиржайган башараси кўринди. Унинг қўлида нимадир ярқираб турарди.

— Бугун кунинг битади, Оққашқа. Сенинг бу ердалигингни билиб қолишларини истамайман. Гўштингни қази-қарта қилиб, Бахтиёрга едирсам, манави еримдаги, — Эшпўлат кўксига муштлади, — аламларим дорийди, — деб вишиллади у. — Сени ҳолдан тойишингни кутдим. Ҳаром ўлмаслигинг учун олдингга ҳашак ташлаб турдим. Энди кунинг битди, Оққашқа...

Эшпўлат енг шимариб, девордаги қозиқда осилиб турган арқонни қўлига олиб, Оққашқага яқинлашди. Шунда тулпор шитоб билан туёқларини баланд кўтарди. Эшпўлат ўзини ўнглолмай ўтириб қолди. Оққашқа қаттиқ кишнади. Эшпўлат сесканиб, бошини қўли билан яширди. Тулпор ёғоч эшикка ўзини урди. Эшпўлатнинг юзини отнинг орқа туёғи салгина серпаб ўтди.

Атроф қоронғи эди. Тулпорнинг кўксига тоза ҳаво, димоғига намчил беда иси урилди. Шамол, майса ва ўт-ўланлар ҳиди, озодлик ифори қалбини ларзага солди. Сувнинг салқинини ҳис этиб энтикди. Тўйиб сув ичгач, шамол билан қувлашмачоқ ўйнаётгандек югу-



риб кетди. Узоқ югурди. Кўз олдида Бахтиёрнинг сиймоси турар, у Оққашқани имлар, унга озодлик ваъда қиларди. Тонгга яқин қадрдон ерларга яқинлашганини сезди, атроф кўзига таниш кўринди.

* * *

— Ота, отажон! — дарвозадан югуриб кирган Шаҳобиддин нафаси бўғзига тиқилиб, гапиролмай қолди.

— Ҳай, каллайи саҳарлаб яна нима шовқин? — деди ошхонадан ранги оқариб чиқиб келган Ҳанифа. — Нима бало, отанг икковинг мени ажалимдан беш кун бурун ўлдирасанларми?

— Бедапояга боргандим, отимиз, отимизни кўриб қолдим. Ота, юринг, тезроқ юринг, — деб Бахтиёрнинг енгидан тортқилади Шаҳобиддин.

Бахтиёр ўғлига ишониб-ишонмай қаради:

— Чинми, чиндан кўрдингми?

— Ҳа, ота. Ўзингиз юринг.

Оёғига бир этигини кийган Бахтиёр иккинчисига калиш илиб, ўғли билан кўчага қараб югурди. Ҳанифа ошхона остонасига ҳолсизгина ўтириб қолди.

Оққашқа бедапояда зўр бериб кавшанарди.

Бахтиёр уни кўриши билан:

— Тулпорим, менинг тулпорим, — деб пичирлади.

Бошини кўтарган Оққашқа Бахтиёрни кўрди-ю, кавшанишдан тўхтаб, туёқларини баланд кўтариб, бор овозда кишнаб юборди. Шу тобда унинг куйлагиси келар, ич-ичидан бир қўшиқ отилиб чиқаётганди. У туёқлари билан ер депсиниб, думини гажак қилиб, ўйинга туша бошлади. Тулпор дийдор қўшиғини куйлаётганди. Бахтиёр эса кўзлари қувончдан порлаб:

— Ҳа, жонивор-а, менинг тулпорим, гижинглаб туришингга борман-да, — деб унинг бўйнидан кучоқлаб олди. — Бормисан, қадрдоним? Оққашқа, дўстим!

Оққашқа яйраб кетди.

* * *

Бахтиёр яна қаддини ғоз тутган, аввалгидек салобатли фермерга, мағрур чавандозга айланганди.

— Бахтиёрбой, тулпорингиз асл зотли-да, қаранг, барибир қайтиб келибди, — дейишди «қуллуқ бўлсин»га кирган қўшнилар. - Уни ким ўғирлаган бўлсаям доғда қолибди.

Бахтиёр мамнун қиёфада отини силаб-сийпаларди.

— Шаҳоб, бор, Эшпўлат амакингни чақириб кел, — деди у оламларнинг оёғи тингач. — Афтидан, уйида эмасга ўхшайди, ҳалигача дараги йўқ.

Орадан чорак соат ўтиб, Шаҳобиддин нохуш хабар билан қайтди:

— Амаким бетоб экан.

— Ундай бўлса, бориб кўриш керак, — дея ўрнидан қўзғалди Бахтиёр.

Дарвозадан кираверишдаги қозиққа боғланган Оққашқа безовта депсиниб, унинг йўлини тўсди: «Дўстим, дўстингдан ҳушёр бўл».

— Мен тезда келаман, ошнамиз бетобмиш, кўриб келай. Энди у сениям ошнанг, — дея Бахтиёр тулпорнинг ёлини силаб, кўчага йўл олди.

Тулпор аччиқ алам билан кишнаб юборди. Бахтиёр ортига ўгирилди: Оққашқа бошини хам қилиб, ерга кўз тикиб турар, унинг кўзлари ёшланганди.

— Сен хафа бўлма, ошна, мен дарров келаман. Ҳали сен билан гаплашадиган гапларимиз бор.

Тулпор кипригини пирпиратиб қўйди.

Бахтиёр Эшпўлатнинг уйига кириб борганда, у айвон четидаги сўрида ёнбошлаб ётганди. Юзининг бир тарафи қизариб, керкиб турар, кўзлари бежо боқарди.

— Тузукмисан, оғайни? — деди Бахтиёр унинг ёнига ўтириб.

— Отинг топилибди, қуллуқ бўлсин, — дея кўзини олиб қочди Эшпўлат.

— Сенгаям катта раҳмат, биз учун жон куйдирдинг, — деб Бахтиёр унинг юз-кўзларига синовчан боқди.

— Юзингга нима бўлди, ошна?

— Шу десанг, деворга уриб олдим, — деди Эшпўлат кўзи билан ер чизиб.

Бахтиёр яхшилаб разм солди. Эшпўлатнинг юзидаги жароҳат деворга урилганга ўхшамасди. Кўнгли хижил бўлиб, дўстининг кўзларига тикилди. Ошнаси кўзини олиб қочди. Унинг юзи гоҳ қизариб, гоҳ бўзарди. Бахтиёрнинг кўз олдига дарвозадан чиқаётганда Оққашқанинг норози кишнагани келди. Шунда бирдан кўзлари қисилиб, қўли билан тиззасига шапатилади. Сўнг фотиҳага қўл очди:

— Дардингга шифо берсин, - у «дўстим» дея олмади. Шитоб билан ўрнидан туриб, Эшпўлатнинг ҳовлисидан чиқиб кетди.

## ХОНАТЛАС

**1942** йил. Қора чироқ ёруғида кашта тикиб ўтирган Қумрига совчи келди.

— Отаси урушда жон олиб, жон бераётган пайтда қизимни узатсам, қандай бўларкан?.. — деди онаси рўмолининг учи билан оғзини тўсиб.



Юзлари шамолда тўрлаб кеган Сарви хола ўтинч билан Қумрининг онасига термилди:

— Мирюнусимнинг Қумрихонда кўнгли бор. Боламниям урушга олиб кетишармиш. Худо хайрингизни берсин, йўқ деманг. Кичкина тўй қилиб, икки ёшнинг бошини қовуштириб қўяйлик. Ажабмас Мирюнус урушда рўзғорини ўйлаб, ўзини эҳтиёт қилса... Худо ёрлақаб, неварали бўлиб қолсак, ўғлим қайтгунча бизга эрмак бўлармиди, а? Хўп дея қолинг.

Қумрининг онаси эътирозга оғиз жуфтлаган паллада, кўзларини хиёл юмиб ўтирган катта отаси совчиларга розилик бериб юборди.

— Тўғри ўйлабсизлар, вақт ғанимат. Тўйни бошлайверинглар. Уруш тугагандан кейин катта тўй қилиб, юртга ош берамиз.

* * *

Қумрининг эгнига энасининг оқ ҳарир кўйлагини кийдириб, бошига оқ сурпдан рўмол солишди. Беш-олтита қариндош-уруғлар йиғилиб кечаси тўйни ўтказишди. Чилдирма товушига хотинларнинг «Ёр-ёр»и жўр бўлди.

Келиннинг сарполари — иккита сурп, иккита алак кўйлак ва иккита қора сатин нимча эди.

— Сенга яхши сарпо қилолмадик, уруш тугаса, зар-забарга кўмиб ташлайман, — деди Мирюнус Қумрининг сочларини силаб.

Келинчак полвон келбат эрига жилмайиб қаради.

— Пешонамиз ёруғ бўлса, латта-путтанинг иши енгил.

Орадан олти ой ўтгач, Мирюнусга ҳам чақирув қоғози келди. Йўлга отланаётган йигит келинчакнинг кўз ёшларини қўли билан сидириб ташлади:

— Сен йиғлама, Қумри! Мана кўрасан, биз тезда қайтиб келамиз, — деди ишонч билан. Уни яхши гап билан овутмоқчи бўлгандек: — Қани айт-чи, сенга нима олиб келай? — деб сўради.

Қумри ич-ичидан тошиб келаётган йиғини зўрға тўхтатиб турарди.

— Ахир сиз урушга кетяпсиз, - деди у. - Ўзингизни эҳтиётланг, соғ-омон келаман деб, ваъда беринг.

— Насиб этса, германни енгиб, сенга ўша томонлардан чиройли хонатлас олиб келаман. Хўпми?

Келинчакнинг юрагидаги уруш ваҳми бир зумга тарқалди. Хаёли ял-ял товланаётган хонатласга кетди.

— Йўғ-э, у ёқларда хонатлас бўларканми? — деб эрига ишонқирамай қаради.

Мирюнус уни бағрига босди:

— Э-э, сен билмайсан-да, ҳали мен шундай бир атлас олиб келай, ҳамманинг кўзини куйдириб, кўйлак қилиб кийгин.

— Тополмасангиз-чи? — соддалик билан сўради Қумри.

— Мана кўрасан, топиб келаман. Топмагунимча қайтмайман, — деди йигит қатъият билан.

Мирюнус эртаси куни урушга жўнаб кетди. Қорнида гумонаси борлигини эрига айтолмай уялиб ерга қараганча қолган Қумрининг кўз олдида Мирюнуснинг мана шу қатъиятли чеҳраси муҳрланди.

Мирюнус айтганидек, уруш тезда тугамади. Мирсиддиқ тўғилди. Чол-кампирлар суюнганидан ўзларини қўйишга жой тополмай қолишди. Нима топсалар, унинг оғзига тутишди. Ўзлари оч қолсалар ҳам гўдакнинг қорнини тўйдиришди. Очлик ва қаҳатчилик қанча одамни ямламай ютди.

Ўн саккиз ёшли Қумри келин эса умид билан яшайверди: бир куни Мирюнус саккизтепки хонатлас олиб, эшикдан кириб келади. Юртга ош беришади. Қумри атлас кўйлакда ял-ял товланиб, югуриб-елиб хизмат қилади.

* * *

Уруш тугаб, Қумрининг отаси, амаки, тоғалари, қайинбўйинлар бирин-кетин қишлоққа қайтиб келишди. Мирюнусдан дарак бўлмади. Жувон тунлари тиқ этган товушга қулоқ тутар, «Мабодо ярим кечаси қорни оч кириб келса-чи», деган ўйда ҳар куни бир коса овқатни дастурхонга ўраб, бир чойнак чой дамлаб қўйиб, кейин ухларди. Бу юмуш соғинч ва умид тафтида бора-бора унга одат бўлиб қолди.

Йиллар ўтаверди. Қумри ҳар не кўнглига келган ҳасратни ичига ютиб, юзи кулиб, нигоҳлари хуморланиб жим юраверди. Кўнгли ярим аёлларнинг кўнглини кўтариб яшайверди. Хотин-халаж Қумридан кўнгил сўраш учун Мирюнусдан гап очса, у:

— Менга хонатлас тополмай, сарсон бўлиб юргандир-да. Ўшанда у кишига «Шу хонатласни қўйинг, жонингиз соғ қайтсангиз бўлди», дегандим, аммо қулоқ солмади. Энди бўлса, гермоннинг юртидан атлас қидириб, сарғайиб юрган, — дерди ярим ҳазил, ярим чин билан.

Аёллар жувоннинг сўзларидан қандай маъно чиқаришни билмай, лаб тишлаб қолишарди.

Юрагида ҳамон ўша умид: эри хонатлас олиб келса, манави хотин-халажнинг кўзини куйдириб, ял-ял ёниб юради, кейин юртга ош беради.

Бир куни кечки пайт эшик тақиллаб қолди. Етти ёшлардаги Мирсиддиқ ҳовлиқиб дарвоза тарафга югурди. Кир юваётган Қумри икки қўлини тоғорадан олмай, умид билан эшикка кўз тикди: «Наҳот Мирюнус, суянчиғим қайтган бўлса...» Шомнинг ғирашира қоронғисида ҳарбийча кийинган бир киши дарвозадан кириб келди. Қумрининг юраги ҳаприқиб, қўлидаги совун кўпигини беихтиёр кўйлаги этагига артаркан, соғинчдан юраги сел бўлиб шарпа сари талпинди:

— Вой, келдингизми?!

Шарпага етишига уч-тўрт қадам қолганда, оёқ-қўли бўшашди. Рўпарасида эри эмас, бутунлай бошқа киши турарди. Қумрининг юраги аламдан тарс ёрилай деди. Аммо ўзини қўлга олиб, меҳмонни ичкарига таклиф қилди ва уни тўрга ўтказиб, рўпарасига омонатгина ўтирди.

— Келинг, — деди овози зўрға чиқиб.

— Исмим Адҳам, — деди меҳмон. — Мирюнус билан битта ротада жанг қилгандик. Жанглардан бирида қаттиқ яраландим. Дўстим билан Украинанинг бир қишлоғида ажралишдик. Мени санчасга олиб кетишаётган пайтда Мирюнус манави носқовоғини бериб юборганди. «Агар мендан олдинроқ уйга етиб борсанг, шуни хотинимга бериб қўй, ҳозирча унга берадиган бошқа нарсам йўқ», деб айтганди ўшанда. Биз орқага қайтдик. Йўлда поездимизга бомба келиб тушди. Шундан кейин нима бўлганини билмайман. Ўзимга келганимда портлашгача бўлган ҳамма нарсани унутгандим. Бир бинтимни кесиб, ҳужжатдаги манзилим бўйича, уйга жўнатишди. Яқинда бирданига хотирам тикланиб, Мирюнусни эсладим. Унинг носқовоғини ўзимники деб ўйлаб, ишлатиб юрган эканман. Бировнинг омонати, топсам ўзини кўрарман, топмасам омонатини топширарман, деб уйингизни қидириб келдим. Гузарда тўхтаб, суриштирсам, дўстим ҳали урушдан қайтмабди. Ноумид бўлманг, келин, Мирюнус шунчаки жон таслим қиладиган анойи эмасди.

— Ҳм-м-мм, — дея ерга қараб бош ирғади Қумри. Кўз ёшлари юзини юва бошлаганди.

Меҳмон яраси янгиланган аёлни қандай овутишни билмай, жим қолди. Сўнг бир нима эсига тушгандек Қумрига «ялт» этиб қаради:

— Балки уям хотирасини йўқотгандир. Эси жойига тушса, қайтиб келар.

Адҳамнинг гаплари Қумрининг юрагига умид солди. У кетгач, Мирюнуснинг носқовоғини уйининг тўрига илиб қўйди.

* * *

Енгларини шимариб, узун ва қалин сочларини бошига чамбарак қилиб юрадиган Қумрининг ғайрати келса ўнта эркакнинг ишини дўндириб қўярди. Шунинг учун ҳам уни Қумри полвон деб аташарди.

Катта пайкални суғориш зиммасига тушди. Саҳарлаб сув ёқалайди, кечқурун алламаҳалгача пайкал бошида қолади.

Туни билан ухламагани учун оёқлари толиб, пайкал этагидаги булоқ бўйига бориб, дам олиш учун бақатеракнинг тагига ўтириб, белига боғлаган тугунчадан бир бурда нон олиб, кавшай бошлади. Бақатеракнинг барглари тинимсиз титрайди. Тонг нафаси, булоқнинг сирли салқини, мовий осмон кўнглига ажиб завқ солди. Ажриққа ёнбошлаб кўзини юмди. Хаёлида Мирюнус жонланди. Юрагига ажиб титроқ инди. Шу пайт кимнингдир томоқ қирганини эшитиб, шошиб ўрнидан тураркан, ўзига яқинлашиб келаётган бригадирни кўрди.

— Қумринисо, қалайсан, чарчамаяпсанми? — деди у салобат билан.

— Худога шукур. Ҳорманг, биргад бува.

Азим бригадир унинг рўпарасига чўккалаб ўтирди.

— Сенгаям жавр бўлди. Қачонгача эрингни кутиб ўтирасан, ҳайронман. Яхшиси, турмушга чиқ.

— Менга кимнинг кўзи учиб турибди, — деди жувон гапини ҳазилга буриш учун.

— Сен тегаман, десанг уйланаман, дейдигани топилади. Иетасанг, ўзим сени ҳеч кимдан кам қилмай олиб юрардим. Мирюнус ваъда қилган хонатласдан бир эмас, ўн кийимлигини оёғининг тагига ташлайман.

Эркакнинг кўзлари ғалати чақнаб, жувон тарафга сурила бошлади. Унга бир муддат анграйиб қолган Қумри сергакланиб, қўли билан ёқасини ушлади.

— Қумри, нима дейсан, а? — деди Азим бригадир товуши титраб.

— Эсингизни еб қўйибсиз!

— Менга қара, эринг, барибир, қайтмайди. Тирик бўлганда шу пайтгача келмасмиди? Уруш тугаганига етти йил бўлди, Қумри. Етти йил-а! Бунчалик қайсар бўлма.

Қумри шаҳд билан ўрнидан туриб этагини силкиди. Бошидан солланиб тушган сочини зарда билан қайта чамбараклаб боғлади. Ғазаби қайнаб, қони гупирди.

— Бўлди қиласизми, йўқми?! — деди зарда билан.

— Аччиқлансанг, янаям чиройли бўлиб кетасан-да, Қумри.

Азим бригадир шаштидан қайтай демасди. Жувон ўзини босиб туролмай, уни итариб юборди:

— Э боринг-э!

Бригадир кутилмаган қаршиликдан бир қалқиб булоқнинг чеккасига йиқилди. Ўт-ўланни маҳкам чангаллаб, сувга тушиб кетмаслик учун типирчиларкан:



— Ҳе, зангар, — дея сўкинди.

Қумри унга бироз ижирғаниб қараб турди-да, сўнг ёрдам бериш учун қўлини чўзди.

— Қоч-э, ўзим чиқаман, — деб тўнғиллади Азим. Аммо яна бир типирчиласа сувга тушиб кетишини сезиб, жувонга ноилож қўлини узатди.

Шу воқеадан кейин у Қумрига юрак ютиб, яқинлаша олмади.

* * *

Кўп ўтмай, колхозга янги раис келди. Жуссаси кичкина, бир қўлини урушга бериб келган, кўзлари ўйчан бу одам дала айланиб юриб, Қумрини кўрди-ю, атрофидан кетолмай қолди. Ҳам янга, ҳам гапга чечан жувоннинг офтобда қорайган кулчадек юзи, ҳамиша чарақлаб, кулиб турадиган қоп-қора кўзлари, ғайрат ёғилиб турадиган келбати ҳар қандай одамнинг эс-ҳушини ўғирларди.

Раис уни идорага ишга чақирди. Қумри розилик бермади:

— Менга далада ишлаш яхши, раис бува. Идорада ўтирсам, сиқилиб кетаман.

Қумри куни билан ишдан бош кўтармас, кечалари эса эрининг носқовоғини қўлига олиб силаб-сийпар, дуога қўл очиб, унинг тезроқ қайтишини худодан сўрарди.

Шундай тунларнинг бирида эшик тақиллади. Қумрининг юраги бир ағдарилиб тушгандек бўлди. Носқовоқни қўлидан қўймай, яланг бош, яланг оёқ дарвоза тарафга югурди. «Келди, Мирмаликнинг отаси келди», деб ўйларди у. Етиб боргунча хонатлас ҳақидаги орзулари ҳам кўнглини илитиб ўтди.

Эшикни очди-ю, турган жойида тахтадек қотиб қолди. Рўпарасида раис турарди.

— К-келинг, раис бува, — деди аёл ажабланиб, ҳам хавотир билан унга қараб.

Раис бироз талмовсираб тургач, ҳовлига қадам қўйди ва мулозаматсиз ҳолда аёлни сенсираб гап бошлади.

— Яхши ўтирибсанми, Қумри?

— Худога шукур.

Аёл ичкарига зипиллаб кириб, рўмолини бошига солиб чиқди. Раис қўлидаги қоғоз пакетни бир четга қўйиб, чорпояга ўтирди.

— Чой-пойинг борми? — деди у ўз уйига келгандек, бемалол.

Қумрининг ори келди. «Ўзини ким деб ўйлаяпти бу раис?» хаёлидан ўтказди у. Ичкаридан ярим чойнак совуқ чой кўтариб чиқди. Дастурхон ёзди.

— Ўлгудек очман, ҳозир райкомдан йиғилишдан келяпман.

Жувон уйга кирди. Қорачироқнинг ёруғида тимирскиланиб, эри учун олиб қўйган овқатини қўлига олди. «Эҳтимол, Мирсиддиқнинг отаси ҳозир келиб қолар», деган умид кўнглидан ўтди. Овқатни қайта жойига қўйди. Товоқчада ўғли иккаласидан қолган озроқ овқат бор эди. Шуни меҳмоннинг олдига олиб чиқди. Раис совуқ чой билан совиган овқатни еб, қорин тўқлагач, жувонга сирли кўз ташлади:

— Қумри, юртда қийинчилик, сенинг ҳолинг қалай?

— Худога шукур, раис бува, насибамизни териб юрибмиз.

— Бу, эринг урушдан қайтмаётганмиш, бедарак кетганмикан-а?

— Ноумид шайтон, кутяпмиз.

— Ўғлинг ҳам кап-катта йигит бўлиб қолди. Унга ота керак, Қумри. Отаси бедарак кетган бўлса бордир, аммо ҳозир ўғлингга эркак кишининг тарбияси зарур.

Қумри раиснинг гап оҳангидан нима демоқчи бўлаётганини сезиб турса ҳам, индамай ерга қараб ўтираверди.

— Бу ёқда ўқиши бор. Ҳали уни уйлаб-жойлаш керак. Бошингда эркак бўлмаса, қийналиб қоласанми, дейман-да.

— Худонинг ўзи бир йўлга бошлар, раис бува.

— Сен шундай дейсан-у, ёш умринг увол. Мана буни олгин-да, битта кўйлак тиктириб кий. Атайлаб сенга сотиб олдим. Айтишларича, атласни яхши кўрармишсан.

Раис қоғозга ўралган матони Қумрининг олдига суриб қўйди.

— Буни аёлингизга олиб борсангиз бўларди, — деди жувон.

— Қумри, куйган дилимни баттар куйдирма! Сени кўрганимдан бери ҳаловатимни йўқотганман, — дея раис жувоннинг билагидан ушлаб, ўзига тортди.

Аёлнинг димоғига эркак ҳиди урилди. Боши айлангандек бўлди. Юзлари ловуллаб ёнди. Аёллик латофати бир лаҳза милтиллаб Қумрининг кўнглини эритиб ўтди. Томирларигача ловуллаб кетди. Аммо шу тобда ўғли уйғониб, мўралаб тургандек, эшикдан Мирюнус кириб келаётгандек туюлди. Уят ва номус бутун вужудини эгаллади. Қумрининг юрагида полвонлиги бош кўтарди. Бор кучини билагига йиғиб, бир силтаниб, раиснинг қўлидан чиқди. Унга алам билан тикилди:

— Қанақа одамсиз, ўзи?! Эркаги йўқ уйни хоҳлаган пайтим оёқ ости қиламан, деб ўйладингизми? — деди овози титраб. — Бу уй эркаксиз қолмаган, раис! Ана, уйда ўғлим бор!

Қумрининг нигоҳида ўзгача бир шаҳд, алам ва изтироб қоришиб кетганди. Раис кўзини ундан олиб қочди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб, манглайига босиб, ерга тикилиб ўтириб қолди. Унинг кичик жуссаси янада кичрайгандек эди.



— Қумри, хафа бўлма, — деди бироздан кейин. — Бундай қилмоқчимасдим. Сени хафа қилмоқчи эмасдим. Асло хафа қилмоқчимасдим!

Раис ўрнидан оғир қўзғалди. Боши эгилган. Елкасига оғир юк ортилгандек, қийинчилик билан қадам ташлаб, дарвоза тарафга юрди.

Лак-лак титраётган Қумрининг оёқларидан мадор қочди. Ерга ўтириб қолди ва изиллаб йиғлаб юборди.

Эртасига уни идорага чақиришди. «Энди раис зуғумини бошлайди. Майли, истаса колхоздан кўчириб юборсин», деб ўйлади аёл.

Идорада одам кам, раис хонасида бир ўзи ўтирарди.

— Мумкинми? — дея эшикдан мўралади жувон.

— Қумрихон... — гап бошлади раис унинг кўзларига қарамай. — Сиздан кечирим сўрайман. Яхши иш қилмадим. Кўнглингиз тўқ бўлсин, энди сизни ҳеч ким хафа қилмайди. Истасангиз, идорага ишга келинг, истасангиз, далада ишланг, фақат бу ерларни ташлаб кетаман, деманг.

Раиснинг олдидан чиққач Қумри тўғри уйига борди-да, эрининг носқовоғини бағрига босиб, дод солиб йиғлади. Мирюнус иккаласи хушбахт тунларни ўтказган бўз кўрпани тирнаб, тирноқлаб йиғлади.

* * *

Кўзга яқин эмасми, унга совчи қўяётган эркаклар талайгина эди. Баъзан ҳамма нарсага қўл силтаб, улардан бирига тегиб кетишни ҳам ўйларди. Аммо уларнинг ҳеч бири Мирюнусга ўхшамасди. Эрининг қарашлари бошқача эди. Кенг елкаларидан, катта-катта кафтларидан ёғилган тафт жувоннинг юрагини куйдирарди. Мирюнуснинг кенг феъллиги, мардлиги, чапанилигига қоришиқ муҳаббатни, меҳрни энди у қайта тополмасди.

Ўғли худди отасига ўхшаб ўсяпти. Бошқани эр қилиб кетса, боланинг юзига қандай қарайди. Ёлғиз ўғлини бегона эркакка ишонтиратадими?! Йўқ, яхшиси, кутади. Умид билан кутади: Бир куни Мирюнус, албатта, эшикдан кириб келар.

* * *

Ўғли мактабни тугатди. Унинг бўй-бастига қараб, аёлнинг кемтик кўнглида келинлик бўлиш, неваралар кўриш орзуси бўй ташлаётган, муқаддас умиди — эрининг хонатлас олиб бир куни кириб келиши ҳам вақт ўтгани сайин чинга ўхшаб бораётган, ҳаётига ўзгача мазмун бераётганди.

Мирсиддиқ институтни битириб, ишга киргач онасига хонатлас олиб берди:

- Буни киймасангиз хафа бўламан. Энди сизга бўз билан чит кўйлаклар ярашмайди.

- Қўйсанг-чи, - деб матони ўзидан нари сурди у.

Ўғлининг юзида норозилик зуҳурланди. Худди отасидек қайсарлик билан Қумрининг юз-кўзига тикилди:

- Одамлар, қўли юпқалиги учун Мирсиддиқ онасига бир кийим хонатлас олиб беролмаяпти, деб гап қилишади.

— Уларга парво қилма. Отангга сиз олиб бермагунингизча хонатлас киймайман, деганман. Одамларнинг арзимаган гапини деб лафзимни ерга урайми, болам! Ялтиллатиб атлас кийиб юрганимда отанг кириб келса, лафзида турмабди-да, деб кўнгли оғримайдими, — деди у қатъият билан.

* * *

Замон ўзгарди. Қумри она юртнинг омон-омон кунларини кўриб шукроналар айтди. Невaралари дунё кезди. Мирюнуснинг хонатлас олиб келолмаслиги энди ҳаммага маълум эди. Неваралари олиб берган атласларни у завқ билан силаб-сийпаларди, лекин сира кўйлак қилиб тиктирмасди. Тўқсон ёшида ҳам дераза оша кўчага интиқ термилиб ўтирарди.

* * *

Қумри момо вафот этибди, деган гапни эшитиб, қишлоқнинг ёшу қариси бир қалқиб тушди.

Эркаклар маййитни тобутга қўйишаётган паллада кимдир Мирсиддиқнинг қулоғига пичирлади:

— Сизни чақиришаётган экан.

У хотин-халаж ўтирган уйга яқинлашди. Ичкаридан чиқиб келган кекса кампир рўмоли учини кўзига босаркан, унинг қўлига бир кийимлик хонатлас тутқазди:

— Манави ўзимизнинг Марғилон атласи. Шуни тобутининг устига ёпинглар. Онанг бир умр атлас кўйлак киймай ўтди. Шу мато ҳеч бўлмаса қабристонгача унга ҳамроҳлик қилсин.

Эркаклар тобутни елкаларига олишганда, хонатлас енгил шабадада ҳилпираб, камалакдек товланди.

Қумри полвон, Қумри момо умрини шундай ўтказди.

## ШАБНАМ СОЯСИДАГИ МУҲАББАТ

Тоҳир қуёш чиқмасидан аввал туриб, ҳовлидаги майсазорда яланг оёқ юришни ёқтиради. Муздек шудрингдан танаси яйрайди. Димоғига ўт-ўлан ҳиди урилиб, ҳузур қилади.



Уч кун уйида бўлмади, майсалар анча ўсибди. У шимининг почасини қайириб, майсазорга қадам қўяркан, беихтиёр янги танишини Муниса кўз олдига келди. Унинг гапларини эслади. «Қизиқ, — деб ўйлади, — шабнамнинг ҳам сояси бўларканми?»

* * *

Ўшанда у эрталаб ишга кетаётганди. Тонгда шаҳар кўчаларининг файзи бошқача бўлади. Тоҳир навбатдаги чорраҳага етганда, ёнидаги машинага кўз қирини ташлади. Қаймоқранг «Нексия»нинг рулида ўттиз беш ёшлардаги жувон ўтирарди. Одатда, у аёлларга синчиклаб қарайвермасди. Лекин жувон нимаси биландир унинг эътиборини тортди. «Истараси иссиқ экан, ўзиям орастага ўхшайди», деб ўйлади у. Сариқ чироқ ёниши билан жувон машинани ўрнидан жилдирди. «Чаққонгина, қатъиятли экан», деган ўйда Тоҳир ҳам газни босди. Кейинги чорраҳада жувоннинг эътиборини тортгиси келиб, машинасини у билан ёнма-ён тўхтатди. Аёл унга қайрилиб ҳам қарамади.

Яна икки-уч чорраҳагача кетма-кет боришгач, Мустақиллик майдонига яқинлашганда қаймоқранг «Нексия» чапга бурилиб кетди. Тоҳир ишхонасига етиб келгунча жувоннинг мағрур қиёфасини икки-уч марта кўз олдига келтирди. Кейин ишга шўнғиб кетди.

* * *

Ўша кундан сўнг Тоҳирнинг шуурида нимадир ўзгаргандек эди. Ҳар куни ўша нотаниш жувон билан ёнма-ён босиб ўтилган йўлга етганда, атрофга аланглаб, қаймоқранг «Нексия»ни қидира бошларди.

Бу иши эриш туюлиб, «Уни танимасам, билмасам, нимага қидириб юрибман ўзи?» деган ўйда ўзига дакки берар, лекин, барибир, жувон ҳақида ўйламай туролмаётганди.

Бир куни эрталаб кийимларини алмаштираётиб: «Ажабмас, бугун уни учратиб қолсам», деган умид кўнглидан ўтди. Нияти амалга ошадиган экан, йўлдаги супермаркет яқинида тўхтаб турган қаймоқранг «Нексия»ни кўриб, тушуниксиз истак етовида машинасини четга тўхтатди. «Шу машина уникимикан ёки тентакка ўхшаб бошқа бировнинг машинасига термилиб ўтирибманми?» деган қарама-қарши ўйлар қуршовида дўкон эшигига кўз тикди. Шу замон «Ўртоқларимдан бирортаси аҳволимни кўрса, умрининг охиригача ҳангома қилиб ўтади», деган андиша кўнглига келди. Ахир ошна-оғайнилари орасида энг жиддийси шу — Тоҳир. Ўзаро йиғинларда аёллар мавзусида гап очилса, ўтлаб кетадиганларни тартибга чақириб турадигани ҳам шу. Энди эса, ўзини ўн беш яшар ўспириндек тутяпти.

Машинасини энди юргизмоқчи бўлиб турганди, аёлнинг қораси кўринди. Тоҳир унга термилиб қолди. Жувоннинг қадди-басти келишган, юришлари оддий ва чиройли эди. «Худди гимнастикачиларга ўхшаркан», деган ўй ўтди Тоҳирнинг кўнглидан.

Жувон машинасини юргизди. Тоҳир унинг ортидан йўлга тушди. Тағин чорраҳада ёнма-ён тўхташди. Жувоннинг юз-кўзларини эслаб қолишга урингандек, Тоҳир унга синчковлик билан тикилди. Жувон ҳам у тарафга ўгирилди. Қарашларидан ақлли ва қатъиятли экани кўриниб турарди. У майин жилмайди. Ва ажаб, шу бир лаҳзалик табассум Тоҳирнинг назарида, дунёни ёритиб юборгандек бўлди.

Ўзига келганда жувон аллақачон жўнаб кетган, орқада турнақатор тизилиб турган машиналар тинимсиз сигнал чаларди.

* * *

Рафиқаси Латифа кечқурун унга синчков тикилди:

— Адаси, нега бунча паришонсиз?

— Чарчаганга ўхшайман.

— Бўлмасам-чи, ахир икки-уч йилдан бери дам олмадингиз. Шу фирмангизнинг ишлариям бор бўлсин, сира ўзингизни ўйламайсиз.

— Ишлаш керак, аяси.

— Бирор ҳафта дам олсангиз, ишларингиз тўхтаб қолмас. Ёрдамчиларингиз бор-ку. Нима, сизсиз уддалашолмайдими? Бирорта санаторийга боринг, одам ўзиниям ўйлаши керак-ку.

— Хўп, сен нима десанг, шу.

Латифа кўзларини катта-катта очиб, эрига бирпас қараб турди-да, шарақлаб кулиб юборди:

— Тавба, шунча йил бирга яшаган бўлсак, биринчи марта гапимга эътироз билдирмадингиз.

— Шунақами? — кулимсиради Тоҳир. — Қарияпмиз-да, аяси. Сен пайтдан фойдаланиб, жиловни қўлингга оляпсан.

Латифанинг юзидаги кулгичи янада чуқурлашиб, мириқиб кулди.

— Қўйинг-э, жиловингиз ўзингизга буюрсин, — деди эркатовушда.

У хотинининг мана шу кулгисини ёқтирар, ҳар гал шарақлаб кула бошлаганда, ич-ичидан завқланиб кетарди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Латифанинг кулгидан ёришган юзига қараб туриб, ўша, нотаниш жувоннинг табассумини эслади.



* * *

Ишхонасига бораётиб яна қаймоқранг «Нексия»ни эслади. Шунда ўз-ўзидан жаҳли чиқиб, тутақди: «Менга нима бўляпти ўзи? Кап-катта одам ёш боланинг ҳунарини қилиб юрсам. Ўзи ким у? Нега унга ёпишиб олдим? Ўйлашга тузукроқ ўй йўқми? Чарчаганман, ҳамма гап шунда. Бўлмаса, ҳали бир оғиз гаплашмай, кимлигини билмай туриб, дуч келган хотинни ўйлаб юрадими одам?! Латифа тўғри айтди, дам олишим керак».

Унинг муддаосини сезгандек, тушга яқин ўртоғи Мирсаид қўнғироқ қилди:

— Тадбиркорлар анжуманига кетяпман, тоғда янги дам олиш масканининг очилиш маросими бўларкан. Истасанг, сен ҳам юр, балки янги шериклар топарсан, жуда бўлмаса, икки-уч кун дам олиб келасан, — деди у.

— Қачон жўнайсан?

Гўшакнинг у ёғидаги овоз жонланди:

— Борасанми?

— Сен таклиф қиласан-у, мен йўқ дейманми?

— Ҳазиллашмаяпсанми, жўра? Сениям ишхонангдан олиб чиқса бўладими?

— Нима деб ўйловдинг?

— Бўпти, гап тамом, эртага эрталаб йўлга чиқамиз. Жуда гўзал жойлар, борганингга сира афсусланмайсан.

— Келишдик.

Тоҳир енгил тин олди. «Яхши бўлди, — деган ўй ўтди кўнглидан. — Ажабмас, шу баҳонада анави бемаъни ўйлардан халос бўлсам».

Эрталаб йўлга тушишди.

Мирсаид таърифлаганича бор экан. Табиат гўзал, тоза ҳаво. Оромгоҳни ҳам қойилмақом қилиб қуришибди. Мириқиб дам олишди.

Эртасига барвақт уйғонган Тоҳир оромгоҳ ҳовлисида айланиб юраркан, йўлак охиридаги ўриндиқда хаёл суриб ўтирган бир жувонга эътибор берди. «Дам олувчилардан бирортаси бўлса керак-да, у ҳам вақтли туришни ёқтираркан», деган ўйда йўлида давом этди. Аммо унинг ёнидан бепарво ўтиб кета олмади. Алланечук савқитабиий қизиқиш измида унга қаради. Қаради-ю, юраги қинидан чиққудек гупиллаб уриб кетди: бу ўша — қаймоқранг «Нексия» соҳибаси эди.

Майсаларга ўйчан тикилиб ўтирган жувон юзида ним табассум билан салом берди.

Тоҳир бош ирғаб алик оларкан, бир сонияда кўнглидан минг хил хаёл ўтди: «Олдига бориб ўтирайми, гапга солайми? Нима деб ўйларкан? Ёнига яқинлашганимда, ўрнидан туриб кетса, нима деган одам бўламан?»

— Ҳавонинг зўрлигини қаранг, — деди жувон минг йиллик танишига гап қотгандек, бепарво оҳангда.

«Манави бошқа гап, энди бемалол гаплашсам бўлади», деган хаёл Тоҳирнинг кўнглини ёритди.

— Жойниям боплашибдими? Дам олувчилар ҳам маза қилади.

— Нимасини айтасиз, шароитлариям чаккимас.

— Чет элдаги оромгоҳлардан сира қолишмайди.

— Ҳа.

Гап гапга уланди. Тоҳир жувоннинг исми Муниса эканини, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишини билиб олди.

— Бизнинг ишимиз латта-путта билан, — деди Муниса кулимсираб. — Бир қарич латта топсак ҳам, хотин-халажнинг устини бутлайлик, деб ҳаракат қилиб ётибмиз.

— Одамларни кийинтириш яхшику-я, — жилмайиб суҳбатдошига қаради Тоҳир, — фақат ҳамма кийим бир қаричдан бўп кетмаса бўлгани.

Бу гап жувонга ўзгача наша қилди шекилли, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Шу кулги улар ўртасидаги бегоналикка барҳам берди.

* * *

Тоҳир ўзи сезмаган ҳолда Мунисага боғланиб қолганди. Кечки пайт оромгоҳ ҳавлисида жувонни яна ёлғиз учратди. Бироз гаплашиб ўтиришгач, жувон уни ўзининг хонасига таклиф қилди. «Шунчалик дадиллик билан мени хонасига олиб кетяптими, демак, бошида эри йўқ», деб ўйлади Тоҳир. Суҳбат асносида бу ҳақда жувондан икки-уч бор сўрамоқчи бўлди-ю, уни хафа қилиб қўйишдан чўчиди.

Тоҳир бир гапириб, ўн кулиб ўтирган жувонга зимдан тикилди. «Наҳотки у ҳам енгилтак аёллардан бўлса?..» Шу ўй кўнглидан ўтиши билан жувонга бўлган қизиқиши сўнди. Лекин нима қилиб бўлса-да, унинг оиласи ҳақида билгиси келди.

— Турмуш ўртоғингиз бу ёқларга сизни ёлғиз жўнатавердими? — деган савол учди унинг тилидан.

Жувоннинг юзидаги кулги бир зумда ғойиб бўлди. Ўйчанлик билан шарбатдан стаканга қуяркан,

— Хўжайиним вафот этганлар, — деди.

Тоҳир ноқулай аҳволда қолди:

— Мени кечиринг. Узр.

Жувон унга жавдираб қараб олди-да, юзини тескари бурди.



— Ҳечқиси йўқ.

— Бу дунёда ёлғиз яшаётган бир сизми, Муниса? Ҳар ким пешонасида борини кўради-да, — дея уни юпатмоққа чоғланди Тоҳир.

— Тўғри айтасиз, менинг ҳам пешонам шундай экан. Бўлмаса, шунақа ҳаётни орзу қилибмидим?

«Бечора, — деб ўйлади Тоҳир, — қувноқ кўрингани билан ичи тўла ҳасрат экан-ку».

Орага ноқулай жимлик чўкди. Неча кундан буён тушуниксиз истаклар етовида шу жувонга талпинаётган Тоҳир шу тобда ўзини қопқонга тушган шердек ҳис этар, тезроқ бу хонани тарк этиб, юрагини қоплаб олган ғашликдан халос бўлишга ошиқарди. Лекин, айни пайтда, Муниса ҳақида яна кўпроқ нарсаларни билгиси ҳам келаётганди.

— Биламан, мен ҳақимда билгингиз келяпти, — деди Муниса лабдурустдан.

— Йўғ-э, ҳа, энди... — чайналди Тоҳир.

— Мен ҳам ҳамма қизлардек орзу-ҳавасли келинчак бўлганман, — деб бир нуқтага тикилиб гап бошлади Муниса. — Ўзим ёқтирган йигитга турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим Воҳид ака ҳарбий эди. Чегара қўшинларида хизмат қиларди. Биз шу қадар бахтиёр эдикки, кўрганлар Тоҳир-Зуҳроми булар, деб ўйлашарди. Воҳид акам алпқомат, зардали ва мард йигит эди. Майсалар ва шудрингларни жуда яхши кўрарди.

— Хизматдалик пайтим кечаси навбатчиликда турсам, осмондаги юлдузларга тикилиб, ўйланиб қоламан, — дерди у киши. — Назаримда, шабнамлар юлдузларнинг бир бўлагидек туюлади. Майсалар эса кўкка қўл чўзиб маҳбубасини чорлаётган мажнунлар. Шабнамлар ҳар кеча ўз осмонидан мана шу майсалар бағрига тўкилаётганга ўхшайди.

— Сиз агар ҳарбий бўлмаганингизда, зўр шоир бўлардингиз, — дердим завқланиб.

Тўйимиздан олти ой ўтгач, Воҳид акам хизматга кетдилар-у, қайтиб келмадилар. Айтишларича, у хизмат қилаётган қисмга қарашли ерларда ёвуз ниятли ёт унсурлар уя қурган экан. Воҳид акам уларни пайқаб қолиб, қисмга зудлик билан хабар юборибдилар. Лекин вазият қалтис бўлгани учун, тезкор гуруҳ етиб келгунча, бир ўзи бутун бошли тўдага қарши курашишига тўғри келибди. Қисмдан махсус гуруҳ етиб борганда тўдадагиларни қўлга олган Воҳид акам оғир яраланиб, оёқда зўрға турган экан. Гуруҳдаги йигитларни кўриши билан ерга йиқилибди.

— Воҳид ҳолдан тойган бўлса ҳам, душман олдида мағрур туриб берди. Бундай жасорат ҳамманинг қўлидан келавермайди, — деганди ўшанда командири.

Биз касалхонага етиб борганимизда Воҳид акам зўрға нафас олаётганди.

— Кел, Мунис, менинг шабнамим, — деди у базўр шивирлаб.

Мен унга бир сўз дея олмадим. Қайнона-қайнотамдан, шифокорлардан уялдим. Уни йўқотганимдан кейин англадимки, Воҳид акам ҳар гал майсалар ва шудрингларга қараганда мени эслаган экан.

Бир нуқтадан кўз узмай гапираётган Муниса бошини кўтариб, Тоҳирга қаради:

— Сизниям зериктирвордимми?

Тоҳир жувонга ҳайрат билан тикилиб қолганди. Мунисанинг дилини оғритмаслик учун бош чайқаб:

— Йўқ, гапираверинг. Мен ҳам майса-ю, шудрингларни яхши кўраман. Лекин шабнам бир майсанинг муҳаббатини деб, ўзини осмондан ерга отишини сира ўйлаб кўрмаган эканман, — деди.

Муниса синиқ жилмайди.

— Ўша майса Воҳид акам эди. Мен эса олти ойгина шабнам бўлиб яшадим, холос. Аммо бу жуда катта бахт эди. Мен мард бир йигитнинг севгисига эришгандим. Бундан ортиғини тилаш ношукрлик бўларди. Воҳид акам қўрқмас жангчи, ажойиб йигит, беқиёс тоза қалб соҳиби бўлган. Бошқа ҳеч ким мени унчалик севолмайди. Ўғлим бўлмаганда, балки бу жудоликка чидолмаган бўлардим. Лекин Воҳид акамнинг зурриёди учун яшашим керак, деб ўзимни ишонтирдим. Аста-секин ишларимни йўлга қўйдим. Бизнесимни ривожлантиришда қайнотам-қайнонам қўш қанотим бўлишди. Суянчиғим ўғлим ҳам бугун отасининг изидан бориб, ҳарбийликка ўқияпти, — деди жувон кўзларини ерга тикиб.

— Ҳали ёшсиз, эҳтимол, бахтингизни топарсиз. Ёлғизлик...

— Мен ёлғиз эмасман. Яхши кўрган ишим бор. Меҳрибонларим ёнимда. Воҳид акамдек мард ўғлон учун менга ўхшаган юзта аёлнинг умри фидо бўлса арзийди.

Муниса дераза оша ташқарига қараб, ўйчанлик билан деди:

— Ҳар куни эрта тонгда қуёш нурида минг бир рангда жилоланаётган шудрингларга термиламан. Ана шу шабнамлар соясида муҳаббатимизни кўраман. Шундан овунаман.

Жувон билан бутунлай бошқача суҳбатни кутган Тоҳир ўз-ўзидан уялиб кетди. Кўнглида Мунисага нисбатан ҳурмат уйғонди. Ич-ичидан аёл қалбидаги садоқатга таҳсин ўқиди.

* * *

Майса япроғида илиниб турган шудрингга тикилиб, ўйланиб қолган Тоҳир рафиқасининг товушини эшитиб, сергак тортди:



— Ассалому алайкум, адаси, яхши дам олдингизми? Қаранг, уч кунда ҳовли сизсиз ҳувиллаб қолди. Манави ўт-ўланларгаям қарайдиган меҳрибон керак экан.

— Бўлмасам-чи, ҳамма нарса эътиборга муҳтож, майсалар ҳам, шабнамлар ҳам, — деди Тоҳир жилмайиб.

— Шоир бўп кетибсизми, адаси? — шарақлаб кулди Латифа.

— Мана шу кулишингга борман-да, аяси, сен кулсанг, уйимизни офтоб ёритгандек бўлади.

Ётоқхонадан чиқиб келган икки ўғил яланг оёқ бўлиб, майсалар узра югуриб кетишди.

Омонатгина илиниб, қуёш нурида билинар-билинмас жилваланиб турган шабнамлар дувиллаб ерга тўкила бошлади.

## ЁЛҒИЗЛИК ИСКАНЖАСИДА

Лобар қайнонаси билан эрини ишга кузатаркан, улардан бир оғиз меҳрли сўз кутди. Аммо машинанинг орқа ўриндиғида ястаниб ўтирган қайнонаси ўғлига «ҳайда» дегандек ишора қилди. Она-бола унга эътибор бермай жўнаб кетишди. Келин машина ортидан маъюс қараб қолди. Бироз шу алпозда тургач, сассизгина қадам ташлаб ҳовлига кириб, эшикни ичкаридан қулфлади. Юраги ёмон сиқилди.

Кўнгли бир ҳамдард, суҳбатдошга муҳтожлик сезди. Ким биландир тўйиб гаплашгиси, ҳасратлашгиси келди. Шарпадек сирғалиб ошхонага ўтиб, ўзини чалғитиш учун юмуш қидирди. Бирор ишга қўли бормай тағин ҳовлига қайтиб чиқди.

«Опам билан гаплашсаммикан, у ҳам мени соғингандир», деган ўйда телефон гўшагини қўлига олиб рақам терди.

- Алло, опа, ассалому алайкум, - деди юзи ёришиб.

- Лобар, яхши юрибсанми? - деган овоз эшитилди у тарафдан.

- Яхшиман, опа, жиянларим соғ-саломатми? Яхши ўтирибсизларми, поччам яхшими?

- Яхши, ҳаммамиз яхшимиз. Нима гап? Ўзинг тинчмисан? — опасининг овозида бетоқатлик сезилди.

- Тинчлик. Сиз билан гаплашгим келди.

- Бекорчисан-да, а? Биласан-у, ҳозир ишдаман. Кейинроқ қўнғироқ қиламан, хўпми? Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Опасининг гап оҳангида «сен билан лақиллашиб ўтиришга вақтим йўқ», деган иддао бордек эди. Гўшакдан қисқа гудок эшитила бошлади.

Келинчакнинг томоғига оғриқ тиқилиб, кўзи ёшланди. Доим шу аҳвол. Опа-сингиллари ишидан, янгалари уйидаги юмушларидан ортмайди. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Эзгин кайфиятда айвоннинг ўймакор нақшли устунига суяниб турган Лобарнинг юзига енгил шабада урилиб, атрофга райҳон иси таралди. Болалиги, онаси эсига тушди. «Райҳонда жаннат иси бор, — дерди онаси раҳматли. — Одам Ато билан Момо Ҳовво ерга қувғин қилинганда Момо Ҳаввонинг босган изидан райҳон унган экан».

Бу гапни эшитганда Лобар ҳали жамалаксоч қизча эди. Ўшанда изидан гуллар унишини орзу қилиб юрганини эсласа, энди кулгиси келади.

Дарвоза яқинидаги сўрига бориб ўтирди. Девор ортидан мусиқа эшитилди. Қўшни келинлар Мадина ва Гулноранинг бир-бирига баланд овозда бир нималар деб гапиргани қулоғига чалинди. Кимдир қаҳ-қаҳ отиб кулди. «Шуларга маза, иккаласи гаплаши-и-и-б, кунни кеч қилишади. Шунчаки, ўтган-кетган гапларни лақиллашиб ўтиришсаям, майли-да, ҳар ҳолда зерикишмайди-ку», деган ўйда девор тарафга ҳавасланиб қараб қўйди. Юрагига ғашлик, кўзларига мунг чўкиб мунғайди.

Оёғини қучоқлаб ўтириб, тиззасига бош қўйди. Қанийди уларнинг уйида ҳам болаларнинг тўполони тинмаса. Ич-ичидан оғир хўрсиниқ отилиб чиқди. Атрофга жавдираб қаради. Ёнғоқ ёғочидан ўймакор услубда ишланган сўри, унинг устига тўшалган юмшоқ кўрпачалар-у, сўри четига қатор териб қўйилган пар болишлар, чиройли қурилган иморат ҳам кўзига хунук кўриниб кетди. Ўзини жуда ғариб сезди. Ўрнидан туришга ҳафсаласи келмай, бир нуқтага тикилиб узоқ ўтирди.

«Кошкийди, ака-опаларимдан бирортаси қўнғироқ қилиб, мендан ҳол сўраса, биров-ярим адашиб, бизнинг телефонга тушиб қолса ҳам майли эди, озгина гаплашиб, кўнглим ёзиларди», деган ўй миясига бир неча марта урилди. Аммо уни йўқлаб, зерикмай ўтирибсанми, дегувчи бўлмади.

* * *

- Уйда зерикяпман, - деди кечқурун эрига. - Ишласам, дегандим.

Суҳроб унга таажжубланиб қаради.

- Нима иш қиласан? Қўлингдан бирор юмуш келмаса. Қўй, бошингни қотирма, уйда маза қилиб ўтирибсан-ку. Сенга биров ишлаб пул топ, деяптими?

— Гап пул топишдамас, Суҳроб ака, ҳайҳотдек ҳовлида сиқилиб кетяпман. Хўп денг, жуда бўлмаса, мактабга фаррош бўлиб ишга кирсам ҳам майли. Одамлар орасида бўлардим.

Суҳробнинг қоши чимирилиб, кўзларини катта-катта очиб, хотинига қараб қолди:



- Эсинг жойидами, ўзи?! Фаррош бўлиб ишлармиш. Нимангга етмаяпти ўзи?

— Мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ака-опаларим ҳам ишимни ортмайди. Ишга кетганингиздан кейин ҳовли ўлгур бир ўзимни ютаман, дейди. Ёмон зерикдим.

Суҳроб Лобарнинг ёшли кўзларига бироз қараб тургач, юмшоқ товушда унга эътироз билдирди:

— Ишга кирсанг, дадамнинг ош-овқатига ким қарайди. Атайлаб уйда тушлик қилгани келса. Дадамнинг дуосини олавергин, ишлаб топадиган пулингни икки ҳисса қилиб бераман сенга. Кам-кўстинг бўлса, тортинмай айтавер, истаган нарсангни муҳайё қиламан.

— Суҳроб ака, сиқилиб кетяпман, одамларга аралашсам, балки...

- Бўлди, бошимни қотирма, - деб Суҳроб унинг гапини бўлди, - ўлгудек чарчаганман, ишхонадаги ташвишларим ҳам етарли ўзи. Менга ҳозир тинчлик керак.

«Тавба, мен билан икки оғиз гаплашгани оғринади-я, иш деганн одамдан ҳам азизми? Илгари одамлар яшаш учун ишлаган бўлса, энди ишлаш учун яшашяптими?» деб ўйлаб ўксинди. Кўнглининг туб-тубидан бир исён қалқди.

«Ҳеч ким ишидан ортмайди, мен ҳам одамман ахир, менгаям озгина меҳр беринглар», деб бақириб-чақиргиси келди. Аммо индамай қилди.

* * *

Бефайз кунларда йилт этган қувонч йўқ. У шарпадек сирғалиб ҳовлида айланиб юраркан омборхона вазифасини ўтайдиган кичкина ҳужрага беихтиёр кўзи тушди. Қизиқ, ҳар доим қоронғи кўринадиган ҳужранинг дарчасидан ёруғлик таралиб турарди. «Эрталаб кимдир кирган бўлса, чироғини ўчирмай кетгандир-да, бориб ўчириб келай», деган ўйда ўша ёққа юрди. Яқинлашганида ёруғлик ғойиб бўлганини кўриб, юраги «шиғ» этиб кетди ва юрагига тушуниксиз ваҳима ўрнашди.

Ундаги ўзгаришни Суҳробдан аввалроқ қайнотаси пайқади.

— Ҳа, қизим, безовта кўринасан, — деди у.

— Билмасам, нимагадир кўнглим ғаш, — деярли пичирлаб жавоб қайтарди Лобар.

— Зериккандирсан-да, Суҳроб билан Бўстонлиқ тарафларга бориб, дам олиб келсаларинг бўларди.

Лобар елкасини қисиб, эрига жавдираб тикилди. Кўзларида «Ростдан ҳам бир айлантириб келсангиз-чи», деган илинж бор эди.

— Бир-икки ҳафтада битадиган муҳим ишларим бор. Шуларни ҳал қилай, кейин икки-уч кунга бориб келармиз, — деди Суҳроб дадасига қараб.

— Ҳа, шундай қилинглар, Лобархон уйда бир ўзи ўтиравериб, зерикади-да, — дея дуога қўл очди қайнота: — Илоҳим, бахтинглар бутун бўлсин, икки дунё саодатига эришинглар.

Қайнотасининг таскинидан сўнг кўнгли кўтарилди.

* * *

Нонушта маҳали қайнонасининг чеҳраси очиқдек кўринди. Пайтдан фойдаланган Лобар уйда бир ўзи зерикаётганини айтиб, кўнглини очди. Қайнонасининг: «Дугоналарингиз билан учрашинг, қизларни уйга меҳмонга чақиринг. Зерикиб ўтирасизми?» дейишини кутганди. Лекин қайнона бутунлай бошқача гап айтди:

— Ҳа, энди кўпчиликнинг ичида ўсгансиз, шунга ёлғизликдан сиқилаётгандирсиз-да. Ҳадемай, ҳаммасига кўникиб кетасиз.

Лобар сўзсиз бош эгди.

* * *

Тушлик тайёрлаётиб, кўнгли алланечук энтикди ва ҳовлига чиқиб, беихтиёр ҳужрага қаради. Қаради-ю, юраги увишди. Ҳужра дарчасидан кечагидан ҳам ёрқинроқ нур таралиб турарди. Жувоннинг эти жимирлаб кетди. Қўрқа-писа қўлини халатининг чўнтагига тиқди. Аксига олиб, телефони ичкарида қолган экан. Юраги гурс-гурс уриб, ошхонага қайтиб кирди-ю, телефонга ёпишди.

— Алло, Суҳроб ака, қўрқиб кетяпман, тезроқ келинг, — деди ҳансираб.

Суҳроб шивирлаб жавоб қайтарди:

- Тушунмадим. Ҳозир йиғилишдаман. Кейин қўнғироқ қиламан.

Телефондан қисқа гудок эшитилди. Жувоннинг аъзойи бадани музлаб, пешонасидан совуқ тер чиқди. У курсига ўтириб қолди.

«Ишлари ҳам бор бўлсин. Мени бир ишчалик қадрим йўқ экан-да бу уйда», деган ўйда деразадан ҳужра тарафга мўралай-мўралай овқат пиширди. Ҳаммаёқ жимжит. Ҳужрадан таралаётган нур ғойиб бўлганди.

Тушлик маҳали қайнотаси унга синчков кўз ташлаб:

— Лобархон, мазанг йўқми, қизим? — деб сўради.

Жувоннинг кўзига ёш қалқди:

— Билмасам...

— Бирор нимадан сиқилаётган бўлсанг, тортинмай айтавер, энди бу хонадонга бегонамассан.



— Нимадан ҳам сиқилардим, дадажон?..

Лобар «култ» этиб ютиниб, қайнотасининг ёнидан узоқлашди. Бўғзига аччиқ йиғи тиқилиб, кўзлари ёшга тўлди. Бир кўнгли, кечадан бери ҳовлида содир бўлаётган ғалати воқеани қайнотасига айтиб бермоқчи бўлди-ю, лекин дарров фикридан қайтди. Чунки кечқурун Суҳроб: «Бу гапни менга айтдинг, бошқаларга гапириб юрма, томи кетганми, деб ўйлашмасин, тағин», деганди.

Жимгина тамадди қилишди.

— Бирор жойинг оғриётган бўлса, ойингга айт, дўхтирга олиб боради, — деди қайнотаси орадаги жимликни бузиб.

— Хўп бўлади, дадажон.

— Икки-уч кундан бери шаштинг паст. Ё... Суҳроб уришиб-нетиб хафа қиляптими?

— Йўғ-э, дадажон, ўзим шунчаки, бекорчиликдан сиқилиб кетяпман.

— Бўлмаса, кечқурун ойингга айтаман. Ҳунар ўргатадиган курслардан бирортасига кириб ўқигин, кўпчиликка қўшилсанг, бироз чалғийсан.

Жувон қайнотасига миннатдорлик билан тикилди.

— Раҳмат, дадажон...

— Энди сен ҳам қизимиз қаторидасан. Тортинмай, дадиллашиб юргин.

— Хўп бўлади.

Эртагаёқ ҳунар ўрганиб, бир ишнинг бошини тутадигандек туюлди. Ҳужра воқеаси хаёлидан кўтарилди.

Кун кеч бўлишини, қайнотаси тушликдаги гапни қайнонасига айтишини интизор бўлиб кутди. Аммо... Кечқурун қайнотаси гап очиши билан қайнонаси қошини чимириб:

— Қўйинг, беҳудага вақтини кетказиб нима қилади? Ҳадемай болалик бўлиб олса, зерикмай қолади, — деди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

Лобарнинг нафаси ичига тушди.

* * *

Суҳробнинг бир ҳафтада битадиган иши бир ойга чўзилди. Уйдагиларнинг бари ўз ишхонасининг ташвишларига ўралашиб кетишди. Суҳроб эрталаб кетганича ярим кечаси кириб келади. Қайнотаси гоҳида тушликка келмай қолади. Дугоналари ҳам, опалари ҳам Лобарни йўқламай қўйган. Бир-икки марта келинойисига қўнғироқ қилганди, очилиб гаплашмади. Телевизорга чалғий деса, хиёнат, алдаш ва алданишлар ҳақидаги сериаллар дилини баттар хуфтон қилади. Ҳувиллаган ҳовли ютаман, дейди. Кўзгуга

қараса, ҳатто ўзи ҳам ўзига бегонадек кўринади. Ўзини тобора кўринмас шарпага айланиб бораётгандек ҳис қилади. Энди фарзандлик бўлишни ҳам орзу қилмас, юрагини тушкун бир кайфият эгаллаб борар, негадир кўнгли аввалгидек суҳбатдош истамай қўйган

* * *

Уйларни тозалаб, ортиқча лаш-лушларни ҳужрага олиб кирди. Кирди-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Қизиқ, чироқ ёнмаган бўлса-да, ҳужра ичи жуда ёруғ, анвойи гуллар билан безатилган эди. Оёқ остида майин майсалар тебраниб турарди.

Тенгсиз гўзал боғ ичига кириб қолгандек эди. Атроф чаманзор-у, тағин майда-майда, оппоқ қор ёғар, энг қизиғи, қор парчалари Лобарнинг баданига сингиб кетаётганди. Бу ҳолат жувонга ўзгача завқ бағишлар, энтикиб атрофга термиларди. Бир чеккада анвойи гуллар билан безатилган бешик эътиборини тортди. Унга яқинлашиб авайлаб силаб кўрди. Кўнглини ажиб бир шодлик қамраб олди. Юраги ҳаприқиб, бир четга ўтиб ўтирди.

Уни кимдир чақираётганини эшитиб, чўчиб кўзини очганда, ҳужра бурчагидаги қоғоз қутига бошини қўйиб ухлаб қолганини англади. Сакраб ўрнидан туриб, эшикка отилди.

Чақираётган Суҳроб экан:

— Лобар! Қаердасан?

— Мен, бу ёқда эдим.

— У ерда нима қиляпсан? Аҳволингга қара, мунча чангга ботиб кетибсан?

— Мен... ҳалиги... — дудуқланди жувон. — Суҳроб ака, айтсам ишонмайсиз, шундоқ ҳужрага кирсам, ҳамма ёқ чаманзор.

Суҳроб хотинига масхараомуз кўз ташлади:

— Қўйсанг-чи, Лобар, бу гапни бошқа биров эшитса, жинни чалибди, деб ўйлайди. Киприкларинггача чангга ботибсан-ку, бор, юз-қўлингни ювиб ол.

Жувон кўзларини катта-катта очиб, гаплари ростлигига эрини ишонтиришга астойдил уринди. Лекин қанчалик ҳаракат қилмасин, Суҳроб унинг гапига ишонмади. Аксинча:

— Қани, юр-чи, чаманзорингни бир кўрай... — деб Лобарни калака қилиб кула бошлади.

У эридан қаттиқ ранжиди. Аммо индамади.

* * *

Ўзига яхши эрмак топганидан хурсанд эди. Уйдагиларни ишга кузатгач, дарвозани қулфлаб, ҳужрага кирар, у ерда соатлаб ўтирса ҳам зерикмас, телефон қўнғироғими ёки дарвозанинг тақиллаши



ёқимли бўлса, уни йўқлагувчи одамни ёмон кўриб кетарди. Ҳаётининг бирдан-бир мазмуни мана шу ҳужра ва бу ердаги анвойи гуллар эди. Бу гуллар бошқаларга эмас, айнан унга кўринаётгани кўнглига ўзгача шукуҳ берар, бу ҳақда бировга айтишни-да истамас, ҳатто ҳужрани бошқалардан қизғана бошлаганди.

Қайнотасига тушлик тайёрлайдиган вақтида жувон истар-истамас ҳужрадан чиқиб, апил-тапил овқат пишириб, у ёқ-бу ёқни йиғиштирар, қайнотаси тезроқ келиб, тезроқ кетишини истарди.

— Сезяпсизларми? — деди қайнотаси бир куни кечки овқат пайтида. — Лобархон озиб кетяпти. Ранги ҳам аввалгидек эмас. Мазаси йўқ, шекилли.

— Тўғри айтасиз, — деб бу гапни маъқуллади қайнонаси. Сўнг Суҳробга юзланди: — Эртага дўхтирга бориб, текширтириб келинглар.

— Фақат эртагамас, ойи, — хотинига узрли қараб қўйди Суҳроб. — Ҳозир ишларим шунақа кўпки, бош қашишга вақтим йўқ.

— Мен касал эмасман, хавотирланмай ишлайверинглар, - деди Лобар.

Унинг овозида аввалгидек ийманишдан кўра кўпроқ бепарво, совуқ ифода билиниб турарди.

Қайнонаси Суҳробга, қайнотаси эса қайнонасига маъноли қараб қўйишди. Шу билан Лобарнинг саломатлиги ҳақидаги гапга нуқта қўйилди.

* * *

Эрталаб Лобар алланечук ҳаяжон билан уйғонди. У ўзгача иштиёқ билан ҳужрага ошиқарди. Бамайлихотир ўтирган қайнонасига икки-уч марта безовта қараб қўйди.

— Бугун уйда қоламан, ишлари ҳам қуриб кетсин, жуда чарчадим, озгина дам олмасам бўлмайди, - деди қайнонаси норози маҳали.

Лобарнинг энсаси қотди. «Ишига кетавермайдими, нима қилади уйда қолиб. Энди куни билан менга бошоғриқ бўлади», деб ўйлади.

Қайнонаси у ёқ-бу ёқдан бироз гаплашиб ўтиргач:

— Озгина ухлайман, - деб ётоғига кириб кетди.

Келин енгил тортиб, ҳужра тарафга мўралади. Негадир юраги гаш тортди. «Бугун ҳужрага кирмайман, - деди у ўзига ўзи. - Қайнонамга бор гапни айтишим керак».

Тез-тез соатга қараб, қайнонасининг ётоқдан чиқишини кута бошлади. Ичида биров «Юрсанг-чи, ахир шундай гўзалликдан бебаҳра қоласанми?» деса, бошқа биров, «Гўзаллик ортида хатар

бор», дегандай бўларди. Лобар уйга кирди, эшикка чиқди. Бир неча марта ошхонага кириб, артиб тозаланган газ плитасини қайтадан артди. Ҳужрага кириш истаги уни тинмай таъқиб этаверди. Одамнинг ўз-ўзи билан олишиши, ўзига, истакларига қарши чиқиши бунчалик мушкул эканини у авваллари сира ўйлаб кўрмаганди. Соат миллари 11.00 ни кўрсатганда Лобар айвонга чиқди-ю ҳайратдан қотиб қолди. Ҳар куни ҳужрани эгаллайдиган чаманзор энди ошхонагача бўлган йўлакни қоплаб олганди. Гуллар, уларнинг остида жилдираб оқаётган сувлар, гулдан гулга қўниб учаётган оқ, сариқ ва яшил рангли капалакларнинг чиройи бетакрор. У ортиқ бардош беролмай, маҳбубининг бағрига ошиққан маъшуқадек юраги сел бўлиб ҳужра сари қадам ташлади.

Гулу, майсалардан пояндоз тўшалган йўлакдан бораркан, измини буткул кўнгил истакларига топширди. Шу тобда опа-акаларини ҳам, Суҳробни ҳам буткул унутганди. Ошхона рўпарасида оёғидаги шиппаги ечилиб қолганини ҳам сезмади.

Ҳужрага киргач, чиройли зинага кўзи тушди. Ажаб, зина айвоғида шифтга гулчамбар осилганди. Битта-битта босиб зинадан кўтарилиб, гулчамбарга қўл чўзди. Уни аста бўйнига илди. Чиройлироқ кўриниши учун икки марта айлантирди. Шу маҳал қорнининг пастки қисмида бир нима қимирлагандек бўлди. Жувоннинг миясига «Наҳотки ҳомиладор бўлсам», деган ўй урилди. Беихтиёр қорнини ушлади. Шу маҳал димоғига зах ҳиди урилиб, бирдан ҳаво етишмай, нафаси қайтди. Шунда... во дариғ, даҳшатдан қичқириб юбораёзди: у ўзини осишга чоғланаётганини англади. Оёғи тагида омонат тахланган қутилар лопиллаб турарди. Шоша-пиша сиртмоқни олиб ташлашга уринди. Лекин энди буни уддалай олмасди. Салгина ортиқча ҳаракат қилса, оёғи остидаги қутилар қулаб кетиши тайин. «Ҳомилам бор экан... Ҳомиладорман! Наҳотки, ўзимни ҳам, боламни ҳам нобуд қилсам», деб ўйлади. Юраги сирқираб кетди. Манглайини муздек тер босди. Қайнонаси уйдалигини эслаб, жон аччиғида бақириб юборди:

— Ойижон!!!

* * *

Қулоғига аллақандай товушлар эшитила бошлади:

- Нима бўлибди ўзи? - дерди кимдир ваҳимали шивирлаб. - Бир яхши яшаб юрувди-ку. Қаердан йиқилибди?

- Уйида бирор гап ўтгандир-да. Қайнонаси ҳам анойимас, - деди бошқаси.

Кимдир норози тўнғиллади:

- Ҳамманинг иши бошидан ошиб ётганда, қилган ҳунарини кўринг буни.



- Жим, эри келяпти.

Лобар кўзини базўр очиб атрофга қаради. Юзларида ваҳима ифодаси қотиб қолган ака-опалари унга термилиб туришарди. Кунлардан бери атрофида ака-опаларининг йиғилиб туришини истаб қилаётган Лобар шу лаҳзада негадир уларнинг меҳрини ҳис қилмади. Улар мажбурият юзасидангина бу ерга йиғилгандек эди.

Юзини деразa тарафга бурди.

- Лобар, яхшимисан? - деди Суҳроб унинг тепасига келиб.

Жувоннинг юзидаги ифода ўзгармади. Суҳроб унинг ёнига ўтириб, қўлини кафтлари орасига олди:

- Лобар, бирор нима десанг-чи.

- Суҳроббек, нима гап бўлувди ўзи? - деб унинг гапини бўлди Лобарнинг катта акаси куёвига ёвқараш қилиб.

- Ҳеч гап бўлмади, ака.

- Бўлмаса, нимага бу аҳволга тушади? Яхшиям қудахолам уйда экан. Бўлмаса, синглимиздан ажралиб қолардик.

Жувоннинг туси ўзгармади.

- Ўшанда гапларингга ишонмабман, — деб сўзлашда давом этди Суҳроб. — Сенга суянчиқ бўлиш ўрнига, устингдан кулибман, мени кечир. «Ишим кўп», деб юраверибман-у, сен ҳақингда ўйламабман. Энди сира ёлғизлатиб қўймайман, мана кўрасан.

- Уни ўз ҳолига қўйинг, куёвбола, - деди Лобарнинг опаси таҳдидли товушда. - Қилар ишни қилиб қўйиб, тағин ялтоқланишингизни қаранг. Уялсангиз бўларди! Бизга ўзи шу ташвиш етмай турганди.

Лобарнинг юрагида нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Жигарбандлари шу ерда ҳам ўз иши ҳақида ўйлаётгани кўнглига оғир ботди.

Шу маҳал:

- Шовқин солманглар, беморга тинчлик керак, - деган овоз эшитилди. - Бояқишнинг саккиз ҳафталик ҳомиласи бор экан. Жониям худо бир асрабди. Ҳозир дам олиши керак!

Лобар овоз келган тарафга кўз қирини ташлади. Лўппи юзли тўладан келган ҳамшира унга куюнчаклик билан қараб турарди. «Саккиз ҳафталик экан», деган ўй жувоннинг кўнглига иliқлик иниб кирди. Юзига ним табассум югурди.

* * *

Уни ўн кундан кейин уйига олиб келишди. Дарвозадан кираётиб, юраги ғаш тортиб, ҳужра тарафга қаради. Баланд ойнабанд уй ёнидаги омборхона садоқатли ва хокисор хизматкордек мунғайиб турарди. Лобарнинг кўзларига мунг соя ташлаб, тўхтаб қолди. Шу пайт қорнидаги ҳомиласи сезилар-сезилмас қимирлаб белги

берди. Беихтиёр қорнини силаб қўяркан Лобар ҳаётига ажиб бир мазмун киргандек миийиғида кулиб, ичкарига дадил одимлади.

## УНУТИЛГАН АТИРГУЛ

Бугун биринчи марта у ич-ичидан аламли оғриқни ҳис этди. Еру осмонга сиғмаётгандек бўлиб, дунё кўзига тор кўринди. Биринчи марта ҳаётдан, одамлардан кўнгли қолди. Уйига кела солиб, хонасига кирди-ю, хонтахта ёнига солинган кўрпачага ўзини ташлади. Деразадан тушаётган ёруғлик ҳам кўзига хунук кўриниб кетди. Жаҳл билан ўрнидан туриб, дарпардани туширди. Тахмондан битта кўрпани олиб, бошини ўраб ётиб, кўзини юмди. Кўз олдида майда-майда рангин нурли зарралар пайдо бўлди. «Ҳеч нарсани кўришни истамайман», деб ўйлади зарда билан. Аммо кўзини маҳкамроқ юмгани сайин нурли зарралар сони ортиб бораверди. Қулоғининг остида эса дугонасининг гапи тинимсиз айланарди: «Сен ҳам бир қариқиз бўлсанг».

Қариқиз... Ойқиз атрофдагилар уни шундай атаётганини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Эрталаб нонушта маҳали дугонаси қўнғироқ қилди. Одатда, иши тушмаса, Нигора уни йўқламасди.

— Ой... — деди у ташвишли овозда. — Илтимос, бугун кўришайлик. Сенда жуда зарур гапим бор.

Ойқиз ҳеч кимнинг илтимосига йўқ демасди.

— Тушгача бўшамайман, Нигор, тушликда кўришармиз, — деди у.

«Бошқаларга кераклигингни ҳис қилиб яшаш ҳам бахт», деб ўйлади у Нигора билан гаплашгач.

Тушда келишилган жойга бориб, Нигоранинг авзойини кўрди-ю, қўрқиб кетди.

— Нима гап, нега бунча хомушсан?

— Нимасини айтай? Шу десанг, бир иш бошлагандим, сал ўхшамай турибди, — деб пешонасини тириштириб жавоб берди дугонаси.

— Нима иш экан?

— Бир йигит бор эди, менга уйланишини хоҳлардим.

— У истамаяптими?

— Йўқ, гап бундамас.

— Бошқа қиз бораканми?

— У уйланган.

Дугонасига хавотирланиб тикилиб турган Ойқизнинг тусии ўзгарди:



— Эснинг жойидами?! Уйланган эркакни бошингга урасанми?!

Нигора унга бир қараб олгач, гапида давом этди:

— Ажрашаман, деганди. Хотини ҳомиладор бўлиб қолганини. Болани рўкач қилиб, ажрашишга кўнмаётганмиш... — Нигора асабий қўл силтади. — Энди, Мардон акам мендан воз кечишни... Қариндош-уруғлариям «Хотинингни демасанг, бордиларини йиғиштирамиз», дейишибди...

— Тўғри айтишибди, — деди Ойқиз.

Нигора йигитининг ёнини олишга ошиқди:

— Хотинида кўнгли йўқ-да.

— Баҳонани қаранглар, — деди Ойқиз тутақиб. — Кўнгли бўлмаса, нимага уйланади?! Уйланмасин эди, ота-онаси: «Шу қизга уйланмасанг, бўғиб ўлдирамиз сени», дейишмагандир ахир.

Нигора кўзларини катта-катта очиб, Ойқизга тикилиб қолди. Юзида ғалати, кинояли ифода пайдо бўлди.

— Сени ўртоғим деб дардимни айтсам-у, гапираётган гапингни қара.

— Менга қара, — деди Ойқиз муросали оҳангда. — Бир яхши оилang бор эди. Эринг ҳам кўнглингга қарарди. Гулдай рўзғорингни барбод қилиб, эринг билан ажрашиб кетдинг.

— Қайнонам ўлгур ўғлини қизғанавериб, менга кун бермади-да.

— Битта қайнонангнинг кўнглини олганингда, олам гулистон эди.

Нигоранинг ранги ўзгарди:

— Ойқиз, менга насиҳат қиляпсанми?

— Мундоқ танангга ўйлаб кўр, дунёга келаётган бир фарзандни туғилмасидан тирик етим қилмоқчисан? Бу яхшимас. Уларни тинч қўйишинг керак. Яхши ният қилиб турсанг, насиб этса, яхши йигитни учратарсан.

Нигоранинг зулукдек қошлари чимирилиб, лаби билинар-билинмас титраб, Ойқизга ёвқараш қилди.

— Ўзи одам деб сени бу ёққа чақирган мен аҳмоқ. Сендан бошқа ўртоқларим ҳам йўқ эмасди. Шу, сен ҳам бир қариқиз бўлсанг, мени тушунарсан, деб ўйлабман.

Ойқизнинг бошидан кимдир бир челак қайноқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Нигорага тикилиб, сўзсиз қотиб қолди.

— Ҳа, нимага анграясан? — деди Нигора тусини ўзгартирмай.

— Қариқиз дедингми?

Нигоранинг юзида кинояли табассум ўйнади:

— Ўзингни ҳалиям ўн саккиз яшарман, деб ўйлаётувдингми?! Ёшинг ўттизга яқинлашяпти, қари қиз бўлмай, нимасан?!

Ойқиз ўрнидан турди-ю, дуч келган тарафга югуриб кетди. Назарида, атрофдагиларнинг бари уни қўли билан кўрсатиб «Қариқиз. Қариқиз! Қариқиз!!!» деяётгандек эди.

«Энди мен қариқизманми?» Йиғлайверганидан Ойқизнинг ёстиғи ҳўл бўлиб кетди. У бу таънани бошқа бировдан кутса ҳам, Нигорадан кутмаганди. Ахир унинг озмунча ташвишларига шерик бўлмадими... Нигора ҳар сафар кўзида ёш билан келиб, Ойқизнинг олдидан юзида табассум билан чиқиб кетмасмиди?!

«Буни қара-я, чиндан ҳам ёшим ўттизга яқинлашиб қолибди», деб ўйлади у.

Авваллари синфдош қизларнинг, сўнг курсдошларининг тўйларида юраги алланечук энтикиб, ширин орзуларга берилarди. Лекин эшигидан кириб келган совчилар юрагига илиқлик солмади. Бир йигитни ёқтирганди. У совчи юбормоқчи бўлиб турганда Ойқизнинг бувиси қазо қилди. Онаси бир йил аза тутди. Азанинг андишаси қаттиқ, шу боис азадор эшикка совчилар бўйламайди.

Кейинги йили йигит совчиларини юбормоқчи бўлиб турган паллада Ойқизларнинг эшигини яна ажал чертиб ўтди. Бу сафар бўй етган акасидан жудо бўлишди. Ойқиз акасига суяниб қолганди. Бу жудоликдан кейин у ҳам, онаси ҳам анча пайт ўзига келолмади. Шундан кейин онаси ўрнидан туролмай ётиб қолди. Йигитнинг уйидагилари бошқа эшикка совчиликка боришди.

«Бу йигит тақдиримда йўқ экан», деб Ойқиз ўзини овутди. Ишига боши билан шўнғиб кетди. Кейинчалик синфдош дугоналари фарзандларини кўтариб юрганини кўрганда, юрагини ажиб бир ҳавас тирнаб ўтарди. Бора-бора тенгдошларига эътибор бермай қўйди. Ташвишлари ўзига етарли эди. Онаси ҳалиям тўшакка михланиб ётар, укалари эса бўй тортиб боришарди. Ойқиз дадасига елкадош бўлиб уларни уйли-жойли қилди.

* * *

Эшик тақиллади. Йиғидан қовоқлари шишиб кетган Ойқиз бошини кўтарди-ю, яна ўзини ёстиққа ташлади. Назарида, эшик ҳам ҳар зарбла гўё: «Қариқиз, қариқиз, қариқиз», деяётганга ўхшарди.

— Опа, сизни сўраб келишибди, — деган товуш эшитилди эшик ортидан.

— Опа, очақолинг, ахир меҳмон кутиб қолди, — деди кичик келини Муниса мулойим товушда.

Ойқиз бошини базўр кўтарди. Ним қоронғи хона кўзига мозордек совуқ кўринди.

— Ким экан? — деди бўғиқ товушда.



— Насиба опа бор-ку, ўртоғингиз, сизни йўқлаб келибди.

«Қизиқ, — деб ўйлади Ойқиз. — Бу пайтда ишда бўлишимни биларди-ку. Нимага келдийкан?» У истамайгина эшик зулфинига қўл чўзди. Худди шуни кутиб тургандек, Насиба кириб келди ва қучоғини очиб:.

— Қалайсан, Ойқиз? — деди. Юзидаги табассум ўрнини ташвишли ифода эгаллади: — Вой шўрим, аҳволингни қара... Нима бўлган сенга?

— Ҳеч нима, кел, дугонажон, — синиқ жилмайди Ойқиз.

— Шу десанг, бугун сени кўргим келди. Ишхонангга қўнғироқ қилсам, «Тушликка кетиб, қайтиб келмади», дейишди. Қўлингдаги телефонни ўчириб қўйибсан.

Насиба одатдагидек самимий гапирар, куюнчаклиги ҳам ўзига ярашиб турарди.

— Нима бўлди, Ой, бирор жойинг оғрияптими? — деди Насиба гапида давом этиб.

— Ҳеч нима, юрагим сиқилиб кетяпти, — деб жавоб берди Ойқиз ҳазин товушда.

Бу жавоб Насибани қаноатлантирмади. Ингичка қайрилма қошларини чимириб, мунчоқдек тим қора кўзларини синчковлик билан дугонасига қадади:

— Сени яхши биламан, Ой, унча-мунчага дийдиё қилиб, кўз ёши тўкиб ўтирмайсан. Тўғрисини айт, биров бир нарса дедими?

— Кел, шуни эсламайлик, — деди Ойқиз. Сўнг ўзи ҳам сезмаган ҳолда нега сиқилаётганини ўртоғига билдириб қўйди: — Мен бир қариқиз бўлсам. Ҳа энди, дарди ҳасратим ҳам шунга яраша бўлади-да.

Насибанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

— Нима?! Ким айтди сенга бу гапни?

Ойқиз беҳафсала қўл силтади:

— Қўявер.

— Нигора билан кўришдингми?

— Нимайди?

— Бунақа гап фақат ундан чиқади. Нигора шунақа дедими сенга?!

Бир нуқтага термилиб ўтирган Ойқиз дугонасининг гапига жавоб қайтармади. Унинг мижжалари тўла ёш эди.

— Ҳа, — деди Насиба қатъий оҳангда. — Сенга бу гапни ўша айтган.

Ойқиз бошини кўтарди:

— Рости ҳам шу эмасми, Насиба?

— Йўқ, рости бу эмас! — деб кескин бош чайқади Насиба. — Сен қариқиз эмассан, биласанми шуни?!

— Қўйсанг-чи.

— Қиз боланинг қариси бўлмайди. Ўтирган қиз ўрнини топади!

Ойқиз синиқ жилмайиб бош ирғади.

— Кўп куюнма. Кел, бошқа гаплардан гаплашамиз.

— Эсингдами, синфимизда ҳаммадан чиройли қиз эдинг, гапида давом этди Насиба. - Партангдан ҳар куни бир-иккита хат топардик. Сен уларнинг ҳеч бирига парво қилмасдинг. Бола шўрликлар хат ёзиб-ёзиб, охири: «Ойқиз бизни назарига илмайди», деб умидини узишди.

Ойқизнинг кўз олдига болалиги келди. Онаси уни «Менинг гўзал қизим, Ойқизим», деб эркаларди. У онасининг гапига ишониди. «Мен ҳаммадан чиройлиман», деб ғурурланиб ўйларди тенгдошларига қараб. Бошини баланд кўтариб, онаси майдалаб ўриб қўйган сочларини силкиллатиб юрганида унга ҳамманинг ҳаваси келарди.

— Эсингдами ўша хатлар, Ой? — деди Насиба унинг хаёлини бўлиб.

— Ҳа, эсимда, — дея жилмайди Ойқиз.

— Қара, кулиб туришинг бирам чиройлики. Сенга хўмрайиш мумкин эмас. Ой қовоғини солса, оламни зулмат қоплайди-я, дугонажон.

Насиба жарангдор товушда кулиб юборди. Унинг кулгиси Ойқизга ҳам юқди. Шундан сўнг гап гапга уланди. Ойқизнинг кўнглидаги ғуборлар тарқалди. Икки дугона ҳовлига чиқишди. Муниса сўрига жой тайёрлаб қўйган экан, бориб ўтиришди. Сўрининг атрофига райҳонлар, атиргуллар экилган бўлиб, ҳаммаси ўзича бўй таратиб турарди. Фақатгина кунботар тарафдаги бир туп атиргулгина эътибордан четда қолган, унга чирмовуқ ва печак гуллар чирмашиб кетганди.

— Ойқиз, нега манави гулга қарамагансизлар? — деди Насиба атиргулга ишора қилиб. — Қара, ўзи жуда чиройли экан-у, печак ўраб кетибди. Шўрликнинг гули ҳам кўринмаяпти-я.

— Буни қара, уни унутибмиз.

Насиба гулга қараб, ачиниш билан бош чайқади:

— Бечора атиргул, бағрикенглик қилиб, печак гулларини яхши ўсишига ёрдам берибди-ю, ўзи ўсолмай қолибди. Унга чирмашиб олган печакгуллар эса энди уни назар-писанд қилмаяпти, — у шундай дея Ойқизга ялт этиб қаради: — Хафа бўлмайсанми, бир гап айтсам?

— Хафа бўладиган гапни аллақачон эшитиб бўлганман, гапиравер, — деди Ойқиз кулимсираб.



— Шу гулни айтаман, тавба, сенга ўхшайди-я.

Ойқиз ҳеч нарсага тушунмай, таажжуб билан сўради:

— Нега?

— Онанг, даданг, укаларингнинг ташвиши сени манави печак гуллек ўраб-чирмаб олган.

— Қўйсанг-чи, — деди Ойқиз юзи қизариб.

Насиба кулимсираб ўрнидан турди-да, сўридан тушиб, атиргул тарафга юрди:

— Бу бечорани печакгуллардан қутқариш керак.

Бироздан кейин қип-қизил очилган атиргул бошини сарак-сарак қилиб атрофга ифор таратди. Ойқиз атиргулнинг бир неча ғунчалари печак гуллар остида қолганини энди кўрди.

— Қара, роса ғунчалаган экан-а? — деди ҳайрат билан.

— Ҳа, гуллар унутилса ёмон.

Сўрига чиқиб ўтиришгач, Насиба тараддудланиб Ойқизга бир-икки қараб олди.

— Ойқиз, бугун сени нега қидирганимни биласанми? — деди у сирли кулимсираб.

— Нимага қидиргандинг?

— Синфимиздаги Зуфар бор эди-ю, эсингдами?

— Анави охирги партада ўтириб, зўрға уч баҳога ўқийдиган болами?

— Ҳа, ўша. У ҳозир архитектор экан. Шунақа чиройли иморатлар қуряпти, кўрсанг, оғзинг очилиб қолади.

— Йўғ-э.

— Ҳа, чет элда ишлаб келибди, кейин институтда ўқиб, ишларини йўлга қўйибди. Лекин ҳали уйланмабди. Болалигидан бери кўнгли сендамиш. Турмушга чиқмаганингни эшитибди. «Бир гаплашиб кўр, Ойқиз нима деркин?» деяпти.

Бу гапни кутмаган Ойқизнинг ёноқлари қизарди.

— Ҳазили йўқ. Зуфар сен билан кўришмоқчи. Учрашиб кўр, дугонажон, ўзи жуда ақлли йигит бўлган. Балки... Ахир, шунча йил фақат сени ўйлаб, уйланмай юрган-а.

Ойқизнинг кўз олдига синфдоши Зуфар келди. Мактабда ўқиб юрганида энг кўп мактубни шу йигитдан олганди. «Наҳотки шунча йилдан бери мени унутмаган бўлса», деган ўй кўнглидан ўтиб, юраги алланечук ёқимли туйғуларга чулғанди. Ўн саккиз ёшли қизлардек юзи қизариб, ерга тикилиб, дастурхон попугини ўйнай бошлади.

— Мен, билмасам...

Сал нарида эса анчадан бери унутилиб, қайта эсланган атиргул шамолда тебраниб, атрофга ифор таратарди.

## ҚЎРҚУВ

Кўримсизгина уйнинг айвони четида, тахтадек қаттиқ бир қаватли кўрпачада қунишиб ётган болакай ичкарига жавдираб қараб қўйди. Кўксининг чап тарафини ич-ичидан нимадир тирнагандек бўлди. Узун киприкли қоп-қора кўзларидан ҳадик мўралади. Бугун онасининг кайфияти яхшимас. Момақалдироқлар бошланиб, жала қуйишидан олдин босиб келадиган қора булутдек қовоғини уюб олган. Демак, дадаси келгач, жанжал бўлади. Нохуш ўйдан болакайнинг юраги бир сесканди. Аксига олиб, кечки овқатдан олдин қорнида бошланган билинар-билинмас оғриқ тобора кучайиб борарди. Болакай ҳозир бу ҳақда онасига айтолмаслиги аниқ. «Қорним оғрияпти», деб ҳам кўрсин-чи. Онаси: «Баҳона қилмай ўлгур, овозингни ўчир, бўлмаса, икки буклаб тандирга тиқиб қўяман», деб ўшқиради. Тўғри, болакай ҳали биров бировни тандирга тиқиб юборганини кўрмаган. Лекин, барибир, қўрқади. Онаси уни ҳовлининг бир четида устига эски тунукалар қалаштириб қўйилган, яхшилаб тикилганда, бошига тўн ташлаган азадор хотиндек мунғайиб турадиган тандирга икки буклаб тиқиб қўядигандек юраги увишади.

Қорнидаги оғриқ кучайган паллада онаси кириб кетган уйга яна бир бор ҳайиқибгина назар ташлади-да, сўнг ҳалиям йиғилмаган дастурхонга қаради. Офтобга ёйилавериб ранги униққан, у ер, бу ерига доғ тушган дастурхон устида иккита коса, жўмрагининг бир чети учган чойнак, ичи сарғайиб кетган иккита пиёла ва яримта нон турарди. Дастурхонни йиғиштириб қўйса, онаси хурсанд бўладигандек туюлди унга ва ўрнидан турмоқчи бўлганди, қорнидаги оғриқдан афти бужмайиб кетди. Офтобда қорайган ниҳжон қўли билан қорнини маҳкам чангаллади. Оғриқ камайди, бир қўли билан биқинини ушлаб, иккинчи қўлида дастурхоннинг бир четини қайириб, ноннинг устини ёпди. Оғриқ яна кучайди. Ичкарига қараб, онасини чақиришга оғиз жуфтлади-ю, лекин журъати етмай, кўрпачага қайта чўзилди. Икки букчайиб олганди оғриқ бироз камайди.

Шу пайт ичкаридан онасининг қадам товушлари эшитилди. Афтидан, синглисини ухлатиб, энди ундан хабар олишга келаётганга ўхшайди. Болакайнинг ичига ёруғлик кирди. Мана, ҳозир онаси келиб, уни уришиб-қарғаса ҳам қорнини уқалаб, ёғ суриб, боғлаб қўяди-да, жой солиб беради. Кейин кўрпага ўраниб, бир амаллаб ухлаб олса бўлгани, эрталаб уйғонгунча оғриқ ўтиб кетади. Болакай шуларни ўйлаб, умид билан эшикка термилди. Аслида онаси ёмон хотин эмас. Шу баъзида кимдандир жаҳли чиқса, у билан синглисини уриб-сўкиб хумордан чиққани ёмон, холос.



Болакай умидланиб эшикка қараб, кўзларини пирпиратди. Онаси айвонга чиқди. Болакай унинг юзидаги ғазабкор заҳилликни кўриб, калласини елкалари орасига тортди. Онаси дарвозага бир қараб олгач, ерда ярми йиғилган дастурхонга кўз ташлади:

— Уруғингга қирғин келгурлар, мени ажалимдан беш кун аввал ўлдиради булар, — деб қарғанди.

Болакай онасининг қарғишларидан қўрқмайди, чунки у кунича қарғаниб, бировларни лаънатлаб юради. Лекин ҳалигача маҳалладагилардан ҳеч бирини онасининг қарғиши урмаган. Болакай янаям қунишиб олди. Бугун онасининг феъли нимага айниганини у яхши билади. Дадаси ишдан кеч қайтса, уйларида ҳамиша жанжал бўлади. Бугун ҳам вақт алламаҳал бўлдики, дадасидан дарак йўқ. Кечки овқат вақтигача онасининг кайфияти ёмон эмасди. Яхшигина юрганди, қоронғи кира бошлагач, у ёқ, бу ёққа телефон қилиб, дадасининг қаерда юрганини сўраб-суриштирди. Аниқлай олмагач, бирдан авзойи бузилиб кетди.

— Самад! Нима қилиб ётибсан, яшшамагур?! Мундоқ ўрнингдан туриб, дастурхон ўлгурни йиғиштириб қўйсанг бўлмайдими?! Ҳе, текинтомоқлар, — онаси зарда билан жавраниб, коса-пиёлаларни бир-бирига уриб йиғиштира бошлади. — Отаси унда бир бало, боласи бунда бир бало! Вой, ўлмаган менинг жоним-эй, дунёга келиб, нима рўшнолик кўрдим-а? Нима рўшнолик кўрдим?! На элнинг хотинидек кийинмасам, на бошқалардек еб-ичмасам, қуриб кетсин. Бунақа турмуш қурибгина кетсин! Жуда бўлмаса, манави чой ичадиган пиёлам бутун бўлса экан. Қачонгача униққан кўйлак кийиб, лаби учган пиёлада чой ичаман-а?!

Қорнидаги оғриқ тобора кучайиб бораётган Самаднинг онасига раҳми келди. «Катта бўлсам, сизга энг чиройли кўйлаклардан олиб бераман, аяжон», демоқчи бўлди-ю, гапи бўғзидан ўтмади. Қорнидаги оғриқдан букчайиб қолди. Инқиллаб юбормаслик учун тишини-тишига босди.

Онаси қарғана-қарғана ошхонага кириб кетди. Тарақ-туруқ овозлар энди ўша ёқдан эшитила бошлади. «Дадамга аччиқ қилиб, чойнак-пиёлани синдирадиган аямнинг ўзи-ку, тағин бизни уришади», деб ўйлади болакай. Шу пайт қорнига кимдир пичоқ тиқиб олгандек бўлди. Самаднинг кўзидан ёш тирқираб чиқди. Тағин тишини тишига босди. Оғриқни унутиш учун осмондаги юлдузларга термилиб, уларни санай бошлади: «Бир... икки... анави бир тўда юлдуз катта чўмичга ўхшайди, уч...» Самад юлдузлар билан хаёлан дўст тутинган. Дадаси кеч келиб, уйларида жанжал бўлган кунлари уларга тикилиб ётиб, ухлаб қолади. Бугун ҳам эртароқ ухлаш учун кўзини чирт юмиб олди. Аммо ўзи сез-

маган ҳолда инқиллаб юборди. Сўнг чорасиз аҳволда юлдузларни санашда давом этди: «... тўрт, беш, олти, етти...»

«Аямни чақираман, қорнимни боғлаб қўйинг, дейман, — деб ўйлади оғриқ жонидан ўтгач. Лекин дарров фикридан қайтди: — Йўқ. Ҳозир дадамдан жаҳли чиқиб турибди. Қорним оғриётганини айтсам, баттар тутақади».

Болакай онасининг хушвақт онларини эслашга уринди. Ўтган йили дадаси унга каттакон ўйинчоқ машина олиб келганда онаси худди унга қўшилиб ўйнайдигандек суюниб кетганди. Бир ҳафта қўшниларига унинг ўйинчоқ машинасини мақтаб гапириб юрган. Аммо кимдир уни жаҳлини чиқарса, ёмон. Бир гал аммаси келиб, онаси билан уришганда, аммасига аччиқ қилиб, Самадни аямай савалаган. Ўшанда роса додлаган бўлса ҳам, калтак ўрни икки-уч кун оғриб, кейин билинмай кетган. Шундан кейин у онасининг савалашларидан қўрқмайдиган бўлди.

Унинг юрагида бошқа бир қўрқув яшайди: онаси билан дадасининг ажрашиб кетишидан, етимча бўлиб қолишдан чўчийди. Онаси ҳар сафар дадаси билан уришганда: Самад билан синглисига ишора қилиб: «Манави зормандаларни ташлаб кетвораман», деб дағдаға қилади. Ҳар гал шу сўзни эшитганда Самаднинг кўнгли бир қарич чўкади. Ана, қўшниси Халил аканинг невараси Жунайнинг ота-онаси ажрашиб кетишган. Онаси бошқа эрга теккач, Жунай тоғаларининг қўлида қолган экан. Ўзи Самаддан икки ёш катта бўлса ҳам, ҳали кичкина болага ўхшайди. Ҳаммага мўлтираб тикилади. Бировнинг молини боқади. Бировнинг боласига қарайди. Ҳатто бир марта Самад кирганда, Жунай жиянларининг сарғайган иштонини ювиб ўтирган эди. Ҳамма ишни қилса ҳам, тоғалари-ю, янгалари унга ижирғаниб қарашади. Отаонаси ажрашиб кетса Самад Жунайнинг куни бошига тушадигандек сесканиб кетади.

Оғриқ тағин кучайди. У қунишиб, кўрпачанинг бир четини устига тортиб олди. Кўрпачанинг тафти ўтдими, ишқилиб, оғриқ сал босилди. «Озгина чидаб турсам ухлаб қоламан», деб ўйлади у. Шу пайт дарвоза тарафдан қадам товушлари эшитилди. Сўнг дадаси томоқ қирди. Ичкаридан онаси чиқиб келди:

— Ҳа, эртароқ келибсизми?! Юравермайсизми, кўнглингизни хушлаб, — дея заҳарханда оҳангда дадасига пешвоз юрди у.

«Ҳозир уришиб кетишади. Энди жанжал бўлади. Ишқилиб, дадам пул олиб келган бўлсин-да, бўлмаса, ойим бугун бизни ташлаб кетворади», деган ўй ўтди Самаднинг кўнглидан. Қўрққанидан қорнидаги оғриқ ҳам эсидан чиқаёзди. Тунов куни дадаси билан жанжаллашганда онаси: «Охирги марта огоҳлантиряпман,



яна бир марта шунақа кеч келсангиз, сиз билан ажрашаман», деб шарт қўйганди.

Самад шундан бери жонини ҳовучлаб, дадасининг эртароқ келишини худодан сўрайди.

— Бирор марта одамга ўхшаб яхши гап билан кутиб олсанг бўлмайдими, а? — деди айвонга яқинлашган дадаси муроса оҳангида.

— Одамга ўхшаб, эртароқ келсангиз кутиб оладими? Болачақам бор, хотиним кутиб ўтиргандир, деб ўйламасангиз.

— Қўй, ҳадеб ғингшийверма, ўлгудек чарчадим, яхшиси, овқатинг бўлса, олиб кел.

— Ҳали қорним оч, деб раҳмимни келтирмоқчи бўляпсизми? Қайси кунжакдан чиқиб келяпсиз, ўзи?! Қай гўрларда санқиб юриб-юриб...

Дадаси овозини бир парда кўтарди:

— Ўчир овозингни, болалар уйғонади!

— Ундан баттар бўлмайдими, тўйиб кетдим бунақа ҳаётдан! Ҳе, мени сизга рўпара қилганнинг уйига ўт тушсин! Шу уйни ташлаб кетсам, қутуламанми?!

Самаднинг қорнидаги оғриқ биқинига ўтди. Белиям зирқираб оғрий бошлади. Кўнгли айниб, қайт қилгиси келди. Аммо лабини маҳкам қимтиб, дамини ичига ютиб ётаверди.

— Ташлаб кет! — деди дадаси ҳам алам билан.

— Кетаман, жавобимни беринг!

Дадасининг алами ғазабга айланди:

— Жавобингни берсам, суюнасанми? Йўқол, бунақа ҳаёт менинг ҳам ҳиқилдоғимга келди! Ҳозироқ даф бўл!!! Йўқолиб кет!

Самаднинг дами ичига тушиб, юраги увишиб кетди. Уйларида шу пайтгача жуда кўп жанжал бўлган, аммо дадаси ҳеч қачон бунақа демаганди.

— Кетаман, сиз ҳайдамасангиз ҳам кетаман, — деди онаси йиғламсираб. — Сиз билан ўтган умримга хайф. Эссиз ёшлигим. Эссиз умрим.

У эшикни тарақлатиб очиб, ичкарига кириб кетди.

Самаднинг товонигача музлади. «Тамом, энди Гулчирой иккаламиз Жунайга ўхшаб ҳар кимларга зор бўлиб юрамиз», деб ўйлади у. Шу маҳал бирдан кўз олди қоронғилашиб, ич-ичидан ўкчиқ келди. Қорнидаги оғриқ бутун вужудини эгаллаб олгандек эди. Аммо етим бўлиб қолмаслик учун оғриқни енгиб, ўрнидан туришга ўзида куч топди ва онаси кириб кетган уй тарафга икки-уч қадам ташлади.

— Дада, уришманглар. Ая, кетманг, бизни етимча қилманг, — деди у илтижоли товушда.

Шундай деди-ю, гапиришга бошқа куч тополмади. Боши айланиб кетди. Ичаклари ағдарилиб, бўғзига тиқилгандек бўлди. Кўз олдида майда юлдузчалар пайдо бўлди.

— Болага қарасанг бўлмайдими?! — деб бақириб юборди дадаси жонҳолатда.

— Яна нима гап?! — дея ичкаридан отилиб чиққан аяси Самадга қаради-ю, ранги бўздек оқарди.

Кейин онаси билан дадаси бир-бирига қараб яна алланималар дейишди. Унинг қулоғи том битгандек эди. Бир тарафдан онаси, бир тарафдан дадаси унга қараб югуриб келаётганини элас-элас илғади. Хаёлидан, «Аям ҳозир қорнимни ёғлаб қўяди. Кейин оғриқ ўтиб кетади», деган ўй ўтди.

Кўзини очганда деворлари оппоқ хонада ётар, оёқ тарафида аяси, дераза олдида дадаси турарди.

— Хайрият ўзига келди, дадаси, қаранг, Самад кўзини очди, — деди онаси жилмайиб.

Дадаси унга яқинлашди. Эшик очилиб, оқ халат кийган дўхтир кириб келди ва Самаднинг каравоти ёнига ўтириб, болакайнинг қўлидан ушлади:

— Бизни жуда қўрқитвординг-ку, шоввоз. Нега қорнинг оғриётганини аянгга айтмадинг, сал бўлмаса, кўричагинг ёрилиб кетарди.

Болакай ҳеч нарса демай, дадаси билан аясига қараб, кўзларини пирпиратди. Иккисининг кўзида ҳам ўзига нисбатан меҳрни туйди. Негадир онаси шу тобда доим қарғаниб юрадиган бадҳаҳл аёлга ўхшамасди. Болакайнинг кўнгли ёришди ва суюнганидан сал бежо ҳаракат қилди чоғи, биқинида оғриқ турди. Афти буришиб, кўзига ёш тўлди ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда бирдан овозини баралла қўйиб, бақириб йиғлаб юборди.

## ҚАЛДИРҒОЧЛИ УЙ

Бир ойдан бери Зубайда холанинг тоби йўқ. Ойнабанд айвонда осмонга тикилиб ётибди. Ташқарига чиқиб ҳовлини айлангиси келади, лекин чиқолмайди.

«Баҳор келди, қалдирғочлар келадиган пайт ҳозир», деб ўйлади у. Шу пайт иккита қалдирғоч учиб келиб, у ётган айвон деразасига урилиб-урилиб учди-да, рўпарадаги электр симига қўниб ич-ичидан тўлиб-тошиб сайрай бошлади. Зубайда хола диван четини ушлаб ўрнидан туриб, деразани очишга шайланди. Аммо ошхонага кириб кетаётган келинига кўзи тушиб, шашти пасайди.

Бир маҳал:

— Ойижон, тузукмисиз? — деган овоз эшитилди. Эшик олдида келини Ширин жилмайиб турарди. — Мен кетяпман, озгина ишларим бор. Ҳозир ҳамшира келаркан, Муштарий ҳам ҳадемай дарсдан қайтади.

— Яхши боринг, қизим.

Зубайда хола енгил нафас олди: «Хайрият, кетди. Энди ойнани очсам бўлади». У инқиллаб ўрнидан туриб, деразани очиши билан қалдирғочлар пир-пир учиб хонага киришди ва бир-бирига гал бермай чуғурлай бошлади.

— Хуш келибсизлар, қўшнилар, қанотингизда қут-барака келтирганингиз рост бўлсин, — дея шивирлади кампир қалдирғочларга термилиб.

Қалдирғочлар унга бироз тикилиб туришди-ю, яна ташқарига учиб кетишди.

У ўтган йили ҳам келинига билдирмай, хонасига қалдирғочларни киргизганди. Бир куни кимнингдир бешик тўйига бориб келгунча Ширин қалдирғочларнинг чала битган инини бузиб ташлабди.

— Вой, қизим, бу нима қилганингиз? — деганди ўшанда Зубайда хола.

— Булар ҳамма ёқни расво қилади. Бу уй-жойларни ўғлингиз зўрға шу ҳолга келтирдилар. Қалдирғочларнинг хас-хашаги, ахлатини тозалаб юришга вақтим йўқ, ойижон.

Зубайда хола ҳеч нима демади, аммо келинга билдирмай, деразани очиб қўйишни одат қилди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Фазлиддин унинг хонасига «Зима лето» деган совиткич ўрнатиб берди-ю, Ширин деразаларни тақа-тақ ёпиб ташлади. Зубайда хола дардини кимга айтишни билмай қолаверди.

Бу йил ҳам қалдирғочлар ташқарида, Зубайда хола ойнабанд айвон ичида бир-бирларига муштоқ бўлиб ўтиришибди. Келиннинг дийдаси юмшамаяпти. Унга қаттиқ-қуруқ гапиришга хола истиҳола қилади: «Беш кунлигим борми, йўқми? Қўй, дилини оғритмай», дейди ичида.

Шундай ўйлайди-ю, неваралари билан гаплашиб ўтиролмаган кезлари Шириндан хафа бўлиб кетади. Баъзида невараларига бошидан ўтказганларини ибратми, ҳикматми қилиб айтиб бергиси келади. Аммо ҳозирги ёшлар жуда ақлли, бувисининг гапини писанд этмайди улар. Зубайда хола билан гаплашиб ўтиришга уларнинг вақти йўқ.

Келин болаларини замонавий услубда тарбиялаётганмиш. «Услубингдан ўргилдим, болалар билан менинг ўртамга кўринмас девор бўлди, шу услуб ўлгуринг», деб ўйлайди Зубайда хола баъзида алам билан.

— Буви, бувижон!.. — ҳовлиқиб кириб келган Муштарийнинг авзойини кўрган Зубайда холанинг жони ҳалқумига тиқилгандек бўлди.

— Нима гап?!

Муштарий йиғлаб юборди.

— Ойим, машинада...

Зубайда хола касалини унутиб сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Нима қилибди ойингга?!

— Авария бўлибди.

— Аданг қаерда экан? Телефон қил-чи.

— Ҳозир гаплашдим, ойимни касалхонага олиб кетишибди. Адам ўша ёққа борарканла.

— Бу фалокат қаердан чиқди энди?

Зубайда хола очиқ қолган ойнани ёпишни унутиб, ташқарига чиқди ва ёқасини чангаллаб, у ёқдан-бу ёққа юраркан:

— Шу келиндан бекор дилим оғрибди. Ишқилиб, жони соғ бўлсин. Қалдирғочлар уйимизга ин қурмасаям майли, болаларининг бахтига келиним тузалиб кетсин, — дея пичирлай бошлади.

Орадан бир соатлар ўтгач, Фазлиддин қўнғироқ қилиб, Шириннинг жароҳати енгил эканини айтганда, холанинг кўнгли хотиржам тортиб, айвонга чиқди ва ўрнига чўзилди-ю, қувонишиниям, хафа бўлишиниям билмай қолди. Айвоннинг бурчагига қалдирғочлар ин қуришни бошлаб юборганди. Зубайда хола уларга қараб, чуқур хўрсинди. Чолини эслади. Раҳматли, қалдирғочларни кўриши билан, уйимизга барака кирадиган бўп турибди, деб хўп суюнарди. Уларнинг уйида ҳар йили икки-уч жуфт қалдирғоч ин қуриб, кўпайиб кетишарди. Шунгаям эллик йил бўлай деб қолибди. Эри тўғри айтган экан, ҳар сафар қалдирғочлар келганда, уйига қут-барака кираётгандек бўларди. Бора-бора қалдирғочлар Зубайданинг қувончига айланди.

Болалар улғайишгач, орзу-ҳаваслари ҳам шунга яраша бўларкан. Ўғли Фазлиддин дўхтир. Келини, неваралари ўзларича аллақайси чет тилларда чуғурлашиб гаплашиб қолишади.

Бир кун ўғли уйларни янгиламоқчи бўлаётганини айтиб маслаҳат солди.

— Энди замонга қараб иш кўрасан-да, болам. Мени беш кунлигим борми-йўқми, Худо билади. У ёқдан отанг имлаб қолса, индамай оёқ-қўлимни узатвораман. Бу уй-жой сеники. Ўзинг биласан, — деди у.

Икки ойга етиб-етмай, қўшқаватли кўркам иморат қад ростлади. Уй чинданам ҳавас қилса арзигулик эди. Яна бир куни нонуштадан кейин Фазлиддин онасининг ёнига ўтириб, юзига тикилиб қолди.

— Яна нима дейсан, болам?

— Ая, шу ҳовлиниям евростилда қайта таъмирлатсам.



— У нима деганинг?

— Буви, энди ҳовлимизда фонтанимиз, бассейнимиз бўлади. Газон-майса экамиз. Кейин дизайнернинг фантазиясига қараб, атиргул, сирен дегандек, гуллар, арчалар ўтқазилади.

— Ие, унда отанг эккан манави узумлар, шафтоли, ноклар нима бўлади?

— Уларни чиқариб ташлаймиз.

— Болаларнинг ризқини қийиб-а?

— Ая, ваҳима қилмасангиз-чи. Ахир бозор тўла мева-чева-ку, — деди Фазлиддин бироз қизишиб.

— Энди, болам, ўзбекча ҳовлининг файзи бошқача бўлади. Бозор тўла мева, деб ҳамманг уйингдаги меваларни томири билан қўпориб ташлайверсанг, мева-чева қоладими? Эсингдами, чет эллик ошналаринг келганда анави шафтоли пишиб ётганди, шохидан узиб-узиб ейишиб, «Натурал, натурал», деб эси кетувди бечораларнинг.

Фазлиддин ерга қараб ўй суриб ўтирди-да, кимгадир қўнғироқ қилди. Кўп ўтмай, соқол қўйган ёшгина йигит катта папкасини қўлтиқлаб етиб келди.

— Бу менинг онам, — деди Фазлиддин. — Ҳовлининг дизайнини лойиҳалаштираётганингизда бамаслаҳат ишлайсизлар.

Папка кўтарган йигит манглайини тириштириб, эътирозга оғиз жуфтлади:

— Энди, ака, ҳозир кўпчилик битта стандарт дизайнни танлаяпти.

— Биз учун стандартдан чиқасиз, ука, — деди Фазлиддин унинг гапини бўлиб.

Шундай қилиб, Зубайда хола дизайнерга, у Зубайда холага роса бир ой бошоғриқ бўлишди. Йигитнинг таъби нозикроқ экан, Зубайда холага гапини уқтиролмай, бир-икки марта аразлаб кетиб ҳам қолди.

Ҳовлидаги мевали дарахтлар сақлаб қолинди, уларнинг остига майса ётқизилди. Гуллар, ҳатто ўсма-ю, хина учун ҳам жой ажратилди.

* * *

— Буви, ухламаяпсизми? — дея эшикдан Муштарий кириб келди.

— Кел, қизим, ойинг тузук эканми, гаплашдингми?

— Яхши эканлар, — Муштарий бувисининг ёнига ўтириб, шифтга тикилди. — Вой, қалдирғоч ин қуряпти, буви, қаранг, — деб бақириб юборди у кўзлари чақнаб.

— Сенгаям ёқадими?

— Ҳа, лекин, ойим нима деркинлар, а?

— Ойингга билдирмаймиз, болаларини очиб бўлгунча ўзим шу ерда пойлоқчилик қилиб ўтираман, — деди Зубайда хола Муштарийнинг сочини силаб.

— Бувижон, ростдан ҳам қалдирғочлар барака олиб келадими? — дея қалдирғочларга тикилиб ўйчан гапирди Муштарий.

— Ҳа. Қалдирғочларнинг нияти холис, қадами қутлуғ бўлади.

— Буни қаранг-а, ахир бугун қалдирғочлар келиши билан сиз ҳам тузалиб қолдингиз-ку, — кўзлари чақнаб, ўрнидан сакраб турди Муштарий. — Мен ҳозироқ буни адамга айтаман.

Зубайда хола унинг ортидан хурсанд бўлиб қараб қолди. Назарида, невараси билан ораларида илиқлик пайдо бўлгандек эди.

* * *

Қалдирғочлар инини битиргач, Зубайда холанинг кўнгли таскин топди. Невараларининг ҳам бу хонадан қадами узилмай қолди. Ҳали Муштарий, ҳали Нодир билан Бобир қушлардан хабар олгани киришади. Қалдирғочлар полапон очиб чиққандан кейин эса Муштарий бувисининг ёнига кўчиб кириб олди.

— Анави қушчаларни томоша қилиб ётгим келяпти, улар учиб кетгунча сиз билан яшаб турсам бўладими? — деди у.

— Учиб кетишгандан кейин ҳам мен билан яшайверасан, қизим, — деб неварасини бағрига босди Зубайда хола.

Хонадонга ўзгача файз киргандек эди.

— Ойижон, мени кечиринг. Дунё кездим, ҳамма нарсани кўрдим, деб юраверибман-у, лекин сизнинг, болаларнинг кўнглига қарамабман, — деди касалхонадан чиққан Ширин Зубайда холага мўлтираб. Сўнг шифтга термилиб, юзи ёришди: — Қаранг, анави куни сарсон юрган қалдирғочлар ҳам уйимиздан панох топишибди.

— Болам, қалдирғочлар иссиқ бағир ва меҳрга ташна бўлиб келишади. Феълимизни кенг қилиб, жониворлардан узоқлашмасак хонадонлардан барака аримайди.

Зубайда хола бу гапларни минг истиҳола билан гапирди. Гапириш асносида келиннинг эътирозга оғиз жуфтлашини кутди. Аммо Ширин индамай қайнонасига термилиб турарди. Зубайда хола ўзини енгил ҳис этиб, ўрнидан турди. Қалдирғочлар эса ҳамон вижирлашарди.

## ИЗТИРОБ

Азим ака нонуштадан кейин гул қайчини қўлига олиб, атиргуллар тарафга юраракан ҳовли ўртасидаги сўрига чиқиб, чок машинасининг ёнига ўтирган кампирига қараб қўйди:



— Ҳа, онаси, эрталабдан нимага ҳаракат?

— Ҳадемай Одинам болалик бўлади. Эварамнинг бешик тўйига ўз қўлим билан кўрпачалар тикмасам бўлмас, — деб машинанини гириллатди Раҳима хола.

Шу пайт телефон жиринглади. Ошхонадан чиққан келин қўлини шоша-пиша фартугига артиб, телефоннинг олдига чопиб борди. Гаплашиб бўлгач, гўшакни жойига қўйиб, Азим акага юзланди.

— Дада, Одинанинг катта қайнотаси Тошкентдан келган экан, сиз билан кўришмоқчимиш. Тайёрланиб турарkансиз, бир соатларда келиб, сизни олиб кетаркан.

Одина Азим аканинг невараси. Яқиндагина сочини селкиллатиб бобосига бийрон-бийрон шеърлар ўқиб берадиган, ўйинга тушиб ҳаммани хурсанд қиладиган Одина бўй етиб, қўшни туманга узатилганида Азим аканинг кўнгли ҳувиллаб қолди.

Катта қудаси Тошкентда яшайди. Хусусий фирмаси бор. Пойтахтга ўттиз йил муқаддам кўчиб кетган экан. Қишлоқда бувиси билан қолган катта ўғли Зуҳриддин улғайиб, коллежда директор бўлиб ишлаяпти. Тақдир насиб этиб, Зуҳриддин билан Азим аканинг тўнғич ўғли Сарвар қуда бўлишди.

* * *

Дарвоза олдига машина келиб тўхтади. Салоҳиддин акани кўриб, Азим аканинг юзи ёришди.

Ичкарига кириб ўтиришгач, Салоҳиддин ака қудасига юзланди.

— Шошиб турибман. Туман марказига ёндош қишлоқда Маҳмуджон деган йигит бор. Ҳозир у пойтахтда яшайди. Бугун сингилиси тўй қиляпти. Мени таклиф этишган. Шунга биргалашиб бориб келсак.

- Бу йигит сизга анча қадрдонми, деймман-да?

- Мактабни битириб, Тошкентга боргандан бери унга ўзим кўз-қулоқман. Халқ хўжалиги институтида ўқиди. Учинчи курсга ўтганда ишга жойлаб қўйдим. Сингиллари Педагогика институтига кириб ўқишди. Уларга ҳам Маҳмуджон орқали ёрдам бердим. Худди ўғил-қизларимдек бўлиб кетган.

- Ёшларни қўллаш яхши-да, - деди Азим ака завқланиб. - Барака топинг, ҳаммаси яхши ишларда ишлаётгандир.

- Нимасини айтасиз, аслида уларнинг ўзи ҳаракатчан эди. Мен қўллаб-қувватлаб турдим, холос. Маҳмуджон пойтахтда фирма очди. Топармон, тутармон бўлиб кетган.

Машинани бир текисда ҳайдаб бораётган Салоҳиддин акага қараб, «Бағрикенг, мард инсон экан, бир боланинг бошини си-

лаб, ҳаётда йўлини топиб кетишига ёрдам берибди. Бундай ишлар ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди», деб ўйлади у.

Машина туман марказидан чиқиб, қишлоққа олиб борадиган йўлга бурилди. Бу йўлларда Азим аканинг катта бир армони қолганди. Салоҳиддин ака буни сезгандек, жиддийлашди. Орага жимлик чўкди.

Навбатдаги бурилишга етганда, Салоҳиддин ака машинасини йўл четига тўхтатиб, юзига фотиҳа тортди. Кўзларида қайғули ифода зуҳурланиб, машинадан тушди ва йўл четига бориб чўнқайиб, тиловат қила бошлади. Ҳайрон бўлган Азим ака унга саволомуз назар ташлади, чунки бу атрофда қабристон йўқ эди. Унинг кўз олдига бир неча йиллар муқаддам шу ерда бўлиб ўтган воқеа жонланди.

Ўша кезларда жиноят ишларини очишда бу атрофда Азим Бекназаровнинг олдига тушадиган мутахассис йўқ эди. Қўлига тушган ишни охирига етказмагунча тиним билмасди.

Бир куни уни бошлиқ хонасига чақириб шундай деди:

— Янги иш бор. Йигитлар калаванинг учини тополмай қийналишяпти. Уларга ўзингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— Иш билан танишиб чиқай-чи, биргалашиб ўйлашармиз, — ўрнидан турди Азим ака.

Маълум бўлишича, туман марказидан чиқиб, тоғли қишлоққа бурилиш йўлида автоҳалокат рўй берган, бир аёлни машина уриб кетган экан. Ҳалокат кечқурун содир бўлган, ҳайдовчи жабрланувчига ёрдам бермай қочиб қолган. Йўловчилардан бири йўл четида оғир аҳволда ётган аёлни касалхонага келтирган.

Азим ака касалхонага борди. Аёл оғир аҳволда шифтга тикилиб ётганди. Ундан бирор нарсани сўраб билишнинг иложи йўқ.

— Ўша куни бувимнинг аҳволи оғирлашиб қолган экан. Аям бизга кечки овқатни сузиб бердилар-да, шоша-пиша чиқиб кетдилар, — деди йўлакда ўтирган ўн тўрт ёшлардаги ўспирин кўзи тўла ёш билан. — Агар овқатланиб кетганларида ҳам, шу кўргулик бошимизга тушмаган бўларди.

Азим ака ўспириннинг елкасига қоқди:

— Хафа бўлма, ука, насиб этса, аянг тузалиб кетади.

Аёл ўша куни кечга етмай қазо қилди. Ортидан тўрт сағир бўзлаб қолди.

Терговчи ҳалокат жойига бориб, атрофни яна бир бор кўздан кечирди. Катта тезликда келган ҳайдовчи тормозни босгандан кейин ҳам машина анча жойгача сирпаниб боргани яққол кўриниб турар, орадан уч кун ўтган бўлса-да, ғилдиракнинг излари ўчиб кетмаганди.



Терговчи ғилдирак изига қараб, мазкур йўлдан ўтиши мумкин бўлган автоуловларнинг ҳар бирини эринмай кузатди. Ҳайдовчилар билан суҳбатлашди. Тумандаги ва қўшни туманлардаги автомобиль тузатиш шахобчаларини, эҳтиёт қисмлар сотадиган дўконларни назоратга олди. Аммо мудҳиш фалокат сабабчиси бўлган машина ер ютгандек ғойиб бўлганди.

— Ишни ёпиш керак, — деди бошлиқ уни хонасига чақириб. — Марҳуманинг эри кеча олдимга келиб, агар айбдор топилмаётган бўлса, тергов ишларини тўхтата қолинглар, сўроқ-саволлар ҳамманинг жонига тегди, деб кетди.

Шундан кейин мазкур иш бўйича йиғилган маълумотлар бир четга суриб қўйилди.

Терговчи ишни зимдан давом эттирди. Ҳайдовчилар билан суҳбатлашганда, ўша автоҳалокатни эслатиб, шунчаки гап бошлар ва суҳбатдошларини зимдан кузатарди. Лекин барибир ўзи кутган натижага эришолмади.

Юрагига шу армонни юклаб, нафақага чиқди. Қўлига тушган ишлардан фақат шу жиноятгина очилмай қолганди.

* * *

Тиловатини тамомлаб юзига фотиҳа тортган Салоҳиддин ака яна бир муддат ерга қараб ўтирди. Собиқ терговчи қудасига синчков тикилди:

— Тинчликми, Салоҳиддин ака?

— Сўраманг, Азим ака, — деди у чуқур хўрсиниб. — Юрагимни бир дард қийнайди. Бугун шу дарддан халос бўлиш учун йўлга чиққанман.

- Сиздай кенгфеъл инсонда қандай дард бўлиши мумкин?

Салоҳиддин ака қудасига бир муддат ўйчан тикилиб турдида, юзи қайғули тусга кириб, ҳикоясини бошлади:

— У пайтлар анча ёш эдим. Ғайратим ичимга сиғмасди. Ишларимни энди йўлга қўйиб, пойтахтдан икки хонали уй сотиб олгандим. Уй тўйига ҳаракат бошлаб, меҳмонларни чақириб қўйганимдан кейин онамни олиб кетиш учун қишлоққа келдим. Хушхабарни эшитгач, онам қувонганидан ўзини қўйишга жой тополмай: «Тоғаларингни ҳам тўйга айтмасанг бўлмайди», деди. У пайтларда ҳозиргидек телефонлар йўқ эди. Тоғамларникига бордим. Анчадан буён кўришмагандик, зиёфат бошланиб кетди. Меҳмондорчилик тугагунча ширакайф бўлиб қолдим. Тоғам эрталабгача уларникида қолишимни ўтиниб сўради. Аммо уйга қайтмасам бўлмасди. Эртасига тонгда йўлга отланишимиз керак. Ахир уй тўйига ҳамма нарса тахт. Бунақа пайтда бировнинг

уйида оёкни узатиб ётадими одам? Машинани юргизиб йўлга тушдим. Қарасам, кеч бўляпти. Бу йўлларда оқшомдан кейин қатнов сийрак бўлади, деган ўйда тезликни оширдим. Шу ерга келганимда рўпарамдан бир шарпа чиқиб қолса бўладими?.. Тормозни босганимда кеч бўлганди, аёлнинг чинқириғи эшитилди, кейин у анча нарига учиб кетди. Машинадан тушдим, нима қиларимни билмай қолгандим. Аёлнинг тепасига борганимда хириллаб нафас олаётган экан. Кўзлари илтижоли боқарди. Қўрқиб кетганимдан қалт-қалт титрардим. У ёқ-бу ёққа аланглаб, яна машинамга ўтирдим-у, тезроқ жўнаб кетишим керак, деган қарорга келдим. Ўша пайтда ҳеч нарсани ўйлолмасдим. Уйга борганимдан кейин, ҳеч кимга билдирмай, машинанинг атрофини кузатдим. Эртасига тонг қоронғисида онамни олиб пойтахтга кетдим. Уй тўйини қандай ўтказганимни, меҳмонларни қандай кузатганимни ҳалигача эслолмайман. Тўй ўтди. Ичимга чироқ ёқса ёришмас, кўз олдимдан хириллаб нафас олаётган аёл кетмасди. Орадан бир ой ўтгач, бошқа машинада қайтиб келиб, онамни қишлоққа қўйиб кетдим. Одамларда шубҳа уйғотмай, аёл ҳақида суриштирдим. Қазо қилганини, тўрт боласи етим қолганини эшитиб, ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Шундан бери ҳаловатим йўқ. Кўз олдимдан унинг илтижоли нигоҳи кетмайди. Ишларим юриша бошлагач, болаларига ғамхўрлик қилдим. Фақат уларга қарашаётганимни бировга сездирмадим. Э-э, Азим ака, — деди Салоҳиддин ака қўл силтаб, — лекин кўнглим сира таскин топмади. Ҳалигача аёлнинг нигоҳи мени таъқиб этади. Ўшанда уни касалхонага олиб бориб, ўз вақтида қилмишимга яраша жазо олганимда шунчалик қийналиб юрмасмидим, деб ўйлаб қоламан. Айниқса, шу кунларда сира тинчим йўқ. Кечаси билан мижжа қоқмайман. Жуда қийналиб кетдим. Ўйлай-ўйлай болаларига ҳамма гапни айтишга қарор қилдим. Ҳали сизга айтганим Маҳмуд ўша аёлнинг тўнғич фарзанди. Бугун кенжа синглиси ўғлини уйлаяпти. «Тўйга борсангиз, бошимиз осмонга етади», дейишди. Улар мени одамларга беғараз ёрдам берадиган, бағрикенг инсон деб ўйлашади. Агар онасининг қотили эканимни айтсам, қандай аҳволга тушишаркин, билмайман...

Салоҳиддин ака қулт этиб ютинди. Унинг қовоқлари янада салқиган, кўзларининг ич-ичига мунг чўкканди. Азим аканинг назарида, қудаси мунғайиб қолгандек, салобатини йўқотгандек туюлди.

— Наҳотки ўша сиз бўлсангиз?! — деб пичирлади Азим ака.

Салоҳиддин аканинг қорачиқлари кенгайди.

— Сиз ҳам бу ишни билармидингиз?

— У пайтлар терговчи бўлиб ишлаганман ахир. Ўша иш менинг қўлимга тушганди.



- А-а?

Азим аканинг кўзларида алланечук бир шаҳд уйғониб, қудасига нимадир демоққа оғиз жуфтлади. Аммо гапи тилига чиқиб улгурмай, телефони жиринглади. Уйидан қилишаётган экан. Кампирининг товушида ўзгача қувонч бор эди:

- Отаси, суюнчининг каттасини бераверинг, чеваралик бўлибмиз. Ҳозир хабар беришди.

* * *

Икки қария йўл четида бошини хам қилиб ўтирганча ўйга толган, чорак асрлик изтироб уларнинг савлатини тобора кичрайтириб борар, ўтган-кетганлар эса қўлини кўксига қўйиб уларга эҳтиром билан салом беришарди.

## МЕРОС

Зулхуморга уйидан онаси қўнғироқ қилди:

— Бувингни сизларда зарур гапи бор экан. Тезда етиб келинглар.

- Имтиҳонга тайёрланаётган пайтимда ўқишни ташлаб кетолмайман, ая, - дея эътироз билдирди у.

- Бувинг сира кечиктириб бўлмайдиган гап бор, деяпти. Йўл-йўлакай Мадинани ҳам бошлаб кел.

Зулхумор йўлга отланди. Мадинага хабар бериш учун ётоғига борганида амакиваччаси унга сирли кўз ташлади:

— Нимага чақиришаётган экан? Сенга совчи келдимикан?

- Билмасам.

Мадина товушига сирли тус бериб гап бошлади:

- Айтишларича, бувимнинг бувиларидан қолган хазина бор экан. Шуни бизга бўлиб берсалар керак.

— Ростданми? — деди Зулхумор ҳайратини яширолмай. — Буни сен қаердан билдинг?

— Опам телефонда айтувдилар.

Икки қиз йўлга тушишди.

— Бувимнинг бувиси бойларнинг қизи бўлган экан. Қадимги тилла тангалари, тақинчоқлари бўлса-я? — дерди Мадина кўзларини ола-кула қилиб. - Ичим тошиб кетяпти, бирдан бой бўлиб кетсак, а?

— Хаёлпараст бўлмасанг-чи, — деди унга Зулхумор. — Эҳтимол бизни соғингандир. Шунга чақиртиргандир.

Шунда ўзи ҳам бувисини соғинганини ҳис этди.

Кумушранг сочини иккита қилиб ўриб, учига кумуш тангали сочпопук тақиб юрадиган Барно буви бир нафас бўлса-да тек

ўтирмасди. Боғдаги ишларга ҳам аралашиб кетаверади, уйларни супуриб-сидириб, қозон-товоққа ҳам уринаверар, аммо сира чарчадим демасди.

— Белим қурмагур оғриб кетди, озгина дам олай, — деб сўрининг бир чеккасига ўтирса, бир тутам пахтани қўлига олиб, чигитидан тозалаб, ип йигирарди.

Ўзи тинмагани етмагандек невара қизларни ҳам ҳоли жонига қўймасди.

— Ҳой, Зулхумор, икки соатдан бери шу бемаза сериалга тикилиб ўтирибсанлар, ҳайронман, бундан нима наф топасанлар? — дерди сабри чидамай.

— Уйларни йиғиштириб, дарсимизни тайёрлаб қўйдик. Бошқа қиладиган иш бўлмагандан кейин, тинчгина телевизор кўришга ҳам қўймайсизми, буви? — дея чимирилларди ўн олти ёшлардаги Зулхумор.

— Болам-эй, қиламан десанг, ҳайҳотдек рўзғорда иш бўлмайдими? Сенларнинг ёшингда бизнинг ғайратимиз ичимизга сиғмасди. Шундай кашталар, қийиқлар тикардик, рўмолчалар тўқирдик, қараган одамнинг ҳаваси келарди. Сенларнинг бўлса, юрагингда завқинг йўқ, ғайратинг йўқ. Телевизорга термилишдан бошқасини билмайсанлар. Эсиз, ўтаётган умринг. Эсиз ёшлигинг, юрагингда иштиёқ уйғонмай, ўтиб кетасанлар, шекилли, — дерди бувиси. — Ҳар куни битта япроқни матога муҳрласанг ҳам, дунёнинг ишини битириб қўярдиларинг.

Бир гал у бувисининг гапларига ортиқ тоқат қила олмади.

— Ўша кашталарингиз ҳозир модадан қолган. Келинларга унақа нарсалар керакмас. Пулингиз билан бозорга борсангиз, ҳамма нарсани нақдма-нақдига сотиб оласиз, бўлди, муаммо йўқ, — деди Зулхумор телевизордан кўз узмай.

— Ҳунар аёлнинг зийнати, болам, ҳеч бўлмаса, қуроқдан ёстиқ, дастурхончалар тикишни ўрган, бемаза сериалга қараб, умрингни беҳудага совургандан кўра, — қайсарлик билан неварасини қистовга олди Барно буви.

Қизнинг юзида норозилик ифодаси зуҳурланди.

— Бувижон, ҳозир замон бошқача, билдингизми, алмисоқдан қолган кашталарингиз билан бошимизни қотирманг.

Буви муроса оҳангида гапини давом эттирди:

— Телевизор кўрма, демайман, кўзларинг кинода бўлсаям, қўлларинг тек турмасин. Тек турган қўлнинг косовдан нима фарқи бор. Қўлинг қимирлаб турса, ҳарна ўтган умрингдан бир зийнат қолади. Кеча бўхча-тугунларни очгандим, бир уюм қийқим чиқди. Қимматчиликни кўрмагансанлар-да, уволнинг нималигини билмайсанлар. Шу қийқимларни бир-бирига қураб, ёстиқми, дастурхончами тикиб ўтирларинг, савоб бўлади. Бекор кетган вақтнинг уволи ёмон, болам. Бунинг жавобини қандай берасанлар?

Зулхумор зарда билан ўрнидан турди:

— Оббо, буви-ей, биздан биров умримизнинг ҳисобини сўраятими?! Сира ўз ҳолимизга қўймас экансиз-да! — деб ташқарига чиқиб кетди ва бир тугун қийқим кўтариб қайтиб кирди: — Шуларни айтувдингизми, ҳаммаси бир парчадан бўлиб ётибди. Буни улаб, ямоқ ёстиқ қилишга кимнинг ҳафсаласи келарди?!

— Ҳай-ҳай, болам, ямоқ ёстиқ эмас, қуроқ ёстиқ, тушундингни, қуроқ ёстиқ. Қуроқ тиккан қиз бой бўлади. Молига, жонига кўз тегмайди. Қуроқда ҳикмат кўп, болам. Қани, нина билан ип олиб келинглар-чи, ўзим сизларга тикишни ўргатаман, — деди Барно буви ғайрат билан енг шимариб.

— Уфф, — қизнинг лаб-лунжи осилди. — Бир ками энди латта-путтани ёйиб, йиғиштирган уйимни тўзитишингиз қолувди. Ҳадемай, ойим келса, уйларни тозаламабсан, деб, мени уришадилар.

Барно буви неварасига оғриниб қараб қўйди. Кўзининг атрофидаги ажинлари қуюқлашди. «Бу замоннинг қизлари намунча танбал бўлмаса», деб ўйлади ичида. Аммо муштдай невараси билан ади-бади айтишиб ўтиргиси келмади.

Сериални охиригача кўролмаган Зулхумор қовоқ-тумшуғини осилтириб, бувисининг рўпарасига келиб ўтирди. Барно бувининг юзи ёришиб, иштиёқ билан тушунтира бошлади:

— Мана, қара, манави қора матони мана бундоқ қилиб учбурчак шаклга келтирамиз, агар мато юмшоқ бўлса, унинг орасига қаттиқроқ мато қўямиз. Кейин яна битта учбурчакни тикиб, унга ёпиштирамиз.

Онда-сонда телевизорга қараб-қараб қўяётган қизнинг кўз ўнгида Барно бувининг қўлидаги қийқимлардан тикилган атиргул шакли пайдо бўлди. Бувисига ҳаваси келди.

— Ие, зўр экан-у, унчалик қийин ҳам эмас, — деди у беихтиёр бувисининг қўлидан нина-ипни оларкан.

Бувининг хиралаша бошлаган кўзларида милтиллаган нур пайдо бўлди.

— Қара, қўлинг келишяпти, кимсан Барно чеварнинг неварасисан-да, эплайсан, — деди ғурур билан.

Аммо қизнинг биринчи иши бувисиникичалик бежирим чиқмади.

— Э-э, мен барибир бунингизни тиколмайман, — деб қиз қўлидагиларни бир четга қўйиб, бувисига қараб норози мин-

ғирлади: — Сизнинг мана шу латта-путтангизни деб, кинонинг ярмидан кўпи ўтиб кетди.

Қиз қовоғини осилтириб бувисидан узоқлашди. Барно буви эса унинг тиккан ишини кўрпача қатига яшириб қўйди.

Кечқурун овқатланиб бўлишгач, қизлар идиш-товоқни йиғиштириб келишди. Шунда Барно буви ўғлига юзланиб, невараси чала тикиб қолдирган қуроқни олиб кўрсатди.

— Миркомил, болам, манавини кўргин. Зулхуморинг шундай чиройли нарсаларни тикяпти. Кўриб кўзинг қувонади. Қара-я, бу қизингни зийраклиги худди менга ўхшайди-я.

Ўғил хижолатли жилмайиб елка қисди:

— Мен бу нарсаларнинг яхши-ёмонини ажратолмайман. Сизга ёққан бўлса, бўпти-да, менинг онаш қизим анойимас экан, — деди Зулхуморга мамнун кўз ташларкан.

— Тавба, унча-мунча одамнинг иши ёқмасди-ку сизга, — деб Зулхуморнинг ойиси қайнонасининг қўлидаги ишни олиб кўздан кечирди. — Бунинг нимаси яхши? Қинғир-қийшиқ тикилган бўлса...

— Сен унинг гулига қара, биринчи тикишида оқини оққа, кўкини кўкка ажратишни билибдими, қизимнинг зеҳни ўткирлигидан бу! — деди буви. — Қани бу ёққа бер, қизимнинг биринчи ишини яшириб қўяман.

Зулхуморнинг онаси қошини учириб, бошини сарак-сарак қилди ва:

— Ростдан ҳам ёмонмас, мен биринчи марта бунақа иш тикканимда қийқимлар буришиб-тиришиб кетганди. Гулларини мослаштиргунимча ойимдан роса дакки еганман, — деди.

— Ҳа, бу менинг қизим-да, — тишсиз милкларини кўрсатиб кулди бувиси Зулхуморнинг елкасига қоқиб қўяркан. — Ҳали кўрасанлар, бу қизнинг қилган ишларига ҳамманинг ҳаваси келади.

Қизи ҳақидаги мақтовлардан сўнг дадаси унга фахрланиб қараб қўйди. Зулхуморнинг кўнгли кўтарилди. Бувисини бирам яхши кўриб кетдики, қучоқлаб ўпиб олгиси келди-ю, дадасининг олдида ийманди.

Эртасига мактабдан келиб, ишларини тезда саранжомлади-да, қийқим тугилган бўхчани олиб, бувисининг ёнига чўккалади. Иккиси суҳбатлашиб, қуроқ тикишга тушиб кетишди. Синглиси Гулхумор ҳам уларнинг ёнига келиб ўтирди.

Зулхумор тез орада кашта, қуроқ болишларни моҳирлик билан тикадиган бўлди.

— Барно хола ёшлигида шунақа қўли гул чевар бўлган экан, шу невараси унга тортибди, — дерди аёллар.



* * *

Зулхумор хаёл билан бўлиб уйига қандай етиб келганини сезмай қолди. Мадина билан ҳовлига кириб келишганда, Барно буви ҳовлининг кунботар тарафидаги хонасида ўтирган эди.

— Аяжон, нима гап ўзи? — деди қиз онасига юзланиб.

Аяси кулимсираб ичкарига ишора қилди.

— Кириб ўзларидан сўранглар. Биз ҳам ҳайронмиз, ноёб меросимни қизларимга бўлиб бермасам, кўнглим тинчимаяпти, деб қайнонимизга қўймаяти.

Зулхумор, Гулхумор ва Мадина узун-қисқа бўлиб бувисининг хонасига кириб боришди. Дераза олдидаги кўрпачада пахта чигитлаб ўтирган Барно бувининг юзига табассум югурди.

— Келдингларми, болаларим.

У қизларнинг манглайидан ўпиб сўрашди.

— Буви, бойлигингизни шунча пайт бизга билдирмабсиз-да, а? — деди Мадина шаддодлик билан.

Кампир ерга тикилган қўйи пичирлаб дуо ўқиди. Кафтлари билан юзини силади. Сўнг қизларга юзланди.

— Ҳаммангиз кап-катта бўлиб қолдингиз. Тўйингизгача етамими йўқми, худо билади. Бисотимни очайлик, ким нима истаса олсин, кейинчалик бувимдан эсдалик эди, деб юрасизлар, — деди кампир. — Қани, Зулхумор, сандиқнинг устини бўшат-чи.

Қиз тахмондаги кўрпаларни ерга ола бошлади.

Қизлар қизиқиш билан бувисининг каттакон туясандиғига тикилиб туришарди. Барно буви сандиқнинг қопқоғини очди. Райҳон, қалампирмунчоқ, седана ва яна нотаниш, айни пайтда сирли ислар қоришиб, димоққа урилди. Буви кичкина қора кутичани олиб қизларга узатди:

— Манави тақинчоқларимни битта-битта бўлишиб олинглар.

Гулхумор билан Мадина чувиллашиб қутичага ёпишди.

Бувиси уларни гўё видолашгани чақиргандек, эшикдан киргандаёқ Зулхуморнинг юрагини алланечук ғашлик эгаллаб олганди. У қутичага қарамай, сандиққа тикилиб турарди. Барно буви тахлам-тахлам матоларни битта-битта олиб, четга қўя бошлади. Сандиқнинг энг тубидан каттагина тугунни олиб бағрига босди. Тугунни ечиб, ундаги ҳар бир буюмни бир-бир силаб чиқди.

— Булар келинлигимдан қолган сарполарим, — деди Зулхуморга қараб сирли жилмайиб. — Манави дока рўмолни, сўзанани ўз қўлим билан тикканман. Бу қийиқларни бобонг раҳматлига куёвлигида совға қилгандим. Бир умр авайлаб-асраб белига боғлади.

Ноёб хазина қаршисида тургандек кампирнинг бармоқлари титрарди. Зулхумор сўзана, рўмол ва қийиқларни ҳайрат билан

кўздан кечирди. Дока рўмолдаги мовий ипаклар билан тикилган кашталар, айниқса, бетакрор эди. Қараган одам, беихтиёр, яшил қирғоққа бош уриб, тўлқинланиб оқаётган зилол сувни кўз олдига келтирарди.

Қизнинг юраги ширин энтикди.

— Бувижон, булар мунча чиройли бўлмаса. Шуларни менга беринг, — деди у.

Кампир ялт этиб набирасига юзланди. Унинг кўзида ёш айланаётганди:

— Болам-эй, булар мен учун азиз хотиралар. Менинг ўтмишимни сен нима қиласан?

— Бунинг нафислигини қаранг, одамнинг кўзи қувнайди-я.

Барно буви ҳалиям кичкина қутичадаги тақинчоқларни бўлишиш билан овора бўлаётган икки невара қизига қараб олди-да, гул-гул яшнаб Зулхуморга юзланди:

— Ўзим ўргилай сендан. Майли, олақол.

Сўнг ниманидир унутгандек, сергак тортди:

— Ҳа, шошма, яна битта нарса бор.

У яна бир тугунчани олди:

— Бу ерда бувим раҳматли билан онам раҳматли тиккан кашталарни асраб юрибман. Қадимий кашталар. Энди бунинг қадрига ким етаркан, деб ўйлардим. Мана, эгасини топдим. Бир кун келиб одамлар буларнинг қадрини билишади.

Зулхумор тугунни маҳкам бағрига босди. Вужудини аллланечук сирли ҳислар чулғаб олди. Бағрини иситиб турган тугунчадаги ноёб мерос унинг қалбига улуғворлик бахш этаётгандек эди.

## ИЛИНЧАК БОҒЛАР ТАРОВАТИ

Машинанинг орқа ўриндиғида хаёл суриб бораётган Зумрад йўл четида ўтган-кетган машиналарга қўл кўтараётган аёлни кўриб, ўғлининг елкасига қўлини қўйди:

— Шошма, Улуғбек, машинани тўхтат!

Йигит елкаси оша онасига бир қараб қўйгач, тормозни босди.

— Тинчликми, ойи, йўловчи олишни ёқтирмасдингиз-ку.

Зумрад ўғлининг саволини жавобсиз қолдириб, йўл четидаги аёлга тикилди. Кўкрак бурма кўйлаги ўзига ярашган, бошига кўйлагига мос рангда рўмол ўраган, истарали юзи офтобда тобланган, кўзларидан ғайрати чақнаб турган олтмиш беш ёшлардаги онахон чаққон одимлаб машинага яқинлашиб қолганди. У эшикни очиб Улуғбекка илтижоли термилди:

— Жоним болам, Тошканга, олиб кетасизми?



Улуғбек онасига ўгирилиб қаради. Зумрад «чиқа қолсин», дегандек бош ирғади.

— Ўтиринг, — деди йигит.

Аёл манглайидаги реза-реза терни артиб, йўл четидаги қутиларга ишора қилди:

— Шу, шу десангиз юкларим борийди.

— Хўп, гап йўқ, — йигит қўлини кўксига қўйиб, машинадан тушди ва йўл четида қаторлашиб турган қоғоз қутиларни юкхонага жойлаштирди. Онахон енгини шимариб, Улуғбекка кўмаклашишга чоғланди.

— Хола, буларни бозорга олиб кетяпсизми, дейман? — деди йигит рулга ўтиргач, олдинги ўриндиққа жойлашаётган аёлга ўгирилиб.

— Вой, болам-эй, бозорга мева олиб боришга менда куч қолибдими? Тошканда ўғлим яшайди. Невараларимни йўқлаб кетяпман.

Аёл гапира туриб, Зумрадга ўгирилиб ҳол-аҳвол сўрашган бўлди.

— Яхшимисиз, қизим?

— Раҳмат, ўзингиз ҳам саломатмисиз?

— Худога шукр, — деди онахон, рўмолчаси билан юзидаги терни артаркан. — Шу десангиз, мева-чевалар шира тортиб бўлдимики, невараларимдан дарак йўқ-да. Ўғлим-ку тез-тез келиб, мендан хабар олиб кетади-я, лекин навараларимнинг вақти йўқ. Ҳали ўқиши, ҳали мусобақаси, яна бир нима баҳоналари кўп. Қарасам, боғдаги мевалар пишиб, тамом бўладиган. Ўзим насибаларини олиб бормасам бўлмайди, деб йўлга чиққан жойим. Чолим раҳматли ҳаёт вақтларида болалардан ўзи кўз-қулоқ бўлиб турарди. Энди бу юмуш ҳам менга қолиб кетган.

— Сиздек бувиси бор болаларга ҳавасим келяпти, — дея жилмайди Зумрад.

Гап гапга қовушди. Суҳбат асносида Зумраднинг томоғига нимадир тиқилди. Кўз олдига отасининг сиймоси келди. У ҳам жуда миришкор киши эди.

У пайтларда машинани Зумраднинг ўзи ҳайдарди. Болаларини тез-тез қишлоққа олиб келар, қайнона-қайнотасини йўқлагач, қизлик уйига бориб, дадасининг боғида бир-икки кун дам олиб қайтарди. Катта боғ. Дарвозадан киргач, қатор узумзор, олма-ю нок, беҳи-ю анор, олхўри-ю олча, гилосу ўриклар тартиб билан экилганди. Қўрғоннинг атрофи тераклар билан ўралган.

Май ойида эртапишар гилосдан бошлаб, то кеч кузгача қачон келсангиз, боғда албатта бирор мева пишиб ётарди. Йўлакка райҳон ва жамбиллар экилган, атиргуллар очилиб, яшнаб турарди. Боғнинг шимол тарафида – ариқ бўйидаги садақайрағоч остига

сўри қурилган бўлиб, эрталабдан кечгача тангадек офтоб тушмас, қушларнинг чуғури сира тинмасди. Бу ерда дам олган одам жаннатга кириб чиққандек ҳузур қиларди. Султонали ота эрталан-кечгача пешонасига оқ саллачани боғлаб боғда куймаланарди. Пишиқчилик мавсумида Зумрад болаларини қишлоққа олиб келмаса, дадаси худди мана бу онахон каби пойтахтга отланиб қоларди.

Онаси оламдан ўтгач, дадаси янаям юмшоқ феълли, янаям сахийроқ бўлиб қолди.

— Ҳар бир яхши гапимдан, ҳар бир эҳсонимдан онангга улуш тегади, — дерди хўрсиниб.

Шундай пайтда офтобда қорайган, файзли юзларида ажинлари кўпайиб кетгандек, елкаси янада букчайгандек туюларди.

У вақтларда Зумрад хусусий фирмада бош ҳисобчи бўлиб ишлар, уйида тўкин-сочинлик, камчилиги йўқ эди. Бир гал, мезон ойи эди ўшанда, Зумрад қишлоққа шошилинч борди-ю, одатдагидек, қайнонасини йўқлагач, дадасининг ҳузурига кирди. Ота кўзда ёш билан қизини бағрига босиб, юзларига синчков тикилди, кейин узоқ дуо қилди. «Авваллари бундай эмасдилар, балки қишлоқда зерикиб қолгандирлар, — деб кўнглидан ўтказди Зумрад. — Янаги келишимда дадамларни Тошкентга олиб кетиб, уч-тўрт кун айлантириб келаман».

Зумрад шошиб турганди. Ота-бола чой устида бироз гурунглашиб ўтиришди. Зумраднинг қил устида ўтиргандай, бесаранжом эканини кўрган отаси кўзлари ғилтиллаб:

— Кетасанми, болам? — деди.

— Ҳа. Ишларим кўп, кейинроқ бемалол келиб, уч-тўрт кун туриб кетарман.

— Шунақами?.. — қулт этиб ютинди ота.

Сўнг тиззаларини уқалаб ўрнидан туриб, елкаларини қунишитириб омборга йўл олди.

— Дада, ҳеч нарсага овора бўлманг, олиб кетолмайман ҳозир, — деди Зумрад отасининг нимага уринаётганини тахмин қилиб.

Ота ортига ўгирилмай эътироз билдирди:

— Нега овора бўларканман?

Зумрад келини билан хайр-хўшлашиб, машинаси ёнига борганида, дадаси дарвоза ёнида турар, мева-чева солинган учта қоғоз қути, уч-тўртта шиша идишларда тузлама ва компотларни қаторлаштириб териб қўйганди.

— Манавиларни болаларимга олиб кетмасанг бўлмайди, — деди у.

Бир қути узумни машинага жойлаштиришгач, Зумрад қолган меваларни олишга кўнмади:



— Шунча мева-чевани нима қиламан, дада? Овора бўлманг, олиб-ку сизга. Буларни омборга қўятуринглар, кейинроқ обкетарман. Шундоғам ҳозир пишиқчилик, бозорда ҳамма нарса арзон.

Отаси илтижоли термилди.

— Невараларимнинг ризқи бу, атайлаб сен учун сақлаб ўтирибман, олиб кет, қизим, сотиб олганинг нима бўларди. Боғимнинг мевасини болаларим емаса, меҳнат қилганимдан нима фойда? — деди овози титраб.

— Кейинроқ, дада, кейинроқ обкетаман, хўпми? — Зумрад дадасининг мош-гуруч соқолли юзидан ўпиб машинасига ўтирди.

— Қизим, — деди ота унга мўлтираб қараб. — Мен ҳам ғанимат бўлиб қолдим, илинганимда олиб кетавер, ҳадемай илинчак ҳам тополмай қоласан.

Султонали ота титроқ қўлларини олдинга чўзиб, овози титраб йиғлаб юборди. Зумрад унга қараб жилмайиб қўйди-ю, машинани дарвозадан катта йўлга олиб чиқди. Кўзгуга қараганда кутилар ёнида турган отаси оқ саллачага кўз ёшларини артаётганини кўрди. «Ойим ўтганларидан сўнг дадам жуда йиғлоқи бўлиб олдилар-да», деб ўйлади.

* * *

Бир куни ишдан қайтиб, машинасини эндигина гаражга қўйган ҳам эдики, телефони жиринглаб қолди. Келини Наима экан. Жавоб бергиси келмади. Шу кенжа келини жуда сергап. Бир бошласа, ярим соат жағи тинмайди. Шунча гапни қаердан топади, худо билади. «Ҳозир чарчаб турибман... Кейинроқ қўнғироқ қиларман», деб ўйлаб Зумрад ичкарига кириб, толиққан оёқларига дам бериш учун диванга чўзилди. Телефони яна жиринглади. Зумраднинг зардаси қайнади. «Уф-фф, тинчлик беришмайди булар!»

— Алло! Ҳа, нима дейсиз, Наимахон?!

Гўшакдан келиннинг титроқ товуши эшитилди:

— Опа, дадам... дадамларнинг...

— Нима гап ўзи? Тинчликми?!

— Бирданига оғирлашиб қолдилар, тез келмасангиз бўлмайди, — дея Наима ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

Зумраднинг ҳуши бошидан учди. Чарчагани, оёқларининг зирқираб оғриётгани ҳам эсидан чиқди.

— Тузукмилар ишқилиб?..

— Аҳволлари оғир, сиз билан болаларни сўраяптилар...

Келин бошқа гапиролмади. Телефондан қисқа гудок эшитила бошлади.

Зумрад ташқарига ялангоёқ чопиб чиқди. Шу маҳал ишдан қайтган турмуш ўртоғи Исроил унинг авзойини кўриб қўрқиб кетди.

— Нима гап, тинчликми?

— Дадам, дадамларнинг мазаси йўқмиш. Сиз уйга киравering, мен шундоқ, машинани гараждан олиб чиқаман...

— Ўзингизни босинг, Зумрадхон. Машинани ялангоёқ ҳайдаб кетмайсиз-ку. Кейин мундоқ сўраб-суриштирайлик-чи, нима гап экан?..

Ўша куни тун ярмида ота қўрғонига кириб борган Зумраднинг синглиси, амма-холалари ва келинлари йиғлаб кутиб олишди. Ота қизининг йўлига кўз тикиб ётиб омонатини топширганди...

Маъракалар ўтди. Зумрад юрагини тилка-пора қилган айрилиққа юпанч излаб, отаси барпо этган боғни неча марта айланди. Дарахтларни силаб-сийпалаб дардига юпанч излади. Аммо, юрагидаги бўшлиқ кундан-кунга катталашиб бораверди. У отасининг меҳрибонлигига бепарволик қилгани учун, унга меҳр қайтаролмагани учун сира ўзини кечиролмасди. Эрта-ю кеч кўз олдидан бир хил манзара кетмасди: Катта очилган дарвоза. Ичкарида боғ кўзга ташланади. Дарвоза олдида уч-тўртта қоғоз қутиларни ва шиша идишларни ёнига қўйиб олган оқсоқол отаси қўлларини олдинга чўзиб, мўлтираб қизига термилиб, беозоргина шивирлайди:

— Ҳали илинчак ҳам тополмай қоларсан, болам...

...Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Зумрад охирги пайтларда ота қўрғонини тез-тез йўқлайдиган бўлиб қолди. Боғдаги дарахтлар ҳалигача уни ўзбекча саховат билан бош эгиб кутиб олади ва отаси йўқлигини билдирмасликка аҳд қилгандай ҳар йили новдаларида ғуж-ғуж мева тугиб, Зумрадга тутқазишади. Шираға тўлган меваларни силаркан, беихтиёр шивирлайди: «Илинчак ҳам тополмай қоласан, дегандингиз, дадажон, лекин шунчалар меҳрибон экансизки, ўзингиздан кейин болаларингиз учун шундай илинчак боғларни қолдирибсиз...»

* * *

Йўловчи аёл ойнадан ташқарига термилиб, хаёл суриб келаётган Зумрадга қараб жилмайди:

— Мана, етиб ҳам келдик, мен шу ерда қоламан. Яхши етиб олинг, синглим.

Аёл киссасидан пул чиқариб Улуғбекка узатди.

— Манавини ол, болам, фақат кам демагин, майлими...

Зумрад сергакланди.

— Пулингизни олиб қўйинг, опа, хафа бўламиз-а, яхшиси ўғлимни дуо қилинг, — деди илтижоли овозда.

Йўловчи аёл дуога қўл очди.

— Меваларини ичкаригача олиб кириб бер, — деди Зумрад Улуғбекка.



— Манави бир қути узумни сизларга илиндим, ўзимизнинг боғимиздан, болалар билан баҳам кўринглар, синглим, — деб Зумрад билан хайрлашди онахон.

Зумрад унинг ортидан қараб қоларкан, «Ишқилиб, шундай онахон-отахонларимиз бор бўлсин. Шуларнинг файзи, баракаси, меҳри билан мевалар шира тортади», деб ўйлади. Кўз олдига яна ота қўрғони келди. Дадасининг илинчак боғидек яна бир боғ мана шу онахоннинг невараларини бош эгиб кутаётганини ўйлаб, беихтиёр жилмайди. Шу тобда унинг кўнглини илинчак боғлар тароватi титратаётганди.

## УЙНИНГ УСТУНИ

Ҳамида ҳовлини супуриб уйга кирган ҳам эди, қайнонасининг овози эшитилди:

— Ҳой, отаси, мана, кўриб қўйинг, яна омбордаги буғдой камайиб қолибди. Ёнғоқнинг ҳам баракаси учган. Келинингиз бу уйдаги нарсаларнинг ҳисоби йўқ, деб ўйлайди, шекилли. Сичқонга ўхшаб онасиникига ташиб кетаверса, уйимизда барака қолармиди?!

— Эй Худо, энам яна бошлади. Бир ойдан бери аҳвол шу. Қачонгача шунақа туҳмат қиларкин, а, менга?

Ҳамида юрагидан тошиб келаётган аламини базўр ичига ютиб, ҳовлига чиқди. Қайнотасига салом бериб, ошхонага ўтиб чой қўйди-да, челакни кўтариб сигир соғиш учун молхона тарафга юрди. Шу маҳал кўксидан бир хўрсиниқ отилиб чиқди. Худди шуни кутиб тургандай кўз ёшлари юзини юва бошлади. «Бу гапларни бировга айтиб бўлмаса, уят-а... Уф-ф-ф, дардкашинг кўп бўлса-ю, ҳасратингни бировга айтолмасанг», деган ўй билан сутини пиширишга қўйди. Ҳовлидан қайнонасининг бир нималарни тарақа-турук қилаётгани эшитилиб турарди. Сут пишгунча қайнотасига нонушта тайёрлаб берди. Унинг ҳам қовоғидан қор ёғаётганди. «Энди отам ҳам ишона бошлабди-да. Яқинда бу уйда мени тушунадиган одам қолмайди шекилли», деб ўйлаб, Ҳамиданинг юраги орқасига тортиб кетди. Елкасини қисиб уйига кирди. Болалари пишиллаб ухлаяпти. Уларни бир амаллаб уйғотиб, иккаласини ҳам мактабга кузатди. Кейин одатдагидек рўзғор юмушларига сингиб кетди. Қайнонаси сира тусини ўзгартирмас, аксинча, аччиқ кесатиқлари авж пардасига кўтарила бошлади. Бундай кезларда Ҳамида индамай енгарди. Бугун эса юраги зардобга тўлиб бораркан, бу уйда бир дақиқа ҳам тургиси келмай қолди. У бирданига ҳамма нарсадан кўнгли қолганини ҳис этди. «Кетаман! - деган ўй миясига урилди. - Кетаман!

Қурибгина кетсин. Бу хотиннинг туҳматлариям, зуғумлариям жонимга тегди!» Шундай ўйлади-ю, дарров кўнглини бошқа бир андиша ялаб ўтди: «Вой шўрим, ўн икки йилдан кейин, а? Одамлар нима дейди? Болаларнинг дадасига нима деб жавоб бераман. Ахир, у бу гаплардан бехабар-ку».

Шу пайт оғилхонада яна нимадир тарақлаб кетди. Қайнонаси зарда билан сигирларни қарғашга тутинди. Ўша тарафга алам билан қараб олган Ҳамида тез-тез юриб уйига кирди ва нарсаларини йиғиштира бошлади. Қайнонаси унинг уйига дераза оша икки-уч марта киши билмас назар ташлаб ўтди. Ҳамида айвонга чиққанидан кейин, эрталабдан бери биринчи марта унга юзланиб гап қотди:

- Ҳа, пошшо келин, бирор ёққа бормоқчимисиз?

- Мен, - дея гап бошлаган Ҳамида бир зум тутилиб қолди. - Ҳалиги... акамларникига бориб келсам, девдим...

- Ҳали ўн кун бўлмади-ку, бориб келганингизга, Мақсуджон уйда йўқ бўлса, қариндош-уруғингизникига зув қатнаб қоласиз.

- Майли, бориб келақолсин, - деб гапга аралашди қайнотаси.

Қайнонаси чолига қараб зардали оҳангда деди:

- Ҳа, мен хамир қориб, нон ёпаманми?! Кирлар ҳам бир уй бўлиб уюлиб ётибди!

Дарвоза яқинидаги сўрида ўтирган қайнотасини босиб ўтиб кетолмаган Ҳамида индамай изига қайтди. Қайнонасига гапириб-гапириб хумордан чиққиси келди-ю, тағин қайнотасидан андиша қилди. Уйига кириб аччиқ-аччиқ йиғлади. Йиғлаб юриб хамир қорди. Кир ювди. Унинг кўзида ёш билан юрганини пайқаган қайнонасининг овози анча пасайди. Ҳамида энди нон ёпишга тутинган маҳали катта қайнағаси дарвозадан кириб келди.

Ҳамида дарҳол дастурхон тузаб, чой келтирди ва ота-болани ҳоли қолдириб юмушига уриниб кетди. Қайнағаси унга синчков тикилиб қолди.

- Тинчликми? Келин йиғлаганга ўхшайди, - деди у Ҳамида сўридан узоқлашгач.

Отаси бир муддат жим ўтиргач, гап бошлади:

- Ўғлим, ота кексайганда ўғиллардан бири уйга устун бўлиб, хонадоннинг оғир-енгил муаммоларини ҳал қилади. Шу десангиз, бир маслаҳатли гап чиқиб қолди-да, - ота тили учидагини айтишга истиҳола қилиб бироз тин олди.

Ўғил дастурхон четини қайириб ўйнаркан, гапнинг давомини кута бошлади.

- Тунов куни омборга кирсам, нарсаларнинг баракаси кўтарилгандай, - деди отаси ҳар бир сўзни қийналиб гапираркан. - Онангиз ҳам буни сезиб юрган экан. Шу, ўғирланганми, дейман-



-а. Буни айтиш ҳам ноқулай. Шу... шу Ҳамида келинимнинг кўнгли сал қалтисроқ чиқдими? Яна билмадим.

Орага жимлик чўкди. Ота ўғлига қараб-қараб қўяр, ўғил эса ўйланиб ўтирарди. Ҳозир у айтадиган гап кенжа укасининг, мўмин-қобил келиннинг ва икки норасида жиянининг тақдирини ҳал этади. Келиннинг тўғрилигига-ку ишонади-я, аммо отасини қандай ишонтирса экан. Ўғил шуни ўйларди. Отаси эса ўғлидан жавоб кутиб, бир-икки марта томоқ қириб ҳам қўйди.

- Ота, шу Ҳамидахоннинг келин бўлиб тушганига неча йил бўлди? - деб узоқдан гап бошлади у.

- Ўн икки, ўн уч йиллар бўлди, чамамда.

- У пайтлар анча бардам, бақувват эдингиз, хотирангиз ҳам яхши эди-я, адашмасам.

Ота ўғлига норози қараб қўйди. Унинг гапини оғир олгани шундоққина билиниб турарди.

- Ҳа, шундай эди, - деди ўғил сўзида давом этиб. - Шу ўн икки йилда Ҳамида бирор марта ўғирлик қилганини эслайсизми?

- Йўқ, сира сезмаганман, - бошини сарак-сарак қилиб жавоб қайтарди ота.

- Шунча йилдан бери ҳеч нарсага ола қарамаган келиндан энди синашта бўлганда гумон қиляпсизларми? Бечоранинг аҳволига қаранг, дардини кимга айтишни билмай бир ҳолга тушибди-ку. Мақсудбой бўлса бир ойдан бери даладан бери келмайди.

Шу пайт бир лаган шафтоли кўтариб келган она сўрининг бир четига омонатгина ўтириб, гапга аралашди:

- У маҳаллар болалари ёш эди. Энди шуларига бир нима олиб берай, деб биздан яшириб сотяптими, ким билади, дейсиз, болам.

Ўғил кўнглидан кечирганларини айтиш мавриди келганини сезди. Унинг ўйланиб қолганини ўзича тушунган она эса гапида давом этди:

- Бу ёшлар уч-тўрт кунлик қийинчиликка дош беролмайди. Яхшиям бизникида тўкин-сочинлик.

- Она, эсингиздами, мен бир гал ёлғон гапирганимда оғилхонага қамаб қўйгандингиз, - деди ўғил. - Туҳмат қилишнинг гуноҳлигиниям биринчи бўлиб сиздан эшитганман.

- Ҳа, энди сизларга ёмон тарбия бермадик, - дея она қошини кериб қўйди.

Ўғил гапида давом этди:

- Мен анчадан бери кузатиб юрибман. Ўғрининг кимлигининг биламан. Керак бўлса, далилларим ҳам бор.

Ўғил онасига зимдан кўз ташлади. У баъзида эрта тонгда, баъзида кеч оқшомда ўзидан кейинги укасининг тўнғичи қопдами, тугунчадами бир нималар кўтариб кетаётганини кўрарди.

«Тирикчиликка қийналаётган бўлса, онам ёрдам бераётгандир», деб ўйлар, ўзи ҳам укасиникига майда-чуйда юбориб турарди. «Онам отамга билдирмай бериб юборарканлар-да. Тағин уялмай хизматларидаги келинни ўғри қилганларини-чи. Ҳар нима қилса ҳам иккинчи келин онамнинг жияни, жигари-да. Укамга қарашаётганларини отамга айтсалар бўларди-ку».

— Айтаверайми? - деди у онасига синчков тикилиб.

Онанинг ранги ўзгарди. Бир чолига, бир ўғлига алтанг-жалтанг қараб олди. Озгина талмовсираб тургач, ғалати тиржайиб, пиёлага чой қуйиб ўғлига узатди:

- Ол, болам, чойдан ич. - Сўнг шоша-пиша шафтолининг пўстини артиб, чолининг олдидаги пиёлага қўйди: - Отаси, олинг, ўзиям юмшоққина бўлиб пишибди.

Чол кампирига зимдан кўз ташлаб, шафтолига қўл узатди. Орага яна жимлик чўкди. Кампир ўғлига ер остидан бир-икки марта қараб олгач, муросали оҳангда гапиришда давом этди:

- Қўйинг энди, ўғлим, майли, йўқолса йўқолар. Шу уч-тўртта ёнғоқни, бир кафт буғдойни деб жанжал чиқариб ўтирамизми? - У шундай дея, ошхонага қараб келинини чақирди: - Ҳой, Ҳамидахон, нонингиз пишдими болам, акангизга олиб келмайсизми?

Унинг овозида муросасоз майинлик товланиб турарди.

Масаланинг бунчалик осон ҳал бўлишини кутмаган ўғил ўтирган жойида бир қўзғалиб олди.

Келин иссиқ нон олиб келганда, қайнонаси унга ёнидан жой кўрсатди:

- Ўтиринг, бир пиёла чой ичиб олинг. Эрталабдан бери туз тотмадингиз.

Ҳамида аввал қайнотасига, кейин қайноғаси ва қайнонасига бир-бир қараб олди. У ўзининг оқланганини, қайнонасининг манзиратлари ярашишга ишора эканини билиб турарди. Томоғига нимадир тиқилди.

- Ҳозир чой дамлаб келай, - деб чойнакни олиб ошхонага қайтди. Ўчоқбошига келганда яна кўзи ёшланди. У бу сафар хонадонида уни тушунадиган, суяйдиган одамлар борлигидан қувониб йиғламоқда эди.

- Мен яна шафтоли териб келай, ҳали Ҳамиданинг оғзи тегмади. Муздеккина еса, тандирнинг тафтини олади, - деб она ўрнидан туриб сўридан узоқлашди.

Ота ўғлига мамнун қараб қўйди.

## ОМОНАТ

Дарди дунёси қоронғи бўлиб юрган Лайло ҳовлининг қайси бурчагига қарамасин онаси мўралаб тургандек туюлади. Ўчоқбо-



ши, тандирхона, унга туташ қилиб пастаккина қурилган ўтинхона, айвон рўпарасидаги гулхонанинг атрофи, қўйингки, ҳаммаёқ саранжом. Рўзғордаги буюмлар ҳам ўз ўрнида турибди. Фақат онаси йўқ. Онда-сонда қизнинг қулоғига «Лайло», деган хуш нафас урилгандек бўлади. Сергак тортиб атрофга аланглайди. Ҳеч кимни топмайди. Энди онасини ҳеч қачон кўролмаслигини, эркалик қилолмаслигини ўйлаб, юраги сирқирайди. Кечқурун алламаҳалгача ҳовлидаги сўрида осмонга тикилиб ўтиради. Айниқса, шу кунларда унга онасининг ўрни ёмон билиняпти. Ҳадемай битирув оқшоми. Ҳар куни синфдошларидан гоҳ униси, гоҳ буниси оқшом учун оталари олиб берган чиройли кўйлаклари ҳақида гапиришади. Лайло эса хомуш тортиб улардан узоқлашади. Отасининг топгани рўзғордан ортмайди. Қиз ўгай онасига юрак ютиб, кийим-кечакдан гап очолмайди. Гапиргани билан рад жавобини олишини билади.

Шуларни ўйларкан, томоғига тиқилган йиғини аранг ичига ютиб, тандирга ўт қалай бошлади.

— Лайло, қийналмай ўтирибсанми, — деб аммаси кириб келди.

— Худога шукур, - деди у. - Келинг, амма.

- Ойинг кўринмайди.

- Қариндошларини кўргани кетувди.

Қиз аммасига ер остидан қараб қўйди. Бўйнида тилла занжир, қўлида қўша-қўша узук. Қизнинг кўнглига бир ўй келди: «Аммамга кўйлак олиб беринг, десаммикан». Нонни ёпиб, дастурхонга келтириб қўйгунча, бир неча бор гапиришга тараддудланди. Аммо амманининг рўпарасига келиб ўтиргач, фикридан қайтди, айтолмади.

Уни кузатгач, юраги ёмон сиқилди. «Агар ойим раҳматли тирик бўлганида, битта кўйлакни деб шунча ташвиш тортмасдим. Айтмасимдан аввал, унинг ўзи мени бозорга олиб бориб, ҳамманикидан чиройли кўйлак олиб берарди», деган ўйда мунғайди. Битирув оқшомида ҳамма дугоналарини бир-биридан чиройли кўйлакда, ўзини эса эскирган кофта-юбкада тасаввур этиб кўзлари ёшга тўлди.

Ўгай онаси Маъсуда қайтиб келганда ҳам унинг хомушлиги тарқалмаганди. Маъсуданинг юз-кўзларидан муҳим бир сирни эшитиб келгани сезилиб турарди.

— Онанг раҳматли сен учун роса йиғинган экан. Аммо шу пайтгача сандиқларда унақа қимматбаҳо нарсаларга кўзим тушмади. Бу дейман, қариндошларинг кўзингни шамғалат қилиб бор-будингни ташмалаб кетган кўринади, — деди у қизга.

Лайло Маъсудага савол назари билан тикилди.

— Қаердан эшитдингиз бу гапни?

— Қўшнимиз Сожида опа айтди. Улар онанг билан қалин дугона бўлишган экан.

Лайло ўйланиб қолди. Агар Сожида опа айтган бўлса, демак, у ниманидир билади. Ахир онаси билан энг кўп ҳасратлашиб ўтирадиган аёл шу эди-ку. Қизнинг юзига мамнунлик ифодаси балқди. «Балки битирув оқшоми учун сандиқдан бирор дурустроқ кийимлик топарман», деган умидда чопиб уйга кирди. Онасидан қолган сандиқларни бирма-бир очди. Арзирлик ҳеч вақо йўқ. Қизнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бурчакка ўтириб олди. Шунда иккита сандиқ кўринмаётганини пайқаб, юраги шувиллаб кетди. Онаси раҳматли сандиқларни «бири қайнонамдан, иккинчиси онамдан қолган ёдгорлик» деб кўз қорачиғидек асрарди. Онасининг тилла тақинчоқлари ҳам йўқ эди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. Кўнглига шубҳа оралади: «Нега шу пайтгача бу эсимга келмабди, наҳотки, кимдир олиб кетган бўлса». Эҳтимол ўгай онасининг ўзи гумдон қилгандир. Лайлога ҳозир ўша нарсаларнинг қиммати эмас, қадри муҳим эди.

Кечки овқат пайтида укаси Адҳам бир гап топиб келди:

- Наима аммам иккита сигир олибди.

Маъсуда Лайлога синовчан қараб қўйди-да:

- Булар шунча пулни қаердан топишаркин-а, ўтган куни янги тилла балдоқ тақиб келувди. Энди сигир олишибди, - деди.

Лайлонинг кўнглидаги шубҳалар кучайди. Онасининг маъракаларида хотин-халажнинг олди-бердисига шу аммаси бош-қош бўлганди. Балки, онасининг топган-тутганини уйига ташиб кетгандир. Шубҳаларини тасдиқлагандек, эртаси куни Наима амманинг қизи Назокат мактабга тилла занжир тақиб борди. Лайлонинг олдига келиб, аямнинг сандиғидан топиб олдим, ўзига билдирмай тақиб чиқдим, деб мақтанди. Занжир Лайлонинг кўзига иссиқ кўринди. Элас-элас эслади, бир пайтлар онаси худди шунга ўхшаган занжир сотиб олган, «Насиб этса, мактабни битирган кунинг тақиб қўяман», деганди. «Демак, аммам олиб кетган экан-да», деган ўйда юраги музлади. Томоғига яна йиғи тиқилди. Бошини қуйи солиб, Назокатдан узоқлашди.

Мактабдан чиқиб, Заҳро холасининг олдига борди. Йиғлаб ўтириб, воқеани гапириб берди.

— Майли, қизим, ўксинма, мен аммангдан сўраб-суриштираман. Ваҳима қилмаларинг, агар Зеби опам сен учун олган бўлса, демак, бир жойда турган, — деб уни овутди холаси. Унинг хотиржамлиги Лайлони жиғибийрон қилди. «Энди холамга барибирда, эҳтимол онамдан қолган ёдгорликни аммам иккаласи бўлишиб олгандир?!»

Уйига фаромуш бўлиб қайтди. Кечгача томоғига йиғи тиқилиб юрди. Шунда ўгай онасининг гапи оловга ёғ сепгандек бўлди:

— Онанг бечора тиним билмай ишлаб сен учун шунча сеп йиққан. Уни амма-холаларингдан бошқа ким ҳам оларди. Лаймасдан зийрак бўлиб туришинг керак эди. Энди сени узатаётганимизда нима қиламиз?



— Насиб этгани бўлар, ая, — деди Лайло оғриниб.

— Заҳро холангни илгари битта кўйлаги иккита бўлмай юрарди. Энди эшигида қўша-қўша сигир, бўйнида бошмолдоқдай тилла занжир. Қишлоқ этагида эгаси шаҳарга кўчиб кетган ҳовли бор-ку, ўшаниям сотиб олибди. Бировга гап бермайди. Менга қолса, нарсаларни ўша холанг олган, дердим.

Лайлонинг куйган дили баттар куйди. Юрагида яна бир доғ пайдо бўлди. Ҳаммадан шубҳаланадиган бўлиб қолди. Онасидан қолган ёдгорликлар эса сувга чўккан тошдек ғойиб бўлганди. Қиз дардини кимга айтишни билмас, мактабдан келгач, кўзлари ёшга тўлиб, ғамгин ҳолда онасининг расмига тикилиб ўтирар, битирув оқшоми эса тобора яқинлашарди. Ўгай онаси буни билмасмиди, ёки билиб туриб атайлаб билмасликка олармиди, Лайло англай олмасди. Бир неча марта отасига кўйлак олиб беринг, дейишга оғиз жуфтлади. Укаларига зимдан кўз ташлаб, фикридан қайтди. Кундан-кунга кўнгли ўксийверди. Кундан кунга юрагидаги андуҳ катталашаверди. Ўгай онаси йўқолган ёдгорликдан гап очиб, ҳар куни унинг юрагини баттар ўртарди.

Оқшомга бормайман, деган қарорга келди у. Кийиб борадиган кийимим бўлмаса, ҳаммага кулги бўлгандан кўра, уйдан чиқмаганим маъқул.

Битирув оқшомига икки кун қолганда, кечки пайт аммасининг қизи Назокат кириб келди.

- Лайло опа, бизникига боракансиз, аям чақиряпти.

Лайло онасининг ёдгорликлари аммасининг қўлида эканига ишонарди. Чунки тунов куни Наима аммаси тақиб олган узук қизга жуда таниш эди.

- Бормайман, - деди у Назокатга. - Ишларим кўп.

- Аям зарур гапим бор деяпти, тез юринг, - дея қисталанг қилди Назокат.

- Қачон иши тушса, Лайло керак бўлади. Аянгга бориб айт, мен унга текин хизматчимасман. Бориб айт, олган нарсаларини жойига қўйиб қўйсин, - деди Лайло қўрслик билан.

- Бу нима деганингиз, Лайло опа?

- Бориб аянгдан сўра!

Назокат унга бирпас анграйиб қараб тургач, лом-мим демай ортига қайтиб кетди.

- Бопладинг, - деди Маъсуда. - Бу ишни аввалроқ қилишинг керак эди. Ҳаққингни ундиришни билганинг яхши.

Лайло унга ўқрайиб қараб қўйди-да, индамай хонасига кириб кетди.

Ғира-шира оқшом чўккан паллада аммаси Наиманинг ўзи эшикдан кириб келди.

- Ҳа, жиян, чақирсам бормайсан, тинчликми? - деди у ўпкаланган оҳангда. - Қани юринглар-чи, холанг бизникида ўтирибди. Гап бор.

Маъсуда билан Лайло унга эргашди. Қиз йўл-йўлакай, «Аммамни ўғри қилганим учун боплаб таъзиримни беришади», деб ўйлаб борарди. Ичкарига киришди. Амма-холалари жам бўлиб ўтиришган экан. Наима меҳмонхона тўридаги сандиққа ишора қилди. Сандиқ қизнинг кўзига оловдек кўринди.

— Бу янгамнинг омонати эди. — деди у. — Лайлога атаб йиғинган экан. Касал ётганида манави калитни қўлимга тутқазиб, сандиқни уйимга олиб кетишимни тайинлаганди. Мана кўринглар, бирор нарсасига ола қараганим йўқ. Сандиқ онам раҳматлидан ёдгорлик экан, Лайлонинг сепига қўшиб берарканмиз. Янгам тақинчоқларини ҳам менга омонат қилиб берганди, уларни гаровга бериб, озроқ қарз кўтардим, мол олиб боқдик. Ўзидан кўпайди. Яқинда қарзимдан қутулиб, янгамнинг тақинчоқларини қайтариб олдим. Оғилхонада турган бешта сигирнинг учтаси ҳам мана шу сағирларники, янга, - деди у Маъсудага юзланиб.

— Опам раҳматли шунақа, тадбирли аёл эдилар, — деб гап бошлади Лайлонинг холаси Заҳро. - Яна бир сандиғи менда. Мен ҳам етимларнинг омонатига хиёнат қилмадим. Опам озроқ пул бериб қўйганди. Эски ҳовли сотиб олдим. Ҳар ҳолда ер ҳам бир мулк-да. Худо хоҳласа болаларнинг бир камига ярар.

Лайло бир холасига, бир аммасига жавдираб қарар, нима дейишини билмасди. Секин-аста онасининг сандиғига яқинлашди. Силаб-сийпалади. Қопқоғини очди. Кийимликлар, кўрпа-тўшаклар тартиб билан тахлаб чиқилганди. Атлас кўйлаклик қатидан бир хат учиб тушди.

«Лайло, она қизим менинг. Эсингдами, болалигингда эрталаб қуёш чиқмай туриб, ҳовли супурардинг. Меҳнатларинг эвазига сен учун фаришталар бойлик ташлаб кетади, дердим. Ўша бойликларни амманг билан холангга омонат қолдиряпман. Нимага бу ҳақда дадамга айтмаган экан, деб кўнглинг хижил бўлмасин. У кўчанинг одами. Латта-путта билан иши йўқ. Бу нарсаларнинг фарқига ҳам боравермайди. Заҳро холангда укаларинг учун йиғинганларим бор. Токи катта бўлиб ақлинг тўлишмагунча, бу ҳақда айтмасликни улардан илтимос қилганман. Ваълаларида туришларини худодан сўрайман. Сени ва укаларингни Оллоҳнинг паноҳига топширдим», деб ёзилганди мактубда.

Лайло аммасини қучоқлаб олди.

— Аммажон... Мен бўлсам, сизлардан гумонсирабман.



- Эртадан кейин битирув оқшоминг экан. Назокатдан эшитдим. Ўзинг айтмайсан ҳам. Хоҳласанг, кийимликлардан бирортасини олиб тиктир. Хоҳласанг, бозорга бориб сенга кўйлак олайлик, - деди Наима унинг гапига эътибор қилмай.

Лайло уни яна ҳам маҳкамроқ қучоқлаб олди. Шу пайт гапга Маъсуда аралашди:

- Буларни ҳозирча қўйиб турайлик, насиб этса тўйига ишлатамиз. Бугун тоғаси озроқ пул берувди. Эртага иккаламиз бозорга бориб, кўйлак сотиб оламиз.

Лайло ўгай онасига илкис ўгирилиб қаради. Унинг нима деганига дафъатан тушунмади. Қайси тоғасини айтяпти? Унинг тоғаси йўқ-ку.

- Нима дедингиз?

- Тоғанг, катта акам пул берди, деяпман. Анчадан бери дардингни кимга айтишни билмай сиқилиб юрганингни кўриб дадонг билан маслаҳатлашгандим, дадангни биласан, ҳозир унча иши юришмай турибди. Ўзинг бир йўлини қилгин, деганди. Шунга, бошим қотиб, бугун тоғангга айтгандим, қизни ўкситмаганлар, деб озроқ пул берди. - деди у.

Лайлонинг кўнглида бир туғён тошиб келди. Онаси қайта тирилгандек, у яна аввалгидек эрка қизга айлангандек эди. Ўзини тутолмай, кафтларини юзига босди. Шу тобда у куляптими, йиғлаяптими англаб олиш қийин эди.

## ОРЗУ

Машҳура ишга барвақт отланди. Дарвозага етганида қўшни ҳовлида нимадир тарақлаб кетди. Сўнг аёл кишининг ёзғирган овози эшитилди:

— Жонимга битган бало бўлдинг сен ҳам. Ўлик бўлиб ўликмас, тирик бўлиб тирикмассан. Еб-ичиб, атрофни расво қилишдан бошқасига ярамайсан. Қандай гуноҳим бор эди-ки, худойим мени шунчалик қийнайди.

Қўшнисининг гаплари Машҳуранинг кўнглига ғашлик солди: «Эрталабдан Собира опанинг кайфияти ёмон. Ишқилиб, тинчликмикан? Кейинги пайтда аламини Жавоҳирдан оладиган бўлиб қолди. Йигит шўрликда нима айб?! Бир тарафдан Собира опага ҳам қийин. Ногирон болага қарашнинг ўзи бўладими?» деб ўйлаб катта йўлга чиқди.

У ўн тўққиз йилдан бери ҳамшира бўлиб ишлайди. Шу касбидан одамларнинг эъзозига эришди. Қўлидан ўтган беморларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳаммасига меҳр қўйган. Айниқса, анави қўшни йигит Жавоҳирни бошқача яхши кўради.





Жавоҳир туғилганида тўрт мучаси соғ эди. Машҳура ўшанда шифохонанинг болалар бўлимида катта ҳамшира бўлиб ишларди. Собира боласини тез-тез кўрикдан ўтказиб турарди.

Бир куни болани касалхонага оғир аҳволда олиб келишди. Унинг иссиғи баланд, қовоқлари ва лабларининг атрофи кўкариб кетганди. Зўрға нафас олаётган болакайни текшириб кўраркан, онасидан нима бўлганини суриштирди.

— Озгина шамоллаганди. Қарасам, сал иссиғи бор экан. Бешикка беласам, ўтиб кетар, деб ўйлаб, елкаларини ёғлаб бешикка солдим. Аввалига роса инжиқлик қилди. Бешикнинг ёпқичини ёпиб, тебратиб ўтиргандим, пишиллаб ухлаб қолди. Шу бўйича пишгунча вақт уйғонмади. Хамир қориб, нон ёпдим, кечга овқат пиширдим. Даласининг кийимларини дазмолладим. Болам ухлайверди. Аста келиб ёпқични кўтармай қулоқ тутаман, пишиллаб нафас олаётган бўлади. Кечаси яхши ухлолмаётганди. Шунинг ҳиссасини чиқараётибди шекилли, деб ўйлабман, — деди Собира овози титраб. — Ғафлат босди мени, Машҳурахон. Ғафлат босиб қолди. Кечки овқатни еб бўлгач, уйғонмаса ҳам ечиб олақолай, деб, шундоқ бешикнинг ёпқичини очсам, болам бечора кўкариб, алангайи оташ бўлиб иситмалаб ётибди-да, — Собира баралла йиғлаб юборди.

— Қуйинг, энди йиғлашдан фойда йўқ. Болага аввалроқ қараш керак эди. Одам ҳам шунчалик беғам бўладими?!

— Қандоқ қиламан, Машҳурахон, полвондай болам ўзининг иситмасида ўзи куйиб, бўғилиб ётаверибди. Мен бўлсам, юмушларга чалғиб юраверибман. Тўрт-беш соат ичида бир марта бўлсаям бешикнинг ёпқичини кўтариб кўрмабман-а!!! Ҳа, аҳмоқ хотин!!! Келиб қулоқ тутиб кетавермай, очмайманми, қарамайманми?! — дея алам билан кўксига муштлади. - Мен қандай она бўлдим ўзи?!

Ўша куни Машҳура ўзининг ҳомиладор эканини ҳам унутди. Тонггача мижжа қоқмай, Жавоҳирнинг кўзига термилиб ўтирди. Уни кўрган одам ўзининг боласи касал бўлибдими, деб ўйларди. Жавоҳирнинг ҳали томирига, ҳали мушакларига нина санчаркан, жажжи қўлчаларини қўлига олиб силаб-сийпалар, ич-ичидан болага узоқ умр тиларди. Боланинг киприклари сал бежо қимирлаб кетса ҳам шифокорни чақириб келиш учун югурарди. Мурғаккина бола ўша кеча ўлим билан олишди. Тонгга яқин нафас олиши енгиллашди.

— Хавф ортда қолди, — деди бош шифокор унинг юрак уришини эшитиб. — Агар сал бепарво бўлганингдаям уни сақлаб қололмасдик. Барака топ, қизим. Энди бориб дамингни ол.

Йигирма кун деганда Жавоҳир касалхонадан чиқди. Бош шифокор иситмада қаровсиз қолиб, бўғриққан боланинг асаб толаларига жиддий зиён етмаганмикан, деган хавотирда эди. Унинг хавотири рост бўлиб чиқди. Болакай иккала оёғини ҳам қимирлатмаётганди.

— Майли, оёқлари қимирламасаям, болам тирик қолса бўлди. Уни елкамда опичлаб катта қиламан, юролмасаям ўлмасин, боши омон бўлсин, — деди Собира жавдираб.

Болани касалхонадан олиб кетишаётганда Машҳуранинг юраги увишиб кетди. Ахир энди у бир умр оёғини босолмаслиги мумкин эди-да.

Тасодифни қарангки, кейинчалик Собира билан Машҳура бир маҳаллага кўчиб чиқиб, девор-дармиён қўшни бўлишди.

Машҳура тез-тез Жавоҳирдан хабар олгани чиқарди. Болакайнинг қарашлари ўйчан, қош-кўзлари қоп-қора эди. У ўшандан кейин бошқа касал бўлмади. Улғайгани сайин қошлари янада қуюқлашди. Билакларига куч кирди. Фақат аниқ гапира олмас, устига устак оёқлари яхши ўсмай қолганди.

Собира ўғлини оқ ювиб, оқ тараб, меҳр билан парвариш қилаверди. Ҳарф танитди. Ёзишни ўргатди. Расмлар чизиши учун ҳар хил бўёқлар олиб берди. Бу ишларни аввалига иштиёқ билан бажарган бўлса-да, кейинчалик нолийдиган бўлиб қолди. Айниқса, Жавоҳирни жеркиб-жеркиб берганда, йигит бир нуқтага тикилиб ўйланиб қолар, кўзларига мунг чўкарди. Машҳура шундай пайтда уларникига кириб қолса, худди ўзининг боласини кимдир озорлаётгандек юраги зирқираб кетарди.

Бир куни токли дўлма пиширди, Жавоҳирга ҳам бир коса илиниб, қўшникикига чиқди. Мўйлаблари сабза уриб қолган йигит нимадир чизаётганди.

— Жавоҳир, яхшимисан? — деб унга яқинлашди Машҳура. Йигит жилмайди ва қўлини кўксига қўйиб:

— Аччаом, о-о-п-а, — деди.

— Ваалайкум ассалом, мулло йигит бўлгин, қара, сенга нима олиб келдим. — Машҳура қўлидаги овқатни йигитчага узатди. — Ейсанми? — Ногиронлар аравачасида ўтирган йигит унга қараб талпинди. Машҳура Жавоҳирнинг чизаётган расмларини бир четта олиб, таомни йигитнинг олдига қўйди. У шу қадар шошқалоқлик билан овқатлана бошладики, Машҳура ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди.

— Келинг, Машҳурахон, — ичкаридан чиқиб келган Собира у билан кўришаркан, ўғлига кўзи тушиб, афтини бужмайтирди. — Жавоҳир, яна нима еяпсан? Вой, сени ҳалигина овқатлантиргандим-ку!! — Собира тез-тез юриб, ўғлига яқинлашди. Косани олиб қўймоқчи эди, Жавоҳир маҳкам ушлаб олди. Машҳура ноқулай аҳволда қолди.

— Буни кўрмайсизми, қўшни, сира овқатга тўймайди, — деди Собира.

— Бизнинг полвон катта йигит бўляпти-да, аяжониси, — деди Машҳура йигитнинг ёнини олишга интилиб.



Собира кимга ҳасрат қилишни билмай турган эканми, дарҳол кўзлари ёшга тўлиб, гапира кетди:

— Бунинг қорнини тўйдириб ҳам балога қоласиз. Болалигида ўлиб кетганда, йиғлаб-йиғлаб, тақдирга тан берармидим. Тирик қолса бўлди, деб изиллайверибман-у, бир кун келиб, ўзиниям, мениям адойи тамом қилишини билмабман. Худодан зўр келаман, деб ўйлаган эканманми, деб қўрқиб кетаман баъзида. Ўтиришини қаранг, дардлашай десанг, гапга тушунмаса. Тўнкадан фарқи йўқ, Машҳурахон, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку ахир!

— Унақа деманг, Собира опа. Бу ҳам худонинг берган синови. Сабр қилишдан бошқа чорангиз борми? Жавоҳир ҳеч нарсани тушунмайдиган йигитмас. Қаранг, қандай расмлар чизяпти.

Собира беҳафсала қўл силтади:

— Бу расмлари кимгаям керак?

Унинг юзига тикилган одам боласининг қийналаётганидан эзилиб, зада бўлган онанинг қиёфасини аниқ-тиниқ кўрарди.

— Одамлар ногиронлар уйига элтиб ташлашни маслаҳат беришяпти. Буни у ёққа юборишга юрагим бетламайди. Боламни бегоналарнинг қўлига беришга чидолмайман.

Унга Машҳуранинг ичи ачишди. «Ахир ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз. Соппа-соғ туғилган бола бепарволигингиздан шу аҳволга тушди», дегиси келди-ю, аммо Собиранинг куйган юрагини баттар ўртагиси келмади. Одамнинг юзи иссиқ, андиша қилди.

* * *

Эрталаб телефон жиринглади. Машҳура гўшакни кўтарди. Жимжит.

— Алло, эшитаман, — деди у бетоқатланиб.

— А-л-лл-о, о-п-п-а, — деган овозни эшитгач, шошиб қолди.

— Жавоҳир, сенмисан Полвон?

— О-п-п-а.

Машҳуранинг юраги симиллаб кетди. Гўшакни жойига ҳам қўймай қўшникикига югурди. Дарвоза ташқаридан берк эди. Илгакни очиб ичкарига кирди. Йигит айвонда телефон гўшагини ушлаганча ўтирарди.

— Нима дейсан, Жавоҳир? Уйда ҳеч ким йўқми?

Йигитнинг кўзлари жавдиради. Машҳура унинг қорни оч бўлса керак, деб ўйлаб, ошхонага кириб, бир бурда нон кўтариб чиқди.

— Қорнинг очдими? Мана буни еб тургин, ҳозир сенга бирор нарса топиб бераман.

Жавоҳир челакдаги сувга ишора қилди.

— Вой, чанқаганмидинг?

Машҳура йигитга сув ичирди. Кейин бошини силади. Жавоҳир унга миннатдор нигоҳ ташлади. Қўлини кўксига қўйди. Сўнг бир четдаги стол устида ёйилиб ётган қоғозларни кўрсатиб ни-

мадир демоқчи бўлди. Машҳура бориб, қоғозларни йигитнинг ёнига олиб келди.

— Нима дейсан?

— Б-бу, м-ме-н, — деди йигит битта расмни кўрсатиб.

— Қани кўрай-чи.

Машҳура қоғозга қаради. Унда Жавоҳирнинг ўзи жилмайиб турарди.

— Буни қара-я, худди ўзингдек қилиб чизибсан-ку, — деди ҳайратини яширолмай.

Мақтовдан руҳланган йигит уялиб бошини эгиб олди.

— Бизнинг Полвон шунақа зўр рассом бўлибди-ю, билмай юраверибмиз.

Жавоҳир завқ билан бошқа қоғозларини ҳам кўрсата бошлади. Унда гуллар, осмон, булутлар, ҳовли ўртасида қийғос гуллаган гилос, Жавоҳирнинг опалари ва укасининг, ота-онасининг расмлари чизилганди. Машҳура унинг рассомликда тенгсиз истеъдоди борлигини кўриб, анграйиб қолди. Шу маҳал йигит унинг қўлидан тортқилади. Аёл ўгирилди-ю, беихтиёр кўзлари ёшга тўлди. Яна бир расмда Машҳуранинг сиймоси ва унинг бағрига бош қўйиб турган Жавоҳир акс этганди. Аёл ортиқ чидай олмай, йигитни маҳкам бағрига босди. Шу пайт кўча тарафдан:

— Вой ўлсин, дарвоза нимага очилиб қолибди, — деган овоз эшитилди.

Собиранинг қораси кўриниши билан Жавоҳир шоша-пиша қоғозларини яширишга уринди. Унинг нима қилмоқчи бўлаётганини тушунган Машҳура расмларни тахлаб, қўлига олди.

— Мен Жавоҳирдан хабар олай, деб киргандим, — деди у Собирага пешвоз юраркан.

— Шу десангиз, остона ҳатлаб кўчага чиқолмайман. Бирор нарса керак бўлса, сизга телефон қилишини тушунтириб, шундоқ дўконга бориб келдим, — деди Собира. Кейин ҳайрон бўлганини яширмай, Машҳурага юзланди: — У ростдан ҳам қўнғироқ қилдими?

— Собира опа, Жавоҳир тентакмас, шунчаки яхши гапира олмайди, холос. У ҳамма нарсани тушунади, — деди Машҳура.

Эшикдан қўшни қиз кириб келди:

— Собира хола, уйдамисиз? Ойим сиздан пул олган экан, шуни бериб қўйгин, деганди.

Қиз ийманибгина келиб аёллар билан сўрашиб, Собирага пул узатди. Машҳура ўн еттига тўлган Жавоҳирнинг кўзларида ғалати бир чўғ милтиллаганини илғади. Қўшни қиз чиқиб кетгунча Жавоҳир жуда ғалати аҳволда унинг изига тикилиб ўтирди.

* * *

Ишдан қайтишда одатдагидек Собиранинг уйига кирди. Қўшниси Жавоҳирни бағрига босиб, ўтирарди.



— Жоним болам, майли, нима бўлса ҳам кўз олдимда соғ-саломат ўтирсанг бўлди. Манави зиналарга яқин борма, йиқилиб кетсан. Шунча ҳасратингни кўтарганим етади. Сендан айрилиб қолсам, ақлдан озишим ҳеч гапмас, - дерди у йиғламсираб.

Машҳура она-болага халақит беришни истамай изига қайтди.

Кечки овқатни тамадди қилишгач, болалар ичкарига телевизор кўришга кириб кетишди. Машҳура сўрига ёнбошлади. Шу пайт девор ортидан Собиранинг ёзғирган овози эшитилди.

— Ҳой бола, эсинг жойидами, қўшнининг қизи Сайёрага нега кўз қисасан, юрагини ёрибсан-ку, бечора қизнинг. Сен унинг тенги эмассан, тушундингми!! Бир бедаво ногирон бўлсанг. Ўзингни уддалолмайсан-у, қилган ишингни қара!!!

Онасининг гапидан кейин Жавоҳир қандай аҳволга тушди экан, деб ўйлаб, Машҳура ярим тунгача ухлай олмади. Ҳовлига чиқди. Ҳаммаёқ тинч. Болалар ҳам, эри ҳам ухлаб ётишибди. Шу маҳал телефони жиринглаб қолди. Бу одатий ҳол. Кимдир касал бўлиб қолади. Кимгадир укол қилиш керак.

— Алло? — деди у.

— О-п-п-а, — Жавоҳирнинг овози эшитилди. У йиғлаётганга ўхшарди.

— Жавоҳир, нима гап?

— М-ме-н сиз-н-и я-х-хши к-ў-р-ра-м-ма-н, оп-п-а.

— Вой ўзимнинг Полвоним. Мен ҳам сени яхши кўраман, ширин тушлар кўриб ётгин, эрталаб олдингга кираман, хўпми?

— ...

— Эшитяпсанми, Жавоҳир? — деди Машҳура.

Гўшакнинг у томонидан чуқур хўрсиниқ ва йиғи овози келди.

— Йиғламагин, Полвоним, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Сени ҳам уйлаймиз. Чиройли келинчакни ёнингга ўтқазиб, тўй қиламиз.

У Жавоҳирга таскин-тасалли беришга уринарди. Гўшакнинг у тарафидаги йиғи овози тинди. Йигит гўшакни жойига қўйди.

Машҳура хонасига кириб ўрнига ёнбошлади-ю, кўзи илинди. Кундузи чарчаган эканми, қотиб ухлаб қолибди. Эрталаб эрининг ваҳимали товушидан чўчиб уйғонди. Айвонга югуриб чиқди.

— Қўшнининг ўғли бетобмиш, аҳволи оғирга ўхшайди. Югур, тезроқ чиқ, мен тез ёрдам чақираман, — деди Жунайдулло.

Машҳура юзини чала-чулпа чайиб, Собираникига қараб югурди. Чиққанида Жавоҳирнинг бошидан қон оқаётган, юзлари оқариб, ўзи анча ҳолсизланиб қолганди. Кўп қон йўқотганини сезиш қийин эмасди. Машҳура йигитнинг бошини тиззасига қўйиб ўтирган Собирага яқинлашди. Аёлнинг аҳволи аянчли эди.

— Қўшни, ғафлат босиб, ухлаб қолибман, Жавоҳирим мана шу баланд айвондан пастга қулаб тушибди, — деди у овози титраб.

Машҳура йигитнинг бошига эгилди.

— Қалайсан, Полвон?

— О-п-п-а, — Жавоҳирнинг қон қочган юзида ним табассум зуҳурланди. Кейин кўзи билан ерда ётган қоғозга ишора қилди. Машҳура қоғозни қўлига олди. Жавоҳирнинг юз-кўзларида англашилмас бир дард, ҳасратли ифода қотиб қолганди. Унинг боши бир тарафга қийшайиб, кўзлари юқорига тортиб кетди.

Собира ўғлига бир муддат тикилиб турди-ю, бирдан бўзлаб юборди:

— Вой болам, нуридийдам болам. Менинг мусаввир болам, жоним болам, мени бунчалар бўзлатиб кетмасанг бўлмасмиди?! Полвоним болам, орзулари бисёр болам, гўшанга кўрмай кетганим, жоним болам...

Машҳура Собиранинг елкасидан тутиб, овутмоқчи бўлди. Аммо паҳлавондай боласини бепарволик билан ногиронлар аравачасига михлаган, ўн етти йилдан бери ногирон фарзандининг юзига термилиб-термилиб, юраги зардобга тўлган онага қандай юпанч беришни билмай, нари сурилди. Эркаклар Жавоҳирнинг жасадини ичкарига олишди. Кўз ёшларини тия олмаётган Машҳура ҳалиям қоғозни ушлаб турганини англаб, унга қаради. Расмда қўшни қиз - Сайёра келинчак либосида тасвирланган, ёнида эса оёқлари бус-бутун алп қомат Жавоҳир жилмайиб турарди. Машҳуранинг лаблари титради.

Бу пайт кекса онахонлар, таомилга кўра, чимилдиқ кўрмай оламдан ўтган йигитнинг жасади ётган хонага гўшанга тортишаётганди.

## МУҲАББАТ ФАСЛИДА...

Бошига зангор духоба дўппи, эгнига урфдан қолган бўлса-да, озодагина йўл-йўл кўйлак кийган, тўладан келган йигитча тиржайиб бозорга кириб келганда кун пешиндан оққанди. У тўғри гулчилар растаси томонга юрди.

— Ассалому алейкум, — деб гулчи қизларга тавозе билан салом берди йигит.

Уни синчковлик билан кузатиб турган гулчи қиз саломга масхараомуз оҳангда алик олди.

— Валейкум ассалом...

— Келинг, гулдасталаримизни кўринг-чи, сизга маъқули бормикан?..

— Ҳаммаси чиройли, гап йўқ. Пулим камроқ-да, беш донагина чиннигул олсам девдим, — деди йигитча қизариб-бўзариб.

— Қайси рангидан бўлсин? Танлаб олақолинг.

Йигитча ўнғайсизланиб, саросимага тушди.

— Ҳалиги, пушти ранглисини оламан.



Қиз гулни ўраб йигитнинг қўлига тутқазди.

Йигитча оғзи қулоғига етгудек тиржайиб, беўхшов қадам ташлаб катта йўлга чиқди ва театр томонга бурилди.

* * *

Болалигида тенгдошлари уни Шариф анқов деб чақиришарди. Бувиси эса уни Шарифжон деб атар, пазанда, чаққон аёл Салтанат буви билан яшаш яхши эди.

— Юр, болам, бугун сани испиктаклга обораман, — дерди бувиси гоҳида.

Икковлон йўлга тушишарди. Биринчи марта театрга келишганда Шарифнинг оғзи очилиб қолган. Ажойиб. Театрнинг ичи саройга ўхшаркан. Телевизорда роль ўйнайдиган актёрларни кўрганида қувонганидан бақириб юбораёзганди.

— Бобонг раҳматли билан тез-тез келиб турардик, — деганди ўшанда бувиси унинг бошини силаб. — Бу ерларда бобонгни излари қолган. Кейинчалик сен ҳам келиб тургин, болам, хўпми?

Атрофни анқайиб томоша қилаётган Шариф хўп, дегандек бош ирғарди.

Кўп ўтмай, бувиси оламдан ўтди. Унинг қазосидан кейин Шариф ўз уйига, ота-онасининг ёнига қайтди. Лекин на отаси ва на ўгай онаси унга бувисидек меҳрибон бўла олишмади. Йигитчанинг юраги сиқилар, бувисини қўмсар, у билан юрган йўллардан юргиси келарди. «Театрга бораман! — деб ўйлади у бир куни. — Ахир, бувим ҳам бобомни соғинганда театрга борарди-ку».

— Дада, пул беринг, — деди кечқурун оила жам бўлганда.

Телевизорга тикилиб ўтирган дадаси унга ўгирилди.

— Пулни нима қиласан?

— Театрга бораман.

Ўгай онаси ўқрайди.

— Жиннимисан, нима бало?! Шу замондаям театрга борадими одам?! Ана телевизор. Ана видео. ДВД. Яна нима керак санга?!

— Мани театрга боргим келяпти.

— Қўй, болам, бошимни қотирма.

Шариф бошини эгиб хонадан чиқиб кетди.

Эртаси куни мактабга боргиси келмади. Мактабга борса ҳам, бормаса ҳам барибир, ўқитувчилари уни ҳадеб суриштиришавермайди. Автобусга ўтириб кўчаларни айланди. Шаҳар марказида уловдан тушиб, пиёда кета бошлади. Юриб-юриб, театр биносининг олдидан чиқиб қолди. Киришга пули йўқ. Чарчади. Оёқлари зирқираб оғриди. Бошини эгиб, спектаклга кириш учун қаердан пул топишни ўйлаб, бетон тўсиқ ёнига чўккалади.

Шу ўтирганча қанча вақт ўтирганини билмайди. Бир пайт олдига қоғоз пул учиб келиб тушди. Шариф бошини кўтарди. Ясан-тусанни ўрнига қўйган бир аёл ундан узоқлашиб борарди. Театрга киришга пул топганидан суюнган йигитча дуога қўл очди: «Ўзингга шукур, Худойим». Шу пайт яна ва яна пуллар туша бошлади. Шундагина Шариф ўтган-кетганлар уни тиланчи деб ўйлаётганини тушуниб, қизариб кетди ва шошиб ўрнидан турди. Бозорга бориб уч дона атиргул сотиб олди.

Театрда ҳамма унга ўгирилиб қарайди. Шарифнинг эса парвойи палак. Дуч келган одамга салом бераверади. Кимдир алик олади. Биров ўгирилиб кетади.

* * *

Ёшгина актрисани кўриб юраги жизиллаб кетди. Қизнинг табассуми жуда чиройли эди. Унинг чеҳраси Шарифнинг кўз олдидан кетмай қолди.

* * *

Энди у ҳар куни мактабга борар, билса-билмаса дарсни айтиб, устозидан тўрт-беш баҳо олишга уринарди. Агар шундай қилмаса чиройли актриса, «Сен иккичи ва ялқов экансан», деб юз ўгириб кетадигандек туюларди-да.

Театрга камнамо бўлиб қолди. Энди гавжум жойларда тиланчилик қилишга уяларди. Гўзал актрисанинг танишлари уни бу аҳволда кўрса ва бориб актрисага ўша йигит тиланчи экан, дейишса нима бўлади, ахир.

Йигитча пул топишнинг бошқа йўлларини ўйлаб юрган вақтида, кекса бир кампир бозордан иккита сумка билан чиқиб келди. Шарифнинг назарида кампир бувисига ўхшарди. У тезда кампирга яқинлашиб қўлидан сумкаларини олди ва бекатгача кўтаришиб борди.

— Умрингдан барака топ, болам, — деди онахон манглайидаги терни артиб. — Манавини ол, музқаймоқ олиб ейсан.

Шариф бош чайқади:

— Йўғ-е, мен сиздан пул олмайман.

— Ол, болам, олавер, — кампир қўярда-қўймай қўлидаги пулни Шарифга тутқазди.

Автобуснинг орқасидан қараб қолган йигитчанинг миясига ажойиб фикр келди: Ҳаммоллик қилиш айб эмас-ку.

Энди унинг театрга киришга пули бўлади.

* * *

Бугун ўша чиройли актрисаси бош ролни ўйнайди. Йигитча анчадан бери унга гулдаста беришни орзу қиларди. Шунинг учун



эрталаб йиққан пулларини ҳисоблаб кўрди. Чўғи кам экан. Иккилана-иккилана бозор ёнига келиб турди. «Севимли артисткамга энг катта гулдастани сотиб оламан», деб ширин хаёллар суриб турганида, бир аёл келиб, шанғиллай кетди:

— Бу ердан туёғингни шиқиллат-чи!

— Сиз кимсиз?

— Манми?! Нима ишинг бор?! Қани жўнаб қол-чи! Ҳе, ўргилдим! Нега оғзингни очасан?

Аёл Шарифнинг кўкрагидан итариб юборди.

Томоғига бир нима тиқилди. Хўрлиги келди.

Пулларини ҳисоблаб кўрди-да, бўғзига тиқилган аламни ютиб, ўрнидан турди. Кўз олдига актрисанинг маъсум чеҳраси келди. «Бешта чиннигул... Агар бешта чиннигул олсам, унинг кўзлари чақнаб кетади», деб ўйлаб, ширин энтикди.

* * *

Театрга кириб, ҳар доимгидек, томоша залининг бир чеккасига бориб ўтирди. Маза қилиб томоша кўрди. Айниқса, севимли актрисаси саҳнага чиққанидан кейин лаб-лунжини йиғиштиролмай қолди.

«Гул бераётганимда, қўлларим артистканинг бармоғига тегиб кетса-я», деб ўйлади-ю, хаёлини атрофдагилар уқиб олгандай икки юзи қизариб, юраги ўйнади.

Спектаклдан кейин гулдурос қарсаклар остида актёрлар қайта саҳнага чиқишганида, Шариф чаққонлик билан ўрнидан туриб, уларга қараб юра бошлади. «Қўлим артистканинг бармоғига тегиб кетса-я», деган ўй яна кўнглидан ўтди. Бу вақтда у саҳнага етай деб қолганди, оёқлари чалишиб, мункиб кетди. Дарҳол ўрнидан туриб, атрофга хижолатли аланглаб олди-да, жилмайиб, саҳнага чиқиб борди.

Ана унинг сулуви! Унга ҳамма гул тутяпти. Шариф қизга яқинлашди. Ҳаяжондан юзлари бўғриқиб кетган, оёқлари ўзига бўйсунмасди. Қизариб-бўзариб гулни узатди. Қизнинг ёнидаги актриса сирли жилмайиб, дугонасини туртиб қўйди. Қиз Шарифга қараб, гулни бепарвогина оларкан, юзига ним табассум югурди. Шунда... шунда Шарифнинг жони бўғзига тиқилгудек бўлиб, юраги гупиллаб уриб кетди. Қўли актрисанинг бармоқларига етиб бормади ҳам. Аммо у жуда бахтиёр эди. Қиз уни кўрди! Унга жилмайиб қаради! Шунинг ўзи катта гап!

Шариф қоқилиб-туртиниб саҳнадан тушаркан, кимдир актрисага каттакон гулдаста бераётганини илғаб, ўгирилиб қаради. Қизнинг чеҳраси шу қадар гулгун ва бахтиёр эдики, унга қараб турган Шариф, беихтиёр гул бераётган йигитга алам билан ўқра-

йиб қаради. Актрисанинг қўлидаги гуллар орасидан эса беш дона пушти ранглиси ерга тушиб кетди ва у гулларни босиб-янчиб катта гулдаста узатаётган мухлиси сари талпинди. Шариф қизга гул бераётган йигитнинг бўй-бастига яна бир қур разм солди. Пўримгина, олифта йигитга ўхшади. Шарифнинг юраги ҳали ҳеч қачон туймагани бир ҳиссиёт ичида қовирилди. Қалбини алам ва рашк ўти ўртаб юборди. «Ҳали қараб турсин, мен у йигитдан зўр бўламан. Ўқийман, яхши жойларда ишлайман. Бир куни, албатта, уникидан катта гулдаста келтириб артисткамга ҳадя қиламан!» деган аҳд юрагига чўғ ташлади.

Театрдан чиқиб кетаётганда у елкасини қисиб, мунғайиб юрадиган йигитчага мутлақо ўхшамас, кўзларида ўзгача бир шаҳд ва қатъият ўти ёнар, қадамлари ҳам аввалгидан анча шахдам эди.

## *МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:*

Азиз ўқувчи! Мазкур тўплам билан сизнинг ҳузурингизга етиб боргунча узоқ йил йўл босдим. Болалигимдан китобга ўч эдим. Юрагимда ҳикоялар ёзишга иштиёқ бор эди. Аммо бу ишга журъат қилишим мушкул бўлди. Шеърлар ёздим. Кўнглимдаги кечинмаларни мисраларга тўкдим. Кўнглим тўлмади. Наср ўзининг сокин сирлари, салобати – маҳобати билан мени ўзига мафтун этаверди. Юрагимда ёзиш истаги ортиб борди. Ёздим. Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев каби буюк адибларимиз йўлига ҳавас қилдим. Елкам оша устозларимнинг нигоҳи мўралаб тургандек бўларди ҳамиша. Қораламаларимни яширдим. Яна ёздим. Ниҳоят ёзганларимни устозларга кўрсатишга, улардан фикр сўрашга журъат топдим. Улар менга наср қалъасига кириш учун ўз йўлимга олиб борадиган сўқмоқларни кўрсатдилар. Ушбу тўплам - ана шу йўлдаги уринишларим маҳсули. Бу борада устозларимдан ва дўстларимдан эшитганим ҳар бир фикр, ҳар бир ўгит мен учун муҳим.

Айниқса, қадрли устозим Иброҳим Ғафуровдан беҳад миннатдорман. Устознинг йўл-йўриқлари билан ёзиш моҳиятини теранроқ тушундим. Мазкур тўпламни ўқиб фикр билдирганларидан сўнг ҳикояларимни қайтадан синчиклаб ўқидим ва уларнинг айримларидан воз кечишни маъқул топдим. Зеро, бу ўзим учун ҳам, азиз ўқувчи учун ҳам фойдадан холи бўлмади, деб ўйлайман.

Сиз билан юзлашиш бахти насиб этган мана шу кунда менга руҳан мадад берган, мени ёзишга рағбатлантирган устозларимнинг барчасига бош эгиб таъзим қиламан.



## МУНДАРИЖА

Аёллик пешонаси *(Иброҳим Ғафуров)* ........ 3
Келин ........ 7
Арбағишнинг лолалари ........ 15
Оққашқа ........ 21
Хонатлас ........ 30
Шабнам соясидаги муҳаббат ........ 38
Ёлғизлик исканжасида ........ 45
Унутилган атиргул ........ 54
Қўрқув ........ 60
Қалдирғочли уй ........ 64
Изтироб ........ 68
Мерос ........ 73
Илинчак боғлар тароватi ........ 78
Уйнинг устуни ........ 83
Омонат ........ 86
Орзу ........ 91
Муҳаббат фаслида ........ 98
Муаллиф дейдики ........ 102

*Адабий-бадиий нашр*

**Ҳамрохон Мусулмонова**

**АРБАҒИШНИНГ ЛОЛАЛАРИ**

***Ҳикоялар***

Муҳаррир *Шойим Бўтаев*
Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 19.08.2011 й. да рухсат этилди.
Бичими $60x90^{1}/_{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
6,5 шартли босма тобоқ. 6,23 нашр тобоғи. Адади 2000 нусха.
85–2011 рақамли шартнома. 393 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz**
**E-mail: iptdgulom@sarkor.uz**